


ОМОН МУХТОРОВ

УЧҚУР ПОЕЗДЛАР

(Ҳужжатли қисса)



Тошкент
Ўзбекистон ЛҶСМ
Марказий Комитети
«Ёш гвардия»
нашриёти
1981

МУАЛЛИФДАН

Мени ажойиб шоир, қаҳрамон жангчи Султон Жўра хотираси олдиаги қарздорлик ҳисси қўлимга қалам олишга ундаdi.

Мен Султон Жўранинг ҳаёт йўли билан яқиндан танишдим, уни кўрган-билган, мулоқотда бўйлан кўплаб кишилар билан сұхбатлашдим. Менга бу асарни ёзишга кўмак берган, мени рағбатлантирган барча ўртоқларга ташаккур айтмоқчиман.

Қардош белорус тупроғида жангчи-шоирнинг ҳурмати баланд. Унинг номида кўчалар, мактаблар, музейлар бор. Мен асар баҳонасида қардош тупроқдаги дўстларимизга ҳам Султон Жўрага нисбатан меҳр-муҳаббатлари учун ташаккур айтаман.

Мен бу асарни ёзганимга қадар Султон Жўра ҳаёти ва ижодига қизиқиб, бу борада изланган олимлар, журналистлар, шоирлар — барча қалам заҳматкашларига ҳам раҳмат дегим келади.

Қисса «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинганидан сўнг менга кўп ўртоқлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, анча мактублар олдим, уларда ҳам китобхонлар асар тўғрисидаги фикрлари ва истакларини баён этишган. Мен асарни китоб ҳолига келтирганимда булярнинг барини инобатга олишга ҳаракат қилдим.

Асар ўқувчиларга манзур бўлса, буни ўз баҳтим деб биламан...



Тақризчи: Озод Шарофиддинов

M 70303—107
356 (04)—81 46—81 4702570000

«Ёш гвардия» нашриёти, 1981.

ҚОРА ҚУН

Хәёт ҳали бир маромда оққан, одамлар тинч, баҳтиёр бўлган кунлардан бирида, кечга томон Хўжақулнинг уйида унинг ёри-дўстлари тўпланишиди.

Ховлидаги сўрида жой тузалганди. Уртада дастурхон ёзиғлиқ. Дастурхонда тандирдан янги узилган иссиқ нон, ёз неъматларидан тортиб, шўрданак, нўхат, майиз, ёнғоққача кўзга ташланарди. Бухородан келтирилган мис кўзачада қўлбола май, узун шишаларда ароқ ҳам бор эди.

Хўжақул уйига таклиф қилган кишилар барчаси, асосан, ўз вақтида йиғилишган эди. Аввалига Қарим Аҳмадий билан Восит Саъдулла, сўнг Жасур, Ҳошимжон Рассоқ, Офтобхон Ҳолботировалар келишганди. Меҳмонлар орасида фақат Султон кўринмасди. У ҳаммадан кейин, анча кеч келди.

Султон келганида, меҳмонлар дастурхон атрофини эгаллашиб, кўзачанинг қопқоғини, шишаларнинг оғзини очишган, қадаҳлар аллақачон даврани айланишга тушган эди.

— Иўқ, шунақа ҳам бўладими?! Иўлингизга қарайвериб, кўзларимиз тешилди,— шикоят қилди Хўжақул, Султон ҳовлига қадам қўйгани заҳоти. Хўжақул Султонга чиндан ўзича интизорлик чекиб, азбаройи бўғилганидан, энди унинг сўрига яқинлашиб, пафас ростлашини кутишга ҳам сабри чидамади.

Хўжақулнинг Султондан бундай ўпкаланиши бежиз эмасди. Улар илк ёшлик кунларидан ошна, ҳамشاҳар ва буларнинг устига, Бухорода бирга ўқишиган эди. Бундан ташқари, Хўжақул шаҳар маданият ташкилотларидан бирида хизмат қиласар, бу соҳадаги ҳар қандай кишининг ўзи билан маълум даражада ҳисоблашишини истарди.

Султон эгнида янги дазмолланган оқ кўйлак, сочини өзтибор бериб тараған, унинг озғин, рангпар юзида ҳар қачонгидек кўзлари порлар эди. У Хўжақулга индамай, ўз одатича, содда, беозор кулимсираб, ҳамма билан шошмасдан кўришди. Шундай осойишталик билан сўридан жой олганидан кейингина, даврага юзланиб:

— Узр. Мен сизларни бир оз кутдириб қўйдим албатта,— деди.

Султоннинг ҳаммани кутдирганидан Хўжақул ҳамон норозиланиб ўтиради. Унинг хаёлини, Султон нега кечикди, қаерда, нима сабабдан тутилди экан, деган саволлар банд этганди. У бу саволларга тезроқ жавоб олмаса, кўнгли таскин топадигандек эмасди. Қадаҳлар яна даврани айланишга тушиб-тушмасдан, Хўжақул шу тўғрида сўз очишдан ўзини тўхтатиб туролмади.

Султон истар-истамас кўйда:

— Кенжা қизимнинг тоби қочиб қолди,— деди.

— Бола оғримасдан вояга етмайди. Ўзингиз биласиз,— ғудранди Хўжақул.

Султон унга жавобан ҳеч нарса демади.

У кеч келганига қарамай, шу куни Хўжақулиниг уйида узоқ ҳам ўтирмади. Султон ўзини эркин, бардам тутар, чехраси очиқлигидан, беғам-бепарво одамга ўхшарди. Аммо шу билан бирга, унинг одатдагига нисбатан елкалари андак чўйкан, ўзи ҳар қачонгидан кўра ўйчан, ҳорғин эди.

Даврадагилар гаи орасида Султонга, сизнинг негадир кейинги пайтларла умуман машқингиз паст, оллинги қувноқ юришларингиз йўқ, нимадандир нотинч одам-

га ўхшайсиз, дейиши. Султон уларга ўйчанлик билан, шу кунлар дунёning ўзи қандайдир нотинч, киши беихтиёр паришонланасан, деди.

Ёши ўттиздан жилла ошган кичик жуссалы, нозиккина бу йигитнинг босиқлиги, ҳар бир сўзни ўлчаб, салмоқли гапириши кўпинча Хўжақулнинг ғашини келтирарди. Бугун ҳам Султоннинг олис бир нуқтага тикилиб, дунё тўғрисида сўзлаши унинг бехосдан ғашига тегди. Бундан ташқари, Хўжақул шу кунлар дунёning аллабурчакларида урушлар бўлиб, қаерлардадир қон тўкилаётгани-ю, Султоннинг шуни кўзда тутиб гапирганини яхши биларди. Аммо унга Султон бунинг учун ташвишлини ниҳоятда эриш туюлган эди. Шу боисдан ҳам, Султонга:

— Сиз ўзингизни ўйланг, Султонбой. Дунёни қўявerring,— деди Хўжақул.

Султон сал нохушланиб:

— Буни ўйламаслик мумкин эмас, Хўжақул ака,— деди.

Шундан кейин, у нечундир, ишларим олдин яхши кетаётганди, бир неча кундан бўён тўхтаб қолди, ҳеч юришмаяпти, деб ўксингандек бўлди.

Хўжақул Бухородаги эрлар билим ютида ўқиб юриб, Султон билан бирга қўлига қалам олган, аммо кейинчалик Султон эл орасида шоир сифатида танилиб, мансаб йўлини тутган Хўжақул бу борада ундан жуда орқада қолнб кетган эди. Худди шунинг учун ҳам, Хўжақул, Султон менинг ошналигимпли ҳам, раҳбар эканимни ҳам унтиб қўймадимикин, менга беписанд қарамаяптимикин, деб қўрқар, кўнглида баъзан Султонга нисбатан рашқ-адоват қўзғаларди. Бугун ҳам, у эмас, мана шу рашқ тилга кирди.

— Сиз нолисангиз, билмадим, Султонбой,— фудраиди Хўжақул.— Сиз ҳамиша ёниб яшайсиз. Бу яхши, лекин, менимча, одам ўзига бир оз эҳтиёт ҳам бўлиши керак. Кўпроқ ёнган шам эртароқ сўнади, дейишади...

Султон Хўжақулга жавобан бу гал ҳам ҳеч нарса демади.

Орадан ярим соат чамаси ўтар-ўтмас, у ўрнидан қўзғалди.

— Эртага боғда ош қилмоқчи эдик. Қеларсиз,— деди Хўжақул у билан хайрлашаётаб.

— Билмадим. Қелсам керак,— деди Султон ноаниқ, мужмал.

* * *

Хўжақул шаҳарнинг обрўли, гапдон зиёлилари тўп-ланган давра қизимаслигини, уйидаги ўтириш ўтириши-га ўхшамаслигини меҳмон чақирганида хаёлига келтирмаганди.

У Султоннинг ҳамма қатори келишини кутган, ни-ҳоят: «Қани, дастурхонга марҳамат. Бошлайверайлик, Султон ҳам келиб қолар!»— деб, меҳмонларни сўрига таклиф қилган эди. Хўжақул хотини Шарифанинг «Султон ака келмасликлари ҳам мумкин!»— деган гапига жавобан, хотини қолиб, асосан меҳмонлар учун: «Султон меникига келмаса, кимникига борарди»— деб маг-рурланганди. Султоннинг ҳаммани илҳақ қилиши, шунчаки ҳовлига бош суқиб, дарров жўнаб қўя қолиши Хўжақулнинг ақлига сифмасди. У мансаб курсисида ўтириб, маданиятга дахлдор кишиларнинг барчасига нисбатан кўнглида бир оз «отахон»лик даъвоси бўлгани учун ҳам, Султоннинг муомаласидан энди унинг астасекин иззат-нафси оғрий бошлаган эди.

Султон кетгач, Хўжақул даврага юzlаниб, мен бу-гун Султоннинг ишига тушунолмадим, у негадир ўзини бошқача тутди, деб ғудранди.

— Ҳаммаси оддий,— деди ўртоқларидан ёши, мавқеи катта, давраларда аксар оқсоқоллик қилган Карим Аҳмадий.— Бола оғриганида киши кўпинча ўзингни қўйишга жой тополмайсан...

— Одамларни кутдириб, бундай ўтирмасдан кетиш-
га бола важ бўлолмайди,— гудранди Хўжақул.

— Султон ҳар қандай ваъдалашган даврага вақти-
да келиб, bemalol сухбатлашиб ўтиради. Бошида би-
рон ташвиши бўлмаса, бунаقا қилмасди албатта,—
деди Жасур.

— Дунёда кимнинг ташвиши ўйқ, иним! Ҳамманинг
ҳам ўзига яраша ташвиши бор,— деди унга Хўжақул.

— Дўстимиз аввалдан институтда тутилган бўлиши
ҳам мумкин,— деди Ҳошимжон Рассоқ. У Султон би-
лан бирга ўқитувчилар тайёрлаш институтида дарс
берарди.— Бугун шанба, ҳафтанинг охри. Султон тил-
адабиётдан бўлак, тарих-география факультетини би-
тириб, охирги йиллар ўзига анча иш орттириди...

— Бизнинг ҳам ишимиз бошимиздан ошиб ётипти.
Бу ерда ҳеч ким бекорчи эмас,— Ҳошимжоннинг гапи-
дан ҳам қаноат ҳосил қилмади Хўжақул.

— Султоннинг кейинги пайтда бош қашишга вақти
йўқлиги тўғри. У ҳаттоқи мен билан овга ҳам бормай
қўйди,— гапга аралашди, жилмайиб Восит.— Бўлмаса,
ўзи бир кунлар тилга тушиб мақталган «Овчи» шеъри-
ни тўқайзорларда милтиқ кўтариб юрганимизда ёзган...

— Иўқ, умас, бу мас, Султон ўзига бино қўя бош-
лади, — деди Хўжақул. — Мана, кўрасизлар, у эртага,
ҳали ошга ҳам келмайди...

Даврадагилар Хўжақулга индашмади. Орага бир
оз сукут чўкканидан сўнг, Хўжақул яна асабийланди.

— Унинг нолишини қаранг. Икки-уч йил ичиди қан-
ча шеърлар, достонлар ёзди. Обрў қозониб, мукофот-
ланди. Бундан ортиқ одамга нима керак?!

Султон икки йил муқаддам «Хурмат белгиси» орде-
ни билан мукофотланган, ўзини Султондан кам деб
билмаган Хўжақул буни тасодифий бир ҳол деб ўйлар
ва унга бу айниқса алам қилар эди.

Ўшанда кичик бир воқеа рўй берганди. Султоннинг
уялага узоқ-яқин кишинлар ёпирилшишган, уни табрикли-

гани Хўжақул ҳам Шарифани бошлаб борган эди. Даврада меҳмонлар Султонни улуглашиб, шунчаки илиқ гаплар айтиш билан кифояланиб қолмай, эркалаганча, рўй-рост бошларига кўтаришганди. Хўжақул ошинасига кўрсатилаётган илтифотдан авзоси ўзгариб, ўзини тезда одамлардан четга торганди. У айвонга чиқиб, узоқ папирос тутатиб ўтирган, ниҳоят толиққанини билдириб, хотинига ҳам қарамай, даврани тарк этганди... Кейин, Хўжақул бирданига хасталаниб, деярли оёқдан қолган, энди қишин-ёзин оёқлари оғрир эди.

Бу тақдир ўйини — Султон обрў қозониб, Хўжақул-нинг мажрухланиши бир пайтда рўй берганини ҳаммадан ҳам Шарифа яхши биларди. Эҳтимол, шундандир, у эрига қаттиқ тикилиб, кутилмагандан сўз қотди:

— Султон ака бошқача одам, Хўжақул ака. Сиз бекорга хафа бўляпсиз...

Шарифа сўри чеккасида қандайдир қунишиб ўтиради.

Хўжақул хотинининг кўзларига тўқнаш келиб, юзини секин четга бурди...

* * *

Хўжақул одатда мазали таомни ёқтирап, кўпинча ярим ҳазил, ярим чин оҳангда: «Мен дурустроқ овқат бўлмаса, ўзимни одамдек ҳис этмайман!» — дерди. У, буни айтиб, хотиним ошпаз, қўли ниҳоятда ширин, деб мақтанар, бирон ерда уйидаги сингари овқатлана олмаслигини таъкидлаб юрарди. Шарифа чиндан ҳам хонадонни гуллатадиган аёллардан бўлиб, бутун уй ишларига тўн кийгизар, айниқса ошпазликни ўрнига қўярди. Ўша куни ҳам, меҳмонлар йиғилишиб, қадаҳ даврани бир қур айланниб-айланмасдан, у дастурхонга қатиқ солиниб устига кўкат сепилган чучвара келтириб қўйган, ана шунда, Султон йўқлигидан эрининг бўғилаётганини кўриб, алланечук қўрқув аралаш ҳолатда: «Султон ака келмасликлари ҳам мумкин!» — деганди.

Шарифа бир ичкарига югуриб, бир сўри ёнида пайдо бўлганча, ўзини худди дастурхонни яна қандай безашга тараддудланәтгандек тутган, аслида эса, у бугунги ўтиришига ҳаммадан кўпроқ Султоннинг келишини кутган эди.

Султон ҳадеганда келавермади.

Қоронги тушиб, сўридаги чироқни ёқишди.

Даврадагилар Султоннинг йўқлигини афтидан унута бошлишди.

Шарифа — фақат у, Султоннин уиутмади. Шарифа уй, ошхона билан сўри ўртасида бирдек қатнар, дастурхонни ҳамон қандай безашга тараддудланәтганга ўхшарди. Аммо у ҳар гал ошхона томон борганида, ҳеч кимга билдирамай, очиқ дарвозадан кўчага ўғринча қарар, азиз меҳмоннинг йўлига интиқ кўз тикарди.

Шарифа Султонга тенгдош, аммо Султонни ҳурмат юзасидан «ака» дер, кўнглида бу йигитни ниҳоятда ардоқлар эди. У баъзан ҳаттоки меҳри ийиб: «Дунёда яхшиямки Султон акадек одамлар бор! Султон ака эзгулик тимсоли!»— мазмунида гапириб ҳам юарди. Буларнинг барига сабаб: шаҳардаги зиёлилар тўпланган давраларда Султон бошқалардан ажралиб турарди. У кўпинча бутун давранинг жиловини қўлга олгандек бўларди. Султон гоҳ кулгили, гоҳ маҳзун кайфиятдаги ҳар хил ҳикояларни гапирлаб ўтирас, унинг ҳикояларида ҳамиша кишини поклик, улугворликка ундовчи ёниқ бир руҳ сезнларди. Бундан ташқари, даврага у ҳар гал ўзининг янги шеърлари билан келар, унинг шеърлари аксар даврадагиларнинг ўша кунги ўй-хаёлларига мос тушарди. Султон фақат шеър ўқиб қолмай, ёри дўстлари илтимос қилишганида рубоб чертар, уйда гармон бўлса гармон, пианино бўлса пианинода куй чалар, беш тилда — ўзбек, тоҷик, рус, татар, қозоқ тилларида қўшиқ кўйларди. Шарифа учун бундай давралар байрам эди...

Султон пиҳоят келди,

Шарифа:

— Султон ака... Султон ака келдилар,— деб сўри атрофида ёш боладек ирғишилади. Хўжақулнинг андак хижолат чеккани, инжиганига ҳам парво қилмади.

Сўнг, у сўри чеккасига ўтирганча, Султонга ҳуркак, илтижоли тикилиб, Султонни илиқ нигоҳи билан гўёки эркалади.

Шарифа Султоннинг паришонлигини тезда пайқади. Уни алланечук ваҳим босди.

Султоннинг кечиккани етмагандек, дарров жўнашини у ҳам кутмаганди. Аммо Султон кетгач, Шарифа Хўжақул сингари бўғилмади. Аксинча, чуқур ўйга толди.

У шаҳардаги зиёлилар тўпланган давралардан сўнг, ҳар гал одатда икки-уч кун уйда мотам тутар, ғамгин рубоб чертгани-чертган эди. Гап шундаки, Шарифа бир пайлар театрда хушовоз хонанда, таниқли актриса бўлиб, Хўжақул уйлангач, унга санъат йўлидаги барча қопқаларни беркитганди. Ушанда Хўжақул қизиқ бир гап айтганди: «Хотин меники бўлгач, ҳаммага хизмат қилиши шарт эмас. Менинг хотиним ўзимга керак!» Энди Шарифа баъзан эри билан баҳслашарди. «Мен ўзимга ўзим хиёнат қилдим!» — дерди Шарифа. «Сен Султондан андаза олма. Сен аёлсан!» — дерди Хўжақул кескин. «Аёл бўлсан, нима қипти?!» «Аёлнинг дунёда душмани кўп. Сен билмайсан!» «Сиз бу маданият соҳасида нима қилиб юрибсиз, тушунмайман...»

Шарифа Хўжақулнинг Султон тўғрисидаги шикоятини тинглаб, шу гапларнинг барини эслади. У ёстиқ-дошининг ўзига нақадар бегона эканини ўйлаб, жигар-бағри қон бўлиб кетди...

* * *

Султон Хўжақулнинг уйидан кўчага чиққаچ, кўнглида андак нохушлик ҳис этди. «Кунора сабабсиз дастурхон тузаб, бундай базми жамшид қилишнинг ҳожати

бормикин?!

— ўйлади Султон.— Хўжақул ака кундан кунга нечундир давлат орттириб, феъли атворидан бир пайтлардаги боёнларга ўхшаб қоляпти!» Кейин у, тўғри ишлаб, ҳалол яшаган одам ҳеч қачон бу даражага бормаган бўларди, деб ўйлади. «Мен билан Хўжақул ака бир-биридан еру осмондек фарқ қиласидиган одамлармиз,— ўйлади яна Султон.— Аслида мен у билан кўришмаслигим, бугун унинг уйига ҳам келмаслигим керак эди. Лекин, ажабо, дунёда баъзан бир-бирини ёқтирмайдиган кишиларнинг ҳам муносабатга киришиб, мuloқотда бўлиб туришлари зарур экан-да!»

У Хўжақулнинг сўрида ястанганча ўтириб, насиҳат оҳангига, донолик билан, ўзингизни ўйланг, дуиёни қўяверинг, деганини шу аснода беихтиёр эслади ва наҳотки, шоирликни орзу қиласан киши дунёнинг потиҷчилиги-га лоқайд қарashi мумкин, йўқ, бу шоирга хос эмас, деган гаплар ҳам хаёлидан кечгандек бўлди...

Султон Андижон шаҳри марказида, коммунал хўжаликка қарашли ҳовлидаги торгина даҳлиз, икки хонадан иборат уйда хотини, болалари билан истиқомат қилар, Моҳиранинг ойиси — Моҳрӯй опа ҳам уларни кида яшарди.

У кўчадан уйга қайтганида, ўғли Ботир, қизчалари Нурия ва Румиялар хона ўртасига қатор тўшалган ўринда уйқуга кетишган эди. Моҳрӯй опа ҳам аллақачон дераза остидаги тўшакка чўзилган. Фақат Моҳира уйгоқ эди. У кенжатой Илҳомия ётган хона бурчагидаги беланчак ёнида чўнқайиб ўтиради.

Султон даҳлиздан хонага кириши билан, қизининг аҳволи қандайлигига қизиқсиниб, секин:

— Илҳом ухлаб қолдими!— деб сўради.

Моҳира бошини кўтариб, эрига ғамгин, аммо меҳрибон қаради. У Султонни кутган, ҳамон кутаётгандек ҳолатда эди.

— Ухляяпти,— деди Моҳира.— Сал енгил тортди шекилли...

— Бўлмаса, сен иега ухламаяпсай?! Сен ҳам дам ола қол,— леди Султон унга, бола оғинганига қарамай зиёфатга боргани-ю, уни кутдиргани учун қисиниб.

— Сиз-чи!— сўради Моҳира.

— Мен бир оз ишласамми, дегандим...
Моҳира индамади.

Султон болаларни ёнлаб, ичкари хонага кирди.

Уйда аввалдан бу хона Султонга ажратиб берилгандек эди. Бир четда диван, тўрда китоб жавони. Дераза олдига ёзув столи қўйилган, столда китоблар, ҳар хил дафтарлар, варақлар бетартиб сочилганди. Султон оқшомлар кўпинча шу хонада ўтириб, китоб мутолаа қилас, конспект дафтарлари тўлдирав, шеър ёзар эди.

У столга яқинлашиб, стол устидаги қора чироқни ёқди.

Шу сонияда, Султон бир неча кундан бўён иши юришмаётганидан яна ўқспниб, бугун ҳам толиққани-ю, ишлай олмаслиги эҳтимолга яқин эканини ҳис этди. Мен сўнгги йилларда бир даста шеърлар, достонлар ёздим албатта, ўлади Султон. Улар одамларга манзур ҳам бўлди. Лекин, ишимдан ҳали ўзимнинг кўнглим тўлгани йўқ. Обрў қозониш яхши, мукофот — шараф. Аммо ижодкор — у чиндана ижодкор бўлса, булар учунгина азият чекмайди. Шопрнинг одамлар олдидағи бурчи, азалий вазифаси бор. У ҳаётнинг гўзал ва ҳар қандай гўзаллик сингарни осойишта бўлишини истайди. Бунга кўмаклашгиси келиб, туши куп потинчланади.

Тошкентда ўтган катта анжуманлардан бирида машҳур адид Садриддин Айший билан қисинибгини кўришиб, икки оғиз сўзлашгани Султонпинг нечундир сира хаёлидан кетмасди. Айний энгига нисбатан кенгроқ костюм кийиб, бошига бухор дўппи қўпдирган, миқти, чўққисоқол — бир қарашда анчайин оддий киши эди. Аммо унинг ҳозиргина ҳордиқ олгандек осойишта юзи, катта, очиқ кўзларида тенгсиз сиполик, ажиб улугворлик акс этарди. Султон Бухородаги сўнгги таҳт вориси

амир Олимхон Айнийин Регистоида етмиш беш дарра билан сийлаб, уни зинданга ташлатганини яхши биларди. Ушанда бу йўсин жазо олган, бадани калтакдан моматалоқ кўп исенкорлар қайтиб қомат тиклашолмаган. Айний эса, ўрнидан дадилроқ қўзғалди! Бу етмагандек, у ёз давридаги барча ижодкорлардан кўпроқ китоб яратди! Унинг бутун жисми, бутун руҳида, шундандир, кўзга яқъол ташланадиган белги — қудрат, матонат эди. Устод Султоннинг қўлини меҳрибон қисди, сиз ҳам бухоролик экансиз, ўғлим, менга айтишди, деди. Кейин кишига далда берадиган оҳангда, негадир, баракалла, деб қўйди. Султон бу мuloқотдан ниҳоятда суюнди, аммо буюк ҳамشاҳри наздида бир оз хижолат ҳам чекди. Ахир Айний Бухорони кенг кўламда қаламга олган санъаткор! У бўлса, айрим шеърларида Бухоро руҳини бериб, «коса тагида ним коса» сингари иборалар, «чақалоқ» ўрнида «ниннича» дегандек сўзларни ишлатганини айтмагандা, қадрдон воҳа ҳаётига бағишлаб ҳали биронта асар ёзмади. Умуман, уни Айнийга қиёслаш қийин. У ёши улғайиб, шоир бўлиб танилгани билан, мағурланиб юрадиган ҳеч иш қилгани йўқ.

Султон бугун ҳам ўзига дарсхона, ижодхона бўлган гўшада, ёзув столи ёнида ўтириб, шу тўғрида ўйлади. Режалар кўп, аммо улар қачон амалга ошаркин, бу менга умримда насиб этармизкин, деган изтиробли хаёлларга чулғанди. У нисон ҳаётининг боқий эмаслиги, иш эса доим бирдек юришавермаслигидан қаттиқ эзилди. Ўтган ўттиз йиллик ўз ҳаётига назар ташлаб, унга орта қолган умри шунчаки бир нафасдек бўлиб туюлди...

* * *

Унинг болалиги Бухоро воҳаси Шофрикон туманинг Қоғолтом қишлоғида ўтган эди. Бир пайтларин Қизилқум сахроси Шофрикон туманинг бахтига оғат бўлиб, бу ердаги қишлоқларни қум босганин-босгани эди.

Шу бойсдан, оқар сув бўйида жойлашган Қоғолтом ат-рофдаги бошқа қишлоқларга нисбатан ҳар қалай обод, файзли саналар, бу ердаги аҳолини ҳам асосан қум босган турли қишлоқлардан сарсон-саргардан намо-йишда кўчиб келган кишилар ташкил қилишарди. Султон болаликдан ўзининг ота-онаси аслида шу ерлик ёки бирон қишлоқдан келишганини билмаган, шунингдек туғилган пайтини ҳам бирордан аниқ эшитмаганди. Унга кексалар фақат, шу бизнинг қишлоғимиз, нарёғининг аҳамияти йўқ, дейишиб, Бухоро салтанатида амир Аҳадхон вафот этиб, амир Олимхон тахтга минган йилда таваллуд топганини мъялум қилишганди. Султон ота-онаси ҳам кўп қатори қандайдир сарсон-саргардонликлар кўришганини ҳис этган, Қоғолтомни ватан деб таниганди. У кейинчалик тарих ўрганиб, ўзи минг тўққиз юз ўнинчи милодий йил қиши ўрталарида дунёга келганини аниқлади. Отасининг исми Жўра, онасининг исми Зоҳида эди...

Султон отасининг қиёғасини кўз олдига келтиролмасди. У онасини ҳам гира-шира эслар, азиз волидасини умрида худди биргина дафъа — илк ва сўнгги дафъа кўргандек бўларди. Деворлари тўкилган харобгина ҳовлида туришарди. Қийшайган айвон, унинг панасида пастаккина уйча бор эди. Айвонга ўзоқ ўрнатилган, қора қумғон, декча, бир қучоққина ўтин. Уйда эски бир шолча, йиртиқ-сиртиқ, қум остида қолаверганидан оқиши доғлар тушган икки-учта кўрпа, оғзи доим очиқ ётган қандайдир нон сандифи кўзга ташланарди. Султоннинг волидаси уй тўрида ранги ўчиб, беҳол чўзилиб ётар, ўзи ҳам нечундир жасад сингари оқса ўрангган эди... Улар оиласи аёлманд бўлиб, аввалида хонадон ғовур-шовурга тўлгин эди. Бироқ кўз очиб-юмгунча Султоннинг ота-онаси вафот этишган, унинг опалари — Хадича, Фотима, Османурлар бирин-кетин эрга тегишиб, уйдан кетишган эди. Бу орада укаси Сайдни ҳам аллабпровлар дастёрликка олишган, шу тахлит кун-

лардан бир куни Султон ҳувиллаган вайронада ёлғиз ўзи қолган эди...

У гоҳ бирорлар қўлида етимча бўлиб, гоҳ қаровсиз юрганича, тирикчилик азобини тортди.

Шу кунлар қишлоқда ногаҳон: «Инқилоб! Инқилоб!»— деган нидо янгради. Султон ўнга кирган бола эди. Аммо, қалбида бир ўзгариш рўй берадиганини ҳис этгандек бўлди. У қишлоқ билан хайр-хўшлашиб, қаердасан, Бухоро, деб шаҳар томон пойи-пиёда йўлга тушди. Султон Шофиркон тумани билан Бухоро ораси озмунча йўл эмаслигига қарамади. Йўлдан ташқари, Бухоро авра-астари ағдарилган, нотинч эканига ҳам парво қилмади. Суюкли опаси Фотима шаҳардаги Бозорнав гузарида туришини биларди, холос. Шаҳарга келиб, опасининг уйини суриштира бошлади...

* * *

У илк болалиги қумли қишлоқда ўтгани учундир, кейинчалик қум тўғрисида кўп ўйлади. Бир шеърида ўғлининг дафтарларини кўз олдига келтириб:

Қумда қолган қушлар изидек,
«Ҳусніхат»лар ёэзб тўлдирад...

деган манзара чизди. Бошқа бир шеърида «Булут — оқ қум...»— деган ғалати қиёсни ишлатди...

* * *

Султон сарсон-саргардонлик тўғрисида ҳам кўп ўйларди.

У қишлоқдан шаҳарга кетганида, онасининг чиройли бир рўмоли, отасининг белбоги, ямоқ бир кўйлак, токчада ётган пичоқ, оstonада ётган супургини, уч-тўрт бўлак қотган нонни халтага солиб, орқалаганча йўлга тушганди. Бухоро тўғрисида чоллардан ривоятлар, ҳикоятлар эшигтан, ақлини таниган пайтдан унинг учун Бухоро эртакка, ҳашаматли, улуғвор, аллақандай афсонавий мамлакатга айланган эди. Шаҳарга кириб келганида, унга ҳамма нарса ғаройиб туюлиб,

уни ниҳоятда ҳайратга солди... Қүёш шуъласида ярқираб, худди осмонга туташиб кетган зангор гумбазлару мусулмон ғильтан тикланган, бир-бирига ўхшамайдыган обидалар; бир-бирларининг пинжлариға тиқилишган катта-кичик ҳунармандлик дўконлари-ю, турк, эрон, афғон бозорлари; нўхат шўрва, каллашўрва сотилган расталару кўча оғзидағи новвойхоналар... Кўчалар, ҳовлилар, ҳар ўн беш-йигирма қадамда кўзга ташланган ҳовузлар ҳам Султоннинг диққатини жалб этишиди. Бу-хородаги обидалар қишлоқдаги кичик бир айвон, пастак мезана, гаригина хонақодан иборат масжидга сира ўхшамагани сингари, бу ердаги кўчалар, ҳовлилар, ҳовузлар ҳам қишлоқдагидан тамоман фарқ қилишарди. Ҳовлилар болохонали, уларни оралаб ўтган ингичка кўчалар устига осмон чойшаби тортилган йўлакка ўхшар эди. Ҳовуз атрофларига каттакон харсангтошлар терилган, буларга мармар тарновлардан сув келарди. Бутун шаҳар остида сув йўллари томирлар каби чирмасиб ётар, ҳалиги тарновлардан келган сув бошқа тарновлардан чиқиб кетарди. Белига ёйдек меш осиб олган мешкоблар ҳовузлардан ҳовлиларга сув ташшар, мешларни ерга бўғзигача кўмилган ошхоналардаги хумларга қулдиратиб бўшатишарди. Шаҳарда ўзбеклар, тожиклар, араблар, афғонлар, ҳиндлар, руслар, татарлар, яхудийлар, эронийлар, турклар — умуман, турли-туман халқ яшарди. Кўпчилик ўзбекча ва тожикча гаплашишар, бошқа миллат кишилари ҳам бу тилларни бийрон билишарди. Эркаклар эгниларига тўн, чопон, яхтак, оёқларига этик ёки маҳси кийишарди. Лёллар ҳали паранжи-чиммат ёпинишар, оёқларига оғир, аммо шарқона кўркам ясалган ковушлар илиб, тўқиллатиб юришарди.

Кўчаларда аҳён-аҳён учраган фақат лўлиларгина шаҳардагилардан ҳеч кимга ўхшамасди. Лўли аёллар боши, юзи очиқ юришарди. Үларнинг соchlари тимқора, қарашлари ўтли, эркин, ёввойи. Лўли йигитлар бош-


лари, белларини рангин рўмоллар билан танғишарди. Улар кўчалардан ўтиб бораётисб, дарвозалар оғзида тўхташар, ғалати чучук тилда: «Апажон, тароша борми ёришга?!»—дейишарди. Лўли йигитлар одамларга ўтин ёриб беришар, уй эгаси яхши қаршилаган пайтлар оstonада чўнқайишиб, қандайдир сарсон-саргардонлик шикоятига инсон қонидаги эрк дарди қоришган қўшикларни тўлиб-ёниб куйлашарди...

* * *

Султон йўлга чиққанида, шаҳарга кетаётган аллабир туякашлар юраклари ачиб, уни ўз пинжларига олишган эди. Аммо шаҳарга кириб-кирмасдан, бошқа бир тўп кишилар Султонни тўзондек ўрашди. Улар бола елкасидаги халтани юлқишиб, обдон қоқишид. Халтадаги нарсалар билан бирга, ерга шувиллаб қум тўкилди. Ҳалиги кишилар эса, онасининг рўмоли, отасининг белбоғини, унинг кўйлакчасини олиб кетишид. Оёқ остида бир ҳовуч қум, Султоннинг бир қўлида занглаған пичноқ, бир қўлида чўлтоқ супурги қолди...

Иўқ, Бухоро фақат эртакдан, афсонадан иборат эмасди.

Бухорода зангор гумбазлар гўёки ўзича бир осмон, оппоқ лайлаклар кичик бир булат парчаси бўлиб туюлар эди. Аммо асрий обидалар теграсидаги кўчалар, уйларга қараганда, аксинча, юрак увишар, шаҳар сўнгги паллада ниҳоятда хароб ҳолга тушгани кўринниб турарди. Кўпгина ҳовли-жойлардаги деворлар худди елканг тегиб кетса, устингга ағдариладиганга ўхшарди. Болохонали ҳовлиларни оралаган ингичка кўчалардан ўтганингда ҳам деворлар гўёки бошинг устида бир-бирлари билан қушишиб, кўча ҳозироқ кўмилиб қоладигандек таассурот уйғонарди. Бухоро — ўлимдан бўлак дардга шифо топган Ибн Сино юрти. Бухорода аммо қаровсиз қолган ҳовузлар, кўлмак сувлар кўплигидан



вабо, безгак, ришта кунда хуруж қилар, күчаларда кечакундуз «во, отам», «во, онам», деган садо эшиларди. Лабиҳовузда расталар ҳаммавақт, тунда ҳам ишларди. Одамлар ҳимматли, ҳотамтой: сенга нонми, таомми, шириликми, бепул ҳам бераверишарди. Аммо шаҳарда, шу билан бирга, ўғрининг ошиғи олчи, шом қўниб-қўнимасдан кўпчилик ҳовлилар дарвозасини шунчаки занжирлаб ёки қулфлаб ҳам қолмай, тамба қўйишиб, уларни тақа-тақ беркитишар эди. Бу ҳақда одамлар ҳаттоки, ибора ҳам тўқишиганди:

Ҳамма хешу табор бир тарафу амма бир тараф,
Ҳамма қулфу калит бир тарафу тамба бир
тараф...

* * *

Султон кундузлари ер ёрилиб одам чиққанидан қиёмат қойим бўлган, кечалари кимсасиз, зулмат-зимистон кўчаларда гоҳ оч-наҳор судралиб, гоҳ дуч келган овлоқларда мизгиб, шаҳарга қадам қўйганининг бешинчи куни, ниҳоят Бозорнав гузарини, опасининг уйини топди.

Фотима опа Султоннинг келганига суюнди. Кейин, опа-ука ўз хонадонлари бошига тушган бутун кулфатлар тўғрисида сўзлашиб, бир оз йиглашди.

Аммо бу энди ўтмиш эди!

Фотима опа Султонга ғамхўрлик кўрсатиб, унинг қад-қомат тиклашига кўмаклашди.

Султон мактабда хат-савод таниб, Бухородаги эрлар билим юртига кирди. Бу ерда ўқиши битиргач, ўзи муаллимлик қила бошлади...

* * *

У ўқиши йиллари Регистон майдонида жойлашган билим юрти биносидаги ётоқхонада Қурбон, Ато деган йигитлар билан бирга турарди. Хўжақул, Расул деган

йигитлар ҳам Султон турган хонага кўп киришарди. Уларнинг барчаси ўшанда китобларни қўлма-қўл ўқишишар, адабиётдан сұхбатлашишарди. Баъзан шеър ёзишар, баъзан куй чалиб, ашула ҳам айтаверишар, расм ҳам солаверишарди. Улар бундан бўлак, Регистон майдонига чиқиб, тўп тепишга ҳам имкон топишарди. Султон ўзича шеър ёзиб, бир неча шеърлари газета-журналларда босилган бўлса-да, бунга лоқайд кишига ўхшар, илк қарашда худди уни соз чалиб, ўйин-кулги билан бўш вақтни ўтказиш, тўп тепиш ҳар нарсадан кўпроқ қизиқтираётгандек туюларди.

Аммо у билим юртини тугатиб, Қурбон деган дўсти билан Мирзафаёз гузаридаги кичик болохонада истиқомат қилаётганида, унинг ҳаётида унутилмас бир воқеа рўй берди.

Эрта баҳор куни Курбон кутилмагандан кўчадан ҳовлиқиб келиб, Султонга ҳаяжон, тантана билан: «Сени ўртоқ Faфур Fулом сўраяптилар!»— деди.

Султон ўрнидан сапчиб, тез кийинганча, кўчага югуруди.

Faфур Fулом уни билим юрти эшигида кутиб турарди.

Таниқли шоир Султонга, мен сенинг шеърларингни анчадан бўён кузатиб бораман, Бухорога йўлим тушганида сен билан кўришишга аҳд қилгандим, деди. Сўнг, Султоннинг шеърларини ўқиб, уларнинг китобга киритилишига ёрдам беришини айтди.

Унинг шеърлари китобга киритилди.

У тез фурсатда кўпчиликка шоир бўлиб танилди.

Бундан икки йил бурун Султон Тошкентга борди. Пойтахт шаҳар вокзалида Москвага отланишган бир гуруҳ адиллар ва икки юздан ортиқ қишлоқ хўжалиги стахановчилари тўпланишган эди. Қиши. Ерга қалин қор кўрпаси тўшалганди. Перронда, одамлар орасида Иўлдош Охунбобоев шунчаки сайр қилаётгандек айланиси юрар, дехқонча содда, бегубор жилмайгани-жилмайган

эди. Үша куни бу ерда митинг бўлди. Кейин, барча марш садолари остида поездга минишди.

Султон Москвада Михаил Калинин билан кўришиди.
Мамлакат оқсоқоли унинг кўксига орден тақди...

Умуман, сўнгги ойда қизи бир-икки хасталангани-ю, кўнглига аллақандай баёнсиз мунг ўрмалаб, иши учча юришмай қўйганини айтмагандা, Султоннинг ҳаётдан шикоят қилишига ўрни йўқ эди...

* * *

У Бухорода муаллимликка эндиғина киришганида, Фотима опанинг эри хизмат юзасидан Андижонга юборилган эди. Қўп ўтмай, Султон ҳам, суюкли опамдан узилиб қолмайин, деб Бухородан кўч-кўронини кўтарди. У Андижонда ҳам муаллимлик қила бошлади. Шу билан бирга, ўзи ҳам ўқишини давом эттирди.

Султон жигарбандларидан фақат Андижон этагида яшаган Фотима опа билан баъзан ойда бир, баъзап ойда икки марта кўришиб турарди. Ҳадича, Османур деган опалари сарсон-саргардонлик йиллари Туркистонга кўчиб кетишган эди. Бухорода қолган укаси Сайд билан ҳам у мукофотланган йили охириги марта кўришганди. Аммо ўшанда кичик бир воқеа рўй бериб, бу учрашувдан ҳам, Султоннинг кўнглида қандайдир хижиллик қолган эди.

У бекатга меҳмонга келган Сайдни кузатгани чиқди. Перронга одам ёғилган. Ҳамма юкини кўтариб юргурган, вагонлар эшигига тиқилган эди. Посездга яқинлашиб бўлмасди.

Ниҳоят, Сайд зўр-базўр ичкарига кириб, Султон унга вагон ойнасидан юкини узатди. Ана шунда, Сайд акаси билан негадир қўйл қисишиб, хайрлашгиси келди. Султон ҳам, вагон ойналари қаршисида тиқилишган одамларни оралаб, юраги алланимадандир безовталанган кўйда, унга кўлини чўзди. Аммо шу пайт поезд бир-

дан силтанди. Поезд кескин ўринидан жилди. Ака-ука-нинг олдинга чўзилган қўллари бир-бирига етмасдан, ҳавода муаллақ қолаверди...

* * *

Султоннинг йилдаш-йилга исчундир ташвиши орт-ганди.

У кунни институтда ўтказар, оқшомлар машғулот-ларга тайёргарлик кўрар, шеър ёзишга уринарди. Бўш пайтларида болаларини ўйнатар, уй-рўзгорга тегишли юмушлар билан шуғулланарди. Аммо, шунга қарамай, Султон одатда шаҳардаги зиёлилар тўплланган давраларга оғринмасдан борарди. У Хўжақулнинг уйидаги ўтиришларни ҳам ҳеч қачон малол билан қабул қилмаганди. Ёшлидан ошнасининг феъл-атвори, юриш-туришини уччалик ёқтираса ҳамки, буни сездириб, озор етказгиси келмасди. Хўжақулдан ташқари, Шарифа-нинг ўзига нисбатан ҳурмати, меҳрини ўйлаб, айниқса бу аёлнинг кўнглини чўқдириб қўйишдан қўрққани учун, уларнига ҳам бораверарди. Султон фақат ошнасининг уйи эмас, умуман, Шарифа бўлган барча давраларга жон-дили билан қадам ранжида қиласарди. Булар иккиси кўринган даврага эса, кўпинча файз ки-парди.

Султон давраларда ҳаммага руҳ бахш этгиси келар, асосан, кўтарники кайфиятдаги шеърлар ўқирди:

Парил-парил ёниб бош устимда,
Заррин ханда сепар юлдузлар.
Зилол сув ҳам кулар шилдир-шилдир...

У шеърдан қўшиққа ўтар, қўшиқларга яна шеър уланарди:

Чалинار ғижожак, най, чилдирма, дутор,
Рұхлар-ла ўйнашар шўх қизлар куйи.
Раққоса йўргалар —«Дилхирож», «Уфор»...

Шарифа Султонни берилиб тинглар, ниҳоят Хўжакулга кўзи остидан қараб қўйиб, баъзан у ҳам рубобни қўлга оларди. Шарифа халқ йўлидаги қўшиқларни ма-ромига келтириб куйлар, булар орасида бир қўшиққа айниқса жон киритарди:

Сенга шайдо бўлмасам, куйлар тўқиб
юрмасмидим,
Ўй суриб сен тўғрида, ўйлар тўқиб
юрмасмидим...

У: «Сенинг келаман, келаман, деб келишларингдан ўргилай, қадди қоматингдан ўргилай сенинг»— мазмунидаги тоҷикча бир қўшиқни ҳам кишининг кўzlари ёшланиб кетадиган даражада таъсирчан куйларди:

Омад, омадат гардам, жон,
Қадди қоматат гардам...

Бугун ҳар қачонгидек хушчақақлик қилиб бўлмади.

Султон Хўжакулнинг уйига аввалдан алланечук мажбурият ҳис этгандек борди. Кўнглига ҳеч нарса сиғмаганидан, у ерда ўтиромлади ҳам.

Султондан кимдир озор чеккан бўлиши мумкин. Лекин Султон нима қилсин?! У ёлғондан қовоқ уйиб, ёлғондан ўзини қувноқ тутишга ўрганмаган...

* * *

Султон ўзига дарсхона, ижодхона бўлган гўшада, ёзув столи ёнида ўтириб, шу куни худди олдинги кунлардаги сингари иши унмади. У шунчаки бир оз хаёл суриб ўтиргач, ўрнидан туриб, чироқни ўчирди.

Султон эртаси куни саҳардан яна ичкари хонага бикинди. Аммо у яна ишлаётмади. Қоралаб қўйилган шеърларни кўздан кечирди холос. Бир сатр ёзолмагани етмагандек, чала ёзмаларни ҳаттоки тартибга ҳам келтиролмади.

Ниҳоят Хўжакул таклиф қилган боғдаги ўтиришга бориши кераклигини, йўқса фақат ошнаси эмас, бошқа

ёри дўстлар ҳам ўзидан ранжишлари мумкинлигини ўйлаб, истар-истамас ҳолатда кийинди.

Султонга кўчада одамлар ҳар қачонгидан кўра шошқин ва андак асабий туюлишди. Аммо бунга у ортиқча эътибор қилмади.

Шаҳар маданият ва истироҳат боғи эшигига етганида, рўларадан Восит чиқди. Воситнинг ҳам ранги оқаринқираган, ўзи бир оз тажанг эди.

— Эшитдингизми?!— сўради у, кўришганларидан сўнг.

— Нимани?— қизиқсинди Султон.

Восит қисқа, бир оғиз сўз айтди:

— Уруш...

Фашист босқинчилари мамлакатга хиёнаткорона бостириб киришганди.

Султоннинг хаёлини сўнгги пайтларда тинч ҳаётдаги муҳим воқеалар банд этган эди. У Қатта Фарғона каналида бўлиб, кўп каналчилар билан суҳбатлашган, бир достон, бир қанча шеърлар қоралаганди:

Сув келади.

Бизга шода-шода

Марваридлар олиб келади..

Султон Алишер Навоий туғилган куннинг беш юз ийллигини кенг нишонлашга тараддуд кўраётганлар орасида эди. У Навоийга бағишлаб, бир туркум шеърлар ёза бошлаганди.

Иўқ, уруш, фашизм ҳар нарсадан кўпроқ унинг хаёлини чулғаган эди:

Кўзларида Гитлерга қарши
Чақнаб турган ғазаб ўти бор..

Султон фашизм тўғрисида мунтазам қулоққа чалинган садолардан нотинчланиб юрган, фақат урушнинг бугун-эрта бошланмаслигига умидланган эди.

Боғдаги ўтириш ҳақида энди сўз ҳам бўлиши мумкин

эмасди. Улар Восит билан хайрлашиб, уй-уйларига жү-нашди.

«Немис тупроги! Дунёга Генрих Гейне сингари да-ҳоларни берган немис тупроғи!— ўйлади Султон уйга қайтаётіб.— Наҳотки, сен вабога йўлиқиб, бу вабони дунёга тарқатяпсан? Сенга нима бўлди, буюк инсонларни яратган тупроқ?!»

Султоннинг хаёлида Генрих Гейне шеърлари бирмабир тизилиб, қалбида янграй бошлади ва у кўчада бу шеърларни пичирлаганча ўқиб бораркан, шу аснода юрагидан беихтиёр уларга оҳангдош сатрлар қуюлиб кела бошлади:

Тўқиймиз лаънати Гитлерга кафан,
Тўқиймиз...

Султон уйга келиб, тўғри ичкари хонага кирди. У ҳаяжондан нафаси бўғзига тикилиб, юрагидан қуолаётган сатрларни қогозга тушира бошлади...

* * *

Султон деярли ҳар куни кўчада саф чеккан, аскарликка кетаётган тўп-тўп йигитларни учратар, эндиги ҳаёт манзарасини яхши тасаввур қиларди. Фишт қолип-дан кўчган эди. Поездлар темир изларни тарақлатиб, бетиним йўл босишар, фронтлардан Ўзбекистонга, Ўзбекистондан фронтларга қатнашарди. Улар бу томонга хонавайрон бўлган — майиблар, аёллар, етим-есирларни, турли-туман муассаса, корхоналарни кўчиришиб, бу томондан кийим-кечак, озиқ-овқат, мева-чева, қуроляроф, аскар ташишарди.

Султон институтга бораётган, қайтаётганида баъзан ҳарбий комиссариат жойлашган кўчадан ҳам ўтиб турарди. Торгина бу кўчада энди ҳамиша одамлар ғужрои ўйнашарди. Йўл устида турганлардан ташқари, бу ерда, пастак дарахтлар остида кимдир қопми, шолчами ташлаб, кимдир ерга тугун, кимдир бир парча тош қўйиб, ёмғирга, қорга, намга ва аёзга ҳам парво қўлмай,

қотиб ўтиришарди. Булар бари йигитларни аскарликка кузатгани келган кишилар: чоллар, кампирлар, боласини күтариб чиқкан келинчаклар, норасидалар бўлиб, гоҳ бир кун, гоҳ икки кунлаб эшик пойлашар, сўнг йигитларга эргашиб, бекатгача йиғлаб-йиғлаб судралишарди. Султон одамларни кузатиб, улар қаршисида ўзини алланечук айбдор сезар, юрагини аччиқ алам кемириб, кўз ўнги қоронгилашарди:

Юракдаги алам доғидай,
Қора соя кўнди кўёшга...

* * *

У бир куни институтга бораётиб, катта йўл бошига етганида, одатдаги манзарага дуч келди. Саф чеккан йигитлар кўчани тўлдириб боришар, йўловчилар икки томонда уларнинг ўтиб кетишларини кутиб туришарди.

Султон атрофга, бирон таниш йўқмикин, дегандек алфозда секин, хижолатли қаради. Унга шу аснода, кимдир бармоғини бигиз қилиб, сен қанақа шоирсан, халқнинг дардига шерик бўлиш ўрнига ҳамон ўз тириклигини ўйлаб, бир четда томошабин бўлиб турипсан, деяётгандек туюлди.

У йўлда давом этаркан, чуқур ўйга чўмди. «Эсла, Султон. Сен уруш бошланишидан анча бурун, гар эртага жанг бўла қолса, фидокорман Ватан йўлида, деб ёзгансан. Керак бўлса, қалам милтиқ бўлур, сенинг учун бу жон, онажон, деб ҳам ёзгансан. Худди шунга ўхшаш, агар керак бўлса, милтиқ билан. ҳам — зумда алмашинар бизнинг лирамиз, деган ваъдакор оҳангдаги сатрлар ҳам сенини! Нимани кутяпсан?! Халқа умр бўйи янгидан-янги ваъдалар бериб, ҳаётингни қофия-бозлиқ билан ўтказмоқчимисан?! Сен ўз сўзларингга амал қилмайдиган бўлсанг, ҳайф сенга! Унда сени шоир деб бўлмайди!»

У яна ўйлади: «Сен ўтган йилни уруш бўлаётган бошқа бир мамлакат тӯғрисида, жанг тиич халқни қақшатмиш, деб ёзгандинг. Эсла. Энди шундай кун ўз

халқинг бошига тушди. Сенинг ишинг шеър ёзиш албатта. Лекин, фақат шеър билангина фашизмга гүр қазиб ҳам, Гитлерга кафан түқиб ҳам бўлмайди. Тўғри, фронт орқасида ҳам кунига ўн икки-ўн тўрт соатдан ишлаб, меҳнат билан душманга зарба бераётганлар оз эмас. Аммо улар аксари кексалар, аёллар, болалар. Сенинг эса ўрнинг фронтда. Сен йигитсан...»

Султон шарт бурилганча, кетаётган йўлидан орқага қайтиб, тўғри ҳарбий комиссариат эшигига келди.

У ўзини аскарликка жўнатишларини сўраб, ариза топшириди...

* * *

Султон, тез фурсатда жўнасам керак, деб ўйлаганди, йўқ, унга ҳарбий комиссариатда, ҳозирча ишлаб тураверинг, керак бўлса, сизни чақирамиз, дейишиди.

У чақирилишини кута бошлади. Аммо бундан ҳадеганда натижа чиқмади ва Султон бошқа турмуш ташвишларига ўралашиб, бора-бора эшикка кунда тикила-вермайдиган ҳам бўлди.

Янги, минг тўққиз юз қирқ иккинчи йил бошланиб, ҳаво совуқ, оппоқ қор бўяллаган февраль кунлари келди.

Кейин, бундай воқеа рўй берди:

Бир куни уйда акаси, опаларига нисбатан нимжон ўсган Илҳомия шамоллаб, туни бўйи инграб чиқди. Султон билан Моҳира болага парвона бўлишди. Баданига, товонига ёғ суртишди, ўзларича дори ичиришиди. Бу ҳам кор қилмагач, беланчакдан бўшатиб, уни галма-гал қўлларида кўтаришди. Иўқ, Илҳомия бари бир инжийверди. Ўзи ҳам ухламади, уларга ҳам уйқу бермади...

Султон тонгга яқин бирпастгина кўзи илинган экан, бехосдан уйғониб кетди.

— Болали дўхтирга олиб бориш керак,— деди унга

ҳорғин, мудроқ товушда ёнида чўккалаб ўтирган Моҳира.

Султон хотини уйғотдими, боланинг чинқирганидан ўзи уйғондими, билолмади. Бошини даст кўтариб, ўрнидан турди.

Илҳомия ҳамон инқиллар ва дам сайин чинқирарди. Хона ўртасидаги дастурхон теграсида Моҳрўй ола билан бошқа болалар миқ этмай ўтиришар эди.

Султон шунчаки дастурхонга қаради. Дастурхонда каттакон чойнақ, уч-тўртта пиёладан бўлак нарса кўзга ташланмасди. У болалари ҳозир йўл-йўлакай бир пиёладан чой ичишиб, мактабга, боғчага кетишларини ўйлаб, юраги беихтиёр ачишди. Илк дафъа кўраётгандек, ўғли, катта қизларига разм солди. Үғлининг ҳам, қизларининг ҳам усти эски, юпун эди. Уларга бу йил иссиқроқ оёқ кийими ҳам олиб беролмагани ёдига тушди. Юраги баттар изтиробга тўлди.

Султон болаларини яхши кўрар, аммо бу тўғрида сўзлашни ёқтирамас, буни одатда ошкор этавермас эди. Индамай даҳлизга йўналди.

Уйда турмуш олдинлар баҳарнав дуруст эди. Султон болаларини фақат едириб-кйидириб қолмай, уларни кўчага ўйнатгани олиб чиққанида, истаган нарсаларини олиб ҳам берарди. Уруш бошланиб, шусиз ҳам амалтақал рўзғор чиндан форга айланиб қолди. Энди уйда баъзан туз, баъзан ўтиқ, баъзан қуруқ чой, баъзан бир парча нон топилмасди. Болалар дийдирашар, катталарнинг юз-кўзига жавдираб қарашарди. У бунга сира чидолмасди. Буларнинг бари устига, Илҳомиянинг ҳадеганда суяги қотмаётгани унга айниқса алам қиласди.

Султон шулар ҳақида ўйлаганча, хўрсиниб, уст-бошини кийди. Моҳира билан ойиси бу орада Илҳомияни ўраб-чирмашди. Султон болани қўлига кўтариб олди.

Эр-хотин кўчага чиқишиди.

Лап-лап қор ёғар, одамлар кўчаларда, оппоқ қор

бағрида худди соялар сингари вазмин судралишар әди. Ҳовлилардан аҳси-аҳёнда йиги-сиғи әшитиларди. Шу кунлар, умуман, йигитларни аскарликка жұнатған күпгина хонадонлардан маврид-маврид овоз чиқиб тұрарди.

Касалхонада одам күп, зах, қоронги йүлакда нғна ташласа, ерга тушмас әдп. Боласнүй күтариб ёки етак-лаб келгандар бир-бирларининг пинжларига тиқилишган, болалар чинқириб йиғлашар, ота-оналар соатлаб навбат кутишганидан хуноб бўлишар әди. Ўзи дунёда инсоннинг бошига катта бир фалокат тушганида, унга кичик фалокатлар ҳам қаторлашиб йўлиқишиша керак, уруш бошланганидан бўйн болалар ўртасида касаллик қандайдир авжига минганди.

Илҳомияни врач узоқ кўриб ўтиrmади. Юзини очиб бир қаради-ю, дарҳол дори ёзиб берди; болани уйда даволаш кераклигини айтиб, хайр-маъзур қилди.

Султон қизча билан Моҳирани уйга жўнатиб, ўзи дорихонага қараб кетди.

Уч кун сурункасига ери кўк аро гирдибод урган қор энди тинган әди. Аммо кун булатли, аёз кўз очиргани қўймайди. Оёқ ости сирпанчиқ.

Султонни шу куни ташвиш кетидан ташвиш, алам устига алам кутгандек бўлди.

Шаҳар марказидаги дорихоналардан бири ёпиқ, иккинчисида номи қоғозда кўрсатилган дорилар йўқ әди.

Султон дорихонадан дорихонага қатнаб, ниҳоятда уйга келганида, Моҳрўй опа кўзлари ёшланиб, пойгакда пиёз тўғраб ўтирав, катта болалар аллақачон мактабга, боғчага кетишган әди. Моҳира ҳамон қизидан ўргиларди.

Султон қўлидаги дориларни қолдириб, ишга ошиқди.

Институтда Султонни яна нохушлик қаршилади: ўқитувчи бир йигит хизматдан бош буриб, ҳарбий комиссариатга бормай юрган экан, тунда уйидан тутиб олиб кетишибди. Деканатда ғовур-шовур әди. Бу ерда

рўй берган воқеани муҳокама қилишар, ҳалиги йигитнинг дарс соатларини кимга юклаш устида баҳс юритишарди... Институтда ҳам энди шароит кўнгилдагидек эмасди. Муаллимлардан кўпчилик аскарликка чақирилган, ҳали уларнинг ўрни бўш эди.

Султон деканатдан чиқиб, дарс ўтадиган аудиторияга кирди.

Аудитория музхона, талабалар бармоқ билан санарли, уларнинг ҳам кундан-кунга баракаси учган эди.

Султон одатда дардини ичга ютиб яшар, юрагини қанчалик алам кемирмасиц, буни бирорвга билдиргиси келмас эди. У аудиторияда ҳам кўпинча очиқ чеҳрали бўлишга ҳаракат қилас, мулоийм кулимсираб, кўтаринки руҳда маъруза ўқирди. Аммо бугун ундай қиломади.

Султоннинг Илҳомиядан хаёли паришон, хотини сингари боланинг бошида ўтиrolmasligidan кўнгли хижил эди. Бунинг устига, талабалардан бир қизнинг акасидан «қора хат» келган экан, аудиторияда каттакон рўмол билан бошини ўраб, йиглаб ўтиарди.

Султон қизга таскин-тасалли бериб, кейин дарс ўтишга чоғланди, аммо, йўқ, лаб жуфтлагани заҳоти, қиз бошини кўтариб, унга ғалати қарашиб қилди. Қизнинг нигоҳида: «Сизга нима! Сиз гапираверасиз-да, муаллим!»— деган истеҳзо бор эди. Султон уйда шароит оғирлиги учун хотини, болаларн олдида кўпинча ўзини айбдор сезганидек, қизнинг қаршиносда ўзини гуноҳкор ҳис этди. У шоир бўлгани учун ҳам, рўй берётган фалокатларга мен жавобгар эмасман ахир, дея олмади. У ҳаммасига жавобгар эди!

Султон уйга ҳар кунгидан анча кеч қайтди. Уйнинг қораси кўрингани сайин, унинг нечундир хаёли қочиб, юрагини кутимаган ваҳим, ҳаяжон чулгай бошлади: «Менинг қизимга нима бўлди экан?!

Хамма уйда эди.

Ў қизининг аҳволини суриштириди.

Қизиқ бир ҳолат рүй берди.

Моҳира беланчак ёнида ғамгин, фаромуш чүнқайиб ўтиради. У Султоннинг саволига негадир жавоб қайтармади. Султонни кўриб, бошда ранги оқариб кетгандек бўлди. Кейин эрига тикилиб, бирдан кўзларига жиққа ёш тўлди.

Султон Моҳиранинг нега индамагани-ю, нега авзоси бундай ўзгарганига тушунолмай, довдираб, паришонланиб қолди. У нари-берига аланглаб, мана энди, қайноаси билан катта болалар — Ботир, Нурия, Румиялар нечундир бир бурчакка биқиниб олишгани, кенжатой Илҳомиянинг беланчаги устига эса дока тортилганiga эътибор қилди. Ўйда бошқа пайтлар ҳам кампир билан болалар баъзан шундай бурчакка биқиниб олишар, беланчак устига ҳам баъзан шунчаки дока тортиб қўя қолишарди. Бироқ Султонга шу сонияда бу дафъатан кучли таъсир этди. Ўнинг миясида, Илҳомияга нимадир бўлган, деган фикр яшиндек чақнади. У бирлаҳза ичида бир дунё ҳолатни бошдан кечирди. Тунда ухламаганидан ланжлик, кун ўтиб оғзига туз олмаганидан лоҳаслик сезди. Бирдан бутун тинка-мадори қуриди.

— Нима бўлди, Моҳира?!— сўради Султон беихтиёр титраб.

Моҳира жавоб ўрнига йиғлаб юборди. Кейин индамай унга қандайдир кафтдек қофозни узатди...

Бу ҳарбий комиссариатдан юборилган чақириқ қофози эди...

Султон қофозни кўздан кечириб, бир нафас яна паришонланиб турди.

Илҳомияга ҳеч нарса бўлмаганди. У аксинча бир озенгил тортиб, уйқуга кетганди.

Султон бир нафасдан сўнг, буни пайқади ва ҳарқалай гап қизи устида бормаётганини ўйлаб, кўнгли таскин топгандек бўлди. Бундан ташқари, елкасини эзиб турган тоғ ниҳоят қулаб тушганини ҳис этди.

— Сени қара-ю, Моҳира, сал бўлмаса менинг эсимни чиқараёздинг,— деди хотинига.— Қўй, бас қил, йифламаслик керак...

* * *

Шаҳар маданият ташкилотларидан бирига тегишли мўъжазигина хонадаги қора печка оғзида дам қизғиш, дам кўкимтири ўт милтилларди.

Каттакон стол орқасида ўрта ёшлардаги елкадор, хушсурат киши бир даста сарғайган қофозни кўздан кечириб ўтиради. Унинг чиройли юзида — унга эмас, қўлидаги қофозларга мос ажиг заҳиллик бўлиб, у қорли-қировли кунларг үтиб, ҳовлида қуёш чараклаб тургани-ю, печка яқинида ўтирганига қарамай, бўйинни ўраб, тиззасига бир парча қалин матони ташлаб қўйганди. Бу Хўжақул эди.

Хўжақул кўкрак чўнтағидан тилла занжирли соат чиқариб, ўйчан қаради. У тушликни уйда қилар, ҳар куни соат роппа-роса ўн иккода — бир дақиқа олдин ҳам, кеч ҳам эмас,— идора эшигига чиқар ва фойтунга миниб, уйга жўнарди. Вақт шунга борган эди.

Хўжақул андак қийналган кўйда ўрнидан туриб, стол четида ётган қалин қофоз папкани қўлтиқлаганча, эшикка чиқди.

Унинг серҳашам ҳовлиси шаҳар марказидаги идорадан анча узоқда эди.

— Шарифа! Келдим...— уйга шу сўзлар билан қадам ранжида қилди Хўжақул.

Шарифа уйни чиннидек тутганидан, эри игна кўтариб кирса, эътибор берадиган аёл.

— Папка кўтариб юрибсиз,— деди секин.

— Ҳа, бу... шеърлар...— истар-истамас жавоб қилди Хўжақул. У қўлидаги қофоз папкани жавон тепасига қўйди.

Хона ўртасидаги узун столда дастурхон ҳамиша ёзиғлик.

Хўжақул стол ёнида ўтириб, ҳар хил ноз-неъматлардан оз-оздан чўқиб чимдиди. У қасалманд эканига қарамай, иштаҳаси чакки эмасди. Бу орада хотини олиб кирган бир коса шўрвани ҳам паққос тушириб, чойга новвот ташлади.

Шарифа стол қўйисида, эрига жимгина тикилиб ўтиради. У ниҳоят тилга кирди:

— Бугун бешикни гаплашмоқчи эдингиз...

Шарифа бола тирноғига зор эди. У аёлманд синглисинг болаларини ўз фарзандлари ўрнида кўришга, уларни ўйлаб яшашга одатланган. Яқинда синглисинг кўзи ёриган, Шарифа унга: «Мен ўзим болани бешикка белайман»,— деб ваъда қилган эди. Хўжақулдан эса наҳорда бугун ишга борибоқ бешик билан қизиқишни сўраганди.

Хўжақул идорага келгач, бу гап хаёлидан кўтарилиганди.

— Бешикми?! Ҳа, йўқ ҳали...

Шарифанинг қош-қовоги солниди. У жавон тепасига қўйилган қогоз папкага кўзи билан имо қилганча, дашном берди:

— Сиз нима, мениям, ишниям унутиб, шеър ёзип ўтиридигизми, дейман...

— Мен ёзсан, кўнглимдаги дардимни ёзаман,— тўнғиллади Хўжақул, асабийланиб.

Шарифа индамади. У эрининг сочини юлиб, бошида ёнгоқ чақадиган хотинлардан эмас. Гапи ерда қолганидан фақат муинггайди.

Хўжақул хотинини ўзича яхши кўрарди. Бундан бўлак, Шарифанинг кўнглида алами борлигига тушинар, хотини учун арзимаган бешик масаласи ҳаётдаги мақсад даражасида турган бир нарса эканига ақли етарди. У ҳам қайтиб юмшади.

— Бешик қуриб қолгани йўқ. Албатта топамиз. Сен учун!— деди Хўжақул.— Менинг ўзимга қолса-ку, ас-

лида ҳозир бунақанги ишлар... Сýнглинг биринчи бола кўрибдими. Адашмасам, бу бешинчи ёки олтинчиси!..

Шарифа унинг гапидан ранг-рўйи очилиш ўрнига, ранжиб, баттар мунгғайди.

— Майли-да, ўнта бўлса, ўрни бошқа. Уларнинг сизга оғирлиги тушмайди,— деди у секин, эзилиб. Сўнг бехосдан тўлиб-ҳаяжонланиб, тез-тез гапира бошлади:— Ҳозир ҳар бир болага, аксинча тўй-томоша қилиш керак. Шу болалар бизнинг суюнганимиз. Бахти-миз...

— Шеърга келсак, улар Султонники,— Шарифани лоқайд әшишиб, гапида давом этди Хўжақул.— Үрушга кетаётган экан, менга қолдирди...

Шарифа кўэларини пирпиратиб, эрига анграйиб қаради. Қейин бирдан худди этагига ўт тушгандай, ўтирган ўрнида қўлларини силкиб, типирчилади.

— Вой! Султон аканинг тўртта боласи бор-ку...— дам ўтмай унинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

— Буни сен эмас, Султон ўйлаши керак эди!— ғудранди Хўжақул.— Институтдан, кетмасин, деб қанча ҳаракат қилишди. Ёзувчилар, биз ҳаракат қилдик. Ўзи ариза бериб, кетаман, деганидан кейин, нима дейсан! Үруш бўлаётган ерлардан ҳар хил ёзувчилар, санъаткорлар бүёққа кўчишяпти. Султон бундан хабари йўқми?! Хабари бор. Ўзи бир гуруҳи билан учрашиб, суҳбатлашиб юрганди. Бари бир, кетяпти...

Шарифа унга ҳеч нарса демади.

Ўрнидан секин қўзғалиб, хонанинг қуий деворида осиғлиқ рубобни қўлига олди, ҳамон кўзларида нам, шикаста бир куйни аста-аста чалишга тушди.

Хўжақул Шарифанинг кўнглида фарзандсизлик алами борлигини тушунганидек, унинг кўнглида ўкинч борлигини ҳам билар, шу боисдан, рубоб чертишига парво қилмаслиги мумкин эди. Аммо бундай пайтларда Хўжақулни бошқа бир нарса — Шарифанинг Султонга нисбатан ҳурмати, меҳри борлиги ларзага солар-

ди. У бунинг замирида ўзига нисбатан камситишни ҳис этар, Шарифа рубоб чертишга тушдими, бас, унга хотини Султонни олқаётгандек туюлиб, қони бузиларди. Айниқса, ҳозир Шарифа Султон учун кўзиға ёш олиб, рубоб чертиши, Хўжақулнинг ҳамиятига тегди.

— Ў, менга қара, Шарифа... — бўғилди Хўжақул.

Шарифа унга қарамади. Рубобни чертаверди.

Рубоб эмас, ханжар. Ҳар чертилиши юракка санчилади.

— Лаънат! Минг лаънат бунаقا турмушга! — титраб-қақшаб, эзилганча афғон чекди Хўжақул.

Шарифа бирдан сергаклангандек бўлди. У ўрнидан туриб, рубобни қайтиб деворга илди, эгнидаги баҳмал нимча чўнтағидан рўмолча чиқариб, кўзларини артди.

— Ахир, мен ҳам одамман, мени ҳам тушуниш кепрак. Мен Султонга яхшиликдан бўлак нарса истамайман. Мана, кетаётган экан, шеърларини ўзим сўраб, олиб қолдим. Буларни бостириб, унга, оиласига ёрдам қилмоқчиман... — Хўжақул шуларни айтиб, ўзини олижанобликка жавобан ҳаётда ноҳақ таҳқирланаётгандек сезиб, кўнгли бехос бузилди. — Лекин, рубоб чертишнинг вақти соати бор. Кўзингга ёш олишинг ҳам, билмадим...

Шарифа индамади.

Орага бир оз сукут чўқди.

— Бешикка қайғурма. Топамиз. Сен учун! — Олдинги мавзуга қайтди ниҳоят Хўжақул.

Шарифа ўрнидан бир турганича, қайтиб ўтиргмаган, ўйчан қотиб турар эди. Султон тўғрисида гаплашилгач, афтидан бешик тўғрисидаги гап унинг наздида бутун қадри қимматини йўқотиб қўйганди.

— Менимча, биз ҳар ҳолда кўнгилдагидек яшолмаяпмиз, Хўжақул ака,— пичирлади у. Қейин гапириб-гапирмасликка, иккилангандек оҳангда, аммо сал ҳаяжонланиб, қўшимча қилди. — Атрофда одамлар сарсон-

саргардон, оч-яланғоч... Кексалар етим болага ўхшаб дийдираб қолишиган; болалар чолларга ўхшашади... Бизнинг эса бирорга ишимиз йўқ. Устимиз бут, еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда... Дунёда уруш. бесаранжомлик, муҳтоҗлик борлиги хаёлимизга ҳам келмайди. Худди каламуш... фақат ўз-ўзимизни ўйлаб, ғимирлаб юрибмиз...

Хўжақул хотинидан бундай гапларни ҳеч қачон эшитмаганди. Бу Шарифами, йўқми, дегандек бақра-иб қолди. Шарифанинг кўзлари яна ёшланган, унинг хонаки гул сингари сўлғин юзида ёш томчилари думалар эди.

Хўжақулнинг юрагини ўзи негалигини билмаган кўйда ваҳим эгаллади.

— Бўлди!— деди у кескин.— Мен идорага боришим керак! Ташқарига қара, фойтун келгандир...

Шарифа бўйини итоаткорона қисди.

* * *

Фотима опа Пойтуқда, бекат яқинидаги кичик бир ҳовличада турарди.

Фотима опа табиатан кўнгли очиқ, самимий аёл эди. Бир пайтлари ғамхўрлик қилгани учун Султонни ўз олдида бурчли деб билмасди. Аксинча, укаси қаршисида ўзини бурчли санаради. «Мен укамга ёшлигида озмоз қарашган бўлсам,— дерди Фотима опа,— укам менга хизмат қилди, бошда сув ташиди, ўтин ёрди, кейин мен қоронфида қолиб кетмаслигимни истаб, мени ўқитди, тарбиялади». У Султоннинг ўзидан ҳеч вақт узоқлашиб кетмаганини айниқса қадрларди. Султон унинг кўз ўнгига улғайиб, камол топган, муаллим ва шоир бўлиб етишган эди. Фотима опа буни ўйлаб, укасини ҳурмат қилас, укаси билан фахрланарди.

У тушга ишониб, таъбир излашга одатланган эди. Тунда алламбало тушлар кўрди. Чўчиб уйғонди. Хаёли

қочиб, тұшакда бошини бүкканча, узоқ үй суриб үтиреди. Бир қизи, икки үғли бор эди. Тұнғици Аңвар балоғат әшінга етганди. Менинг шу үғлим бошига бирон күлфат түшімдіктердің мінде жақсырылған болады. Кейин оласы Ҳадича, синглиси Османурни, укалары Султон ва Сайд-нің әслади. Булардан биронтасининг сочидан бир тола узилса, жони оғырдиди. Қайси жигарбандым қандай оғатта үйлиқди экан, деб хәелга толди.

Уннинг эри, болалари күн әришмай ишга, мактабга кетишиди. У ҳөвлида ивирсіб, күрган тушига ҳамон таъбиг иззіттіңде өзінде Сигир соғди. Челак күтариб, ошқончага үйнәлди.

— Опа-а...

Фотима опа сесканиб тушди. Кейин қайрилиб дарвоза томон күз ташлади. Султон үғилчаси билан ним-қоронги үйлак оғзіда туришарди. Үкам нега одатдаги-дек дам олиш куни эмас, ҳафта ўртасида келди экан?!

Уннинг хәелидан шу фикр үтди. Ҳайратланди.

У Султонга нисбатан ҳам кичик жүссали, бүй етмағач қызчаларни эслатгудек нозик, аммо ғайратли, ҳаралдағанда да күшті. Белигача жун рүмөлге үраниб олган, рүмөл остидан құлларини чиқариб, енгларини шимарғанди. Құллардың күштілдіктерінде үйлакка ошиқди.

Ұкаси, жиянини бағрига босди Фотима опа. Булар қаңған Пойтуққа келишса, суюнарди. Аммо бугун... Жигарбандларини күриб, күнглига аксинча хижиллик түшгандек бұлди. Үзи муаллим Султоннинг Ботирни дарсдан қолдириб, бүеққа бошлаб келгани ҳам албатта хайрли эмас. Бунинг устига, кечаги туш... Қандайdir воқеа рүй берган!

Ҳөвли юзи куралмаган, парча-парча қор шамолда қосая бошлаганди.

Ботир — шаҳар боласи, рүпаратадаги узун пешайвон-да лунжини шишириб қуруқ' үт кавшаёттан сигирга қызықсаниб қаради. Кейин ҳөвли пойидаги дараҳтлар остида чумчуқлар ушоқ терништейтгани-ю, қарғалар қор

чўқишаётганини кузатиб, шошганича, улар томон ўйнагани кетди.

Фотима опа Султонни уйга етаклади.

Султон ўйчан, ҳорғин, аммо одатдагидек осойишта эди. Пойтуққа бу гал у опаси билан хайрлашгани келганди. Хайрлашишдан ташқари, Фотима опа билан гаплашадиган гаплари кўп, шу мақсадда ҳам бу ерга келган эди.

Фотима опа уйга Султон келганида ҳамиша — баъзан бекорга, қаттиқ ҳаяжонланарди. Мана, бугун ҳам унинг юз-кўзида ўша, таниш ҳаяжон. Унга ҳамма гапни дарҳол айтиб бўлмайди. Юраги тарс ёрилиши мумкин. Ойнага тош отгандек.

— Яхши юрибсизларми, опа?! Қийналмаябсизларми! — дераза қархисидаги диванга ўтириб, опаси билан сўрашди Султон.

— Юрибмиз. Кўп қатори... Ўзинг яхши юрибсанми, укажон?! Моҳирахон яхшими?! Болалар?! — деди Фотима опа. Хаёлидан эса шу аснода, укамнинг бугун бир дарди бор, яширяпти, деган гап ўтди.— Мен ҳозир чой дамлайман. Мен ҳозир...— У шошиб, ҳаяжонланиб қайтиб ташқарига чиқди. Аммо уйга аввал чой эмас, ярим коса ширчой кўтариб кирди; хонтахта устига дастурхон ёзиб, косани укасининг олдига қўйди. Кейин пойгакдаги сандиқ устига тахланган кўрпачалар орасидан иккита юмшоқ кулча олиб ушатди ва ниҳоят ташқаридан бир чойнак чой ҳам олиб келди.— Нондан ол, укажон. Ширчойга қара...

Султон косага нон бурдалади.

Фотима опа яна эшикка чиқди.

Султон деразага тикилиб, опаси Ботирни ошхона эшигига ювинтиргани, ўша ёққа бошлаб қирганини кўрди. Чамаси Ботир уйда нонушта қилишга кўнмаганди. Фотима опанинг болага қараётгани сабаб бўлдими, косадаги оппоқ сутми, Султоннинг хаёли яна болалик кунлари томон парвоз этди. У опасининг бир пайтлар

ўзини шу тахлит ювиб-тараганлари, овқатлантириб, ўқишига юборганларини эслади. Юраги алланечук бўлди.

Фотима опа бу сафар уйга кирганида бошидаги рўмолини ечиб, укасига рўпара курсига ўтирди. Унга куюнчак тикилди. Шу укам бир оз бошқача!

Султон ўйга чўмиб ўтирап, опасининг интиқ сўз кутаётганини ҳис этарди. Ўзича, кўнглидаги гапларни содда, беозор ифодалашни истар, аммо дунёда бундай сўзларнинг камлигидан изтиробга тушган эди.

«У нега бугун ўзини жўрттага осоийшта тутябди?! Ҳаёт бахтсиз воқеаларга бой бўлиб қолди... Бечора укам! Сени қандай бахтсизлик менинг ёнимга бошлаб келди?! Гапир!»

Фотима опа Султоннинг тугилган, атак-чечак юрган пайтларини яхши эсләёлмасди. У Бухородаги Бозорнав гузарида жойлашган ҳовличада турган йиллар эди. Ҳаётда нотинчлик ҳукм сурарди. Шаҳар карvonсарой-дек тўполон бўлиб, кеча-кундуз кўчаларда отлар дупурлар, ўқлар қарсилларди. Йиртиқ-ямоқча ўраниб, елкасига халта осган Султон ўшанда худди бугунгидек ҳовлига қўйқисдан кириб келганди. У ҳадеб хижолатли ва ҳаёт ғурбатларини кўп кўрган кишилардек шикаста жилмаярди. Узи қоп-қора бола эди: қош-кўзлари ҳам, юзи ҳам, соchlари ҳам қоп-қора, лўли болаларини эслатар эди...

— Индамайсан, укажон?! Ўйланиб ўтирибсан...

— Ўзим, опа...— деди Султон. У кўнглидаги гапларни энди аста-аста ўртага тўка бошлади.— Шу кунлар болалигим хаёлимдан кетмай қолди... Бутун опаукалар, ҳаммамиз бир ерда тўпланиб яшасак, яхшироқ бўлармиди. Мен буни кўп орзу қилдим. Аммо, йўқ, вақтида ҳар ёқقا тўзғиганча, тўзғиб қолавердик. Укам Сайдни охирги марта кўрганимга уч йил бўлябди. Нариги икки опамни эса қачон кўрганим хотирамдан ҳам кўтарилаёзди... Уруш... Энди уруш...

— Сен бунга қайғурма, укажон,— деди Фотима опа.— Ҳозир қайсими қаерда яшамайлик, ҳаммамиз-нинг ҳам бошимиз тошдан бўлсин. Шуниси мұхим!

— Сизга яна айтмоқчи эдим, опа... Бухорога иккι-уч бордим. Лекин шошдим, тезда Андиконга қайтишим зарур эди, болалик пайтларидағи сингари Бухорони кўзларимга жойлаб ололмадим... Бундан бўлақ, болалиқда Қофолтномдан бир чиқиб кетганимча, қайтиб қишлоқнинг қорасини кўрмаганман. Қишлоққа бир бормоқчи эдим, бўлмади...

— Борасан ҳали, укажон. Бухоро ҳеч қаёққа қочиб кетганий йўқ. Қишлоқ ҳам... Қайғурма. Ёшсан, орзула-ринг бари амалга ошади...

— Айтганингиз келсин, опа...

— Сен лекин мендан бир гапни яшириб ўтирибсан.. Мен бари бир сезябман, айт... Уйингда бирон кўнгил-сизлик рўй бердпми?!

— Йўқ, опа. Уйда ҳозир яхши. Фақат... шароитни ўзингиз кўриб турибсиз-ку... Ҳамманинг қисмати бир... Кетябман, опа...

Уруш бошланганидан буён «кетябман» деган сўз ортиқча изоҳни талаб қилмай қўйганди. Кўнгли яқин кишилар ўртасида айниқса шундай эди.

Фотима опа ўрнидан сапчиди, қайтиб ўтирди ва яна ўрнидан сапчиди. У ярим тундан ва айниқса, укаси ҳовли остонасида кўринганидан бошлаб, кўп гапларни кўнглидан кечирганди. Аммо бу... қулоқларига ишонги-си келмасди. Менинг укам обрўли шоир, ўйларди Фотима опа, уни ҳамма билади. Уни ҳеч ким оғир йўлга йўлламайди. Бўлиши мумкин эмас!

Ҳаяжондан бўғилди Фотима опа. Ёнди. Кейин бирдан бўшашиди. Кўнгли бузилди. «Эҳ, содда Фотима! Кўпга келган тўй-ку бу. Ҳамманинг қисмати бир. Уканг сенга азиз. Элга ҳам. Аммо уруш бу билан ҳисоблашмайди!»

Уз дардини унутиб, боласининг дардини олгиси келган онадек кўз ёшларини артди Фотима опа.

— Эй, худойим-е,— деди у энди босиқ, ўйчан.— Туш кўргандим. Кўнглим сезган экан-да... Қачон кетябсан?!

— Уч-тўрт кунда кетадиганга ўхшаябман,— деди Султон.— Ҳозирча Тошкентга, ўқишига юборишиябди. Моҳира га айтганим йўқ, лекин ўқиш битгач, тўғри фронтга кетсак керак...

— Эй, худойим-е...— деди яна Фотима опа.

Дераза олдида Ботир кўринди. У дунё ишлари, ташвишларига парвоси йўқ, ўйинга ғарқ бўлиб, ўнқир-чўнқирга уринган, қорга, лойга беланганди.

— Дада, мен битта мусичани ушладим, кейин қўйиб юбордим, дада!— қичқирди Ботир. У гапини айтиб, деразадан нари кетди.

Фотима опа нима қиласини билмагандек, бир оз паришонлангач, бояги, укасига рўпара курсига келиб ўтирганди. Унинг жуссаси одатдагидан ҳам кичрайганга ўшшар, у қанчалик нозик экани шу паллада аниқ сезилиб қолган эди. Аммо ҳозир ўзи эмас, укаси тўғрисида ўйлаб ўтиради. Менинг бу укам ғурбатларни кўп кўрди. Ҳолбуки, у ғурбатлар учун яралмаган. У шоир. У шодликни, бахтни куйлаши керак. Еҳув! Ҳаёт фақат шодлик ва бахтдан иборат эмас экан-да... Уруш...

Тиниб-тинчимаган аёл Фотима опа. Яна ўрнидан турди. Узоқ тимирскиланиб, юпқагина нон олди. Бу уйдаги охирги бурда эди. Уни удумга кўра, Султонга тишлатиб, девордаги михга илди:

— Бу сенинг насибанг, укажон. Қайтиб келгунингча ҳеч ким унга тегмайди...

— Кетадиган бўлганимдан буён Моҳира кеча-кундуз, гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон йиғлайди,— деди шундан кейин Султон.— Овутиб кўрдим, қаттиқ гапириб ҳам кўрдим, қани фойдаси тегса. Унга қийин албатта. Бу йил каттаси ўнга кирган тўртта норасида билан қоляб-

ди. Ойиси бешинчи. Шаҳардаги турмушни ўзингиз биласиз, опа. Шаҳарда ортиқча бир қарич ер йўқ. Молҳол йўқ. Тирикчилик... Қисқаси бутун умидим сиздан, опа. Болаликда мени суюгандек, болаларимни ҳам қанотингиз остига олсангиз... Менинг сиздан яқин кишим йўқ, опа...

Шу билан гап тугади.

Султон ўрнидан қўзғалди.

Фотима опа ҳовлида Ботирнинг устини қоқиб, уни яигидан ювиб таради. Ота-бала йўлга тушишди.

* * *

Султон эзмаланиб хайрлашишип ёқтнрмасди. У бугун ҳам Фотима опага, сиз бекатга борманг, опа, шуниси маъқул, деди. Аммо Фотима опа муюлишгача укасига бари бир эргашиб борди. У Султонни бағрига босини истарди. Бироқ укасига озор етказиши мумкинлигини ўйлаб, ҳайнқди. Ботинмади. Укаси ўрнида Ботирнинг бошини қучиб, соchlарини силади. «Келиб тур, катта йигит!»— деди.

Султон бошда опасига бир кечак мөхмон бўлишни ўйлаган, унинг қишлоққа қадам қўйиб-қўймай, дарҳол изинга қайтиши уччалик шарт ҳам эмас эди. Аммо бир томондан, ҳамма гап гаплашилгач, бу ерда қолиш унга ортиқча туюлди. Иккинчи томондан, у боя опасига «уйда ҳозир яхши», деганига қарамай, уйдан кўнгли нотинч эди. Шу кунлар Моҳира ўт-сув ичида. Аксига олиб Илҳомия ҳам... Ўйдагиларнинг барини қийнаб юборди...

Пойтуқдан ўтадиган поездда одам кўп эмасди.

Султон бўш бир вагонга ўғлини бошлаб кирди. Ота-бала дераза олдида юзма-юз ўтиришди.

Поезд йўлга тушди.

Султон ўғлига разм солиб қаради. Ботир энди дераза олдида ўтирганча, қор қоплаган, қуёш шуъласида ярқираб ётган далаларни томоша қилиб борарди. У

ҳам далаларга тикилди ва шу аснода чақириқ қоғози келгач, ҳарбий комиссариатга борганини эслади. Үша куни торгина күчада ҳар қачонгидек одамлар ғужғон ўйнашарди. Иўл устида турғаň, кўча этакларида қунишиб ўтирган кишилардан бўлак, катта оломон остонага елимланганди. Чакирилганлар — ичкарида. Султон ҳам чақириқ қоғозини қўлида тутганча, бир амаллаб ўзини эшикдан ичкарига олди. Сўнг ундан-бундан кимга учрашни суриштириб, ниҳоят кенг ҳовлидаги кичик бир хонага кириб қолди. Бу ерда Султон ариза топширганида учратган кекса ҳарбийдан ташқари, уч-тўртта ёшлар ҳам ўтиришарди. Улар Султон билан қисқа гаплашишди. Ново-Черкасскийдан кўчирилган мактаб бор, Тошкент яқинида, сени шу ёққа юбормоқчимиз, дейишиди. Кейин унга бир ҳафта муҳлат беришди. У қайтиб кўчага чиқди. Қор эрий бошлаган, оёқ ости билч-билч лой эди... Султон қайтиб ўғлига қаради ва энди опасн сингари, эрта-индин хотини, болалари билан ҳам хайрлашиши, мана шундай поездга миниб, сафарга жўнаши кераклигини ўйлади. Хаёлидан бундай гаплар кечди: «Ботир! Ўғлим! Дадам нега ўзини чўққа уряпти, нега ўзи бу йўлни танлади, деб таажжубланма. Мен Моҳираға, сиз болаларимга кўнглим ачийди. Мен учун ижод шахсий турмушдан муҳимроқ бўлди, бутун ишим, репжаларим қолиб кетаётганига кўпроқ ачинаман. Лекин мен виждоним буюрганини бажаряпман, ўғлим! Сен уйда қолаётган йигитсан. Сен дадангнинг мақсади, дардини тушунишинг керак. Даданг биринчи галда сенга суюнишини унутма!..» Аттанг. Ботир Султоннинг хаёлидаги гаплардан бехабар қолди... Иўқ, ҳаёт дарёси шарқираб оқажак. Орадан яна кўп кунлар ўтажак. Ботир ўсиб-улғаяр албатта. Ана ўшандада у юрак-юрагида отаснинг нидосини аниқ эшитажак...

— Бу менинг конспект дафтарларим. Дарслик етишмайди. Қитоблар... Уйда бекор ётганидан кўра сизларга машғулотларга яраб туриши мумкин...— Султон шу сўзларни айтиб, институтга янги келган ёш муаллима қизларга, шогирдларига қалин бир қоғоз папкани топширди. У институтта чақирилган кунидан қатнаб, бу ердаги барча ишларини битказганди. Ҳамма билан хайр-хўшлашиб, сўнгги йиллар давомида ilk дафъа уйга жуда барвақт қайтди.

Моҳира эски-туски кўйлакча, иштончаларни ямаб ўтирас, бир неча кундан буён қўли ҳеч ишга бормай юрган эди. Бугун унинг ҳар қалай куймана бошлаганини кўриб, Султоннинг кўнглига ёруғлик тушди. Моҳрёй опа халта титиб, ўрик саралаябди; демак, уйда бугун пиёва. Болалар қандак ўрик солинган нордон пиёвани ёқтиришар, дастурхонга қачон пиёва келса, яйрашарди; Султон бунга ҳам суюнди. Умуман, уйда кайфият ҳар кунгига нисбатан бир оз кўтаринки эди. Ботир билан Нурия мактабдан қайтишган, қоғоз-қалам олиб, нималарнидир ёзиб-чишишга тутинишганди. Уларнинг дераза ёнида мўмингина ўтиришгани-ю, Моҳиранинг жигига тегишимаётгани ҳам Султонни суюнтириди. Илҳомия беланчакда ётибди. Алланарсаларни чуғурлаб, ўз-ўзи билан гаплашябди. Яхши. Буниси айниқса қувончли.

Султон Илҳомиянинг беланчаги ёнига бориб ўтирди. Қизининг қош-кўзларини мулойим сийпалади. Ботир билан Нурия уни тинч қўйишмади. Дадалари фақат Илҳомияники эмас! Моҳирага секин кўз ташлаб, булар ҳам унинг теграсига келишди. Ботирнинг қўлида бир варақ қалин қоғоз бор эди, Султонга кўрсатди. Қоғозда қандайдир бўжир-бесўнақай дарахт тасвирланганди.

— Баракалла, ўғлим,— деди Султон. Кейин унга мурожаат қилди.— Менга пиёла келтир-чи...

Дадасининг одатини билгап Ботир ўрнидан салчиб, токчада турган ниёлалардан бирини олиб келди.

Султон қогозни ўгириб, устига пиёлани тўнтарди, сўнг доира чизиб, унинг ичига қатор дараҳтлар, мўрисидан тутун кўтарилаётган уйлар, пахса деворлар — бутун бир қишлоқнинг жақажи расмини солди. Варақни қайтиб Ботирга берди.

— Мана, ўғлим, шунга қараб чизгин...

— Бу қайси қишлоқ, дада?! Пойтуқми?!

— Бу менинг қишлоғим, ўғлим... — У ўрнидан туриб, ўғлига яна мурожаат қилди.— Бугун Румияни сен боғчадан олиб келасан, хўпми!— Кейин Моҳрўй онага юзланди.— Болаларга бугун ўзингиз қаарарсиз, ойижон. Мен Моҳира билан бир оз кўча айланмоқчи эдим... Биз кечроқ қайтсан керак, бизни кутиб, болалар оч ўтиришмасин...

Моҳира қўлидаги ишни ёнига қўйиб, эрининг қўққисдан айтган гапи мағзии чақолмай, унга ҳайратлашиб қаради. Ниҳоят ўзича, эрим бекорга оғиз очмайди, кўчада иккимизга тегишли бирон юмуш чиққандир балки, деб ўйлади. Султоннинг иродасига бўйсунган, аммо ҳоргин, истаб-истамаган кўйда ўрнидан қўзғалди. Кийинди.

Эр-хотин кўчага чиқишиди.

Султон ўзини нималар кутаётгани ҳақида ҳар нарсадан кам ўйларди. Бошга тушганини кўз кўради! Унга қора бир калхат уйи устига қанот ёзиб келаётгандек тюлар, унинг назарида Моҳиранинг аччиқ йиғлашлари ўша, рўй берадиган фалокатдан ҳозирданоқ дарак берниб тургандек эди. Бу унинг кўнглини оғритарди. У хотини олдида шу кунлар худди: «Мен бир институтдан бошқасига ишга ўтъябман», дегандек алфозда хатти-ҳаракат қилишга уринар, уйидагилар ҳам ўзи сингари бо-сиқ бўлишларини истарди. Бироқ фойдаси йўқ эди. У қанчалик осойишта юриб, қанчалик бардошга даъват этмасин, Моҳира бир гапни такрорлашни қўймасди:

«Мен қайси кунимга хурсанд бўлишим керак?! Юрагинг тўлганидан кейин йиғлайсан-да...»

Султоннинг кўчада юмуши йўқ эди. У Моҳира билан шунчаки бир оз шаҳар айланди. Улар кўчадан кўчага ўтишиб, беихтиёр ўзлари бир чоқлар кўп кезишган маданият ва истироҳат боғига келиб қолишиди.

Бог бўм-бўш, ялангоч дараҳтлар аёздан жунжикиб туришганга ўхшар эди.

Улар сокин йўлкада жимгина одимлашиб, ниҳоят пайҳонликда йиғилнб турган скамейкалардан бирига келиб ўтиришиди.

— Боқقا кириб қишида қолган лайлакдек... ҳеч эсдан чиқмайдиган воқеа бўлди...— деди Моҳира. Кейин қўшиб қўйди.— Тушунмадим... Нега мени кўчага бошлаб чиқдингиз?

— Ўзим... Сен билан айлангим келди,— деди Султон. Сўнг ҳаяжонланиб, аёзданми, ҳаяжондами титраб, Моҳиранинг елкаларини мулойим сийпади.— Бу кунлар ўтади. Оз қолди. Мен ишонаман,— деди у.— Сен кўп йиғлама, жоним. Мени тинч бўлсин десанг, йиғлама... Турмуш қурганимиздан буён бутун кескинликларим, дағалликларим учун мени кечир... Мен умримни кўпроқ ўз ишларим ўнгланиб, бўй-бастим ўсишига сарфладим; сенга ўзим истагандек баҳт беролмадим. Бунинг учун ҳам мени кечиргич... Қайтиб келганимда сени фақат ардоқлашга, ҳар қандай кулфатлардан асрарашга ҳаракат қиласман. Бу кунча сен болаларни авайла...

Бог бўм-бўш, совуқ, кеч кириб қоронғилик ҳам туша бошлаган эди.

Моҳира Султоннинг ҳаяжони юқди. Бошини эрининг кўксига босди.

Султон ҳамон ҳаяжондами, аёзданми титраб, уши қучди, эркалади.

Моҳира қўидай буён эри билан бундай кўча айланнига чиқмаганди. Бир кунлари шундай узоқ-узоқ кўча

кезишиб, боғларда бир-бирларининг пинжларига суқулишиб ўтиришганларини эслади. Юрагини ўша кунларнинг тафти гўёки иллитандек бўлди. Кўзлари ёшланди. Аммо бу алам эмас, ҳаётдан мамнунлик нишонаси бўлган севинч ёшлари эди. Баҳор ёмғири эди бу...

Улар шундан сўнг кўқдан қайтиб ерга тушишди.

— Энди кетайлик, Султон ака,— деди Моҳира уйни, болаларини эслаб.— Биласиз-ку, уйда бўлмасам...

Уринларидан қўзғалишиб, боғ эшигига йўналишди улар.

Кўчаларда одам сийрак эди. Унда-бунда милтираган чироқлар кўзга ташланарди.

Султон болаларни уйда қолдириб, хотини билан кўчага чиқса, ҳамиша уларга нимадир кўтариб боришга одатланган эди. Энди магазинларда арзимаган қандқурс, ширин кулча ҳам анқонинг уруғи...

* * *

Уйда ҳаммани яна изтироб чулғади...

Илҳомия бир оз енгил тортгач, аҳволи олдингидан ҳам баттар оғирлашди.

Султоннинг нияти бошқача эди... Ишларини битириб, сўнгги кунни фақат хонадонига багишлишни ўйланди. Ўтин-кўмир дегандек юмушлар билан шуғулланмоқчи, хотини, қайнонасига имкон етганча кўмаклашиб, болаларнинг кўнглини олмоқчи эди... Ҳаммаси қолиб кетди... У турмушнинг ҳар қандай зарбасини миқ этмай қабул қилишга тайёр эди. Аммо қизининг шу кунларда... буни қабул қилолмасди. Бу — ҳаётдаги адолатсизлик эди!

Султон табиатан рўпарасига бир парча темирни қўйиб, муттасил, эринмасдан йўниб ўтиришни касб қилган чархчи-устага ўхшар, бирон дам ишсиз туролмайдиган одати бор эди. Кўп йиллар давомпда биринчи марта ўзини худди қўлидаги темир парчаси тортиб

олингандек ҳис этди. Болага дармон бера олмас, бошқа нима қилишини эса билмасди.

Вақт буралмаган соатдек тұхтаб қолганга үхшарди. У гоҳ девор этагида мудрар, гоҳ ташқари чиқиб босим чекар, аммо бу тахлитда вақтни ўтказиш амримағол әди.

Бир неча марта Илхомияга қараашмоқчи бўлиб, қиз-ча ётган беланчакка яқинлашди. Боланинг ранги ўчган, кўзлари дарров киртайиб қолганди. Дадасига бутун ҳасратини айтмоқчидек, унга қараб, лаблари алланечук аламли қийшайди. Султон чидолмай, бўғилиб, қони қайнаб, нари кетди.

Бекорчиликдан зерикиб, бир неча марта ичкари хонага кирди; ёзув столига яқинлашди. Бироқ қизчаси ёнига борганида бўлгани сингари, яна қони қайнади. Ийллар давомида ўзига дарсхона, ижодхона бўлган бу гўшада энди осойишта ишлаб ўтиромасди Султон... Олис сафарга отланган кишилар қадрдон уй билан бирга, уйдаги барча жиҳозлар билан ҳам бирма-бир хайлрашишади. У ҳам ёзув столи билан, жавон ва жавонда қалашган китоблар билан қайта-қайта, жимгина хайлрашиди. Ўзини дўконидан бошқа дўконга кўчиши зарур бўлиб қолган косибдек ҳис этди...

Моҳирага шу кунлар айниқса оғир әди. У хона бурчагига осилган беланчак ёнида — барча оналарга үхшаб, фарзанди учун ҳар қандай кўргуликни итоаткорона қабул қилган бир намойишда чўнқайганди. Унинг юз-кўзларида уйқусиз тун асорати, толиқиш акс этар, у афти ангоридан уч кун узлуксиз йиғлаган кишини эслатарди. Султон хотинини ўйлаб эзилар, хотини қиёфасида жамики аёллар бардошига ўзича таҳсин ўқириди...

Қизча тин олган ёки пинакка кетган пайтларда эрхотин бир неча марта узуқ-юлуқ гаплашишиди.

Бир гал улар ўртасида бундай суҳбат ўтди:

— Бу қизимиз нега бунча касалманд бўлиб қолди

әкан, тушунмайман, Султон ака... Биринчи бола ўстира-
ётганимиз йўқ...

— Бари бир, аввалдан яхши қараёлмадик, шекил-
ли... Сен ишда. Мен...

— Яхши қараёлмадик. Шароит...

— Касал кўп. Қийин... Лекин баҳорга бориб, болани
балки жиддий бир кўрсатишингга тўғри келар...

Кейинги гал улар бундай суҳбатлашиши:

— Янги китоб... нима бўлди энди?!

— Улгурмадим... Лекин шеърларни Хўжақул акага
бердим...

— Хўжақул акага?!

— Ҳа... Сенга қолдирсан бўларди, лекин сен ҳозир-
ча болаларни тишингда тишлаб турсанг, ўзи кифоя...

— Мен майли... Бошқа шоир дўстларингиз бор эди.
Ҳеч бўлмаганда, танишлардан Қосимовми, Мамажонов-
ми... Ёки Тошкентда...

— Кўпчилик кетябди... Хўжақул ака эса мажруҳ.
Кейин унинг ўзи қолдиришимни сўрагандек бўлди...

— Хўжақул ака манфаатпараст одам... Ҳозир унга
сиздан ҳеч қандай манфаат йўқ...

— Сен менинг дўстларимдан айб қидиришга ўрган-
ма, Моҳира. Ҳозир уруш. Киши бир-бирингга суянасан...

Бошқа бир гал улар илк ёшлик кунларини эслашди:

— Иккимиз қандай танишганимизни эслайсанми,
Моҳира?

— Эслайман... Худди кечагидек...

Улар талабалик йиллари танишишганди.

— Биз кунда томоша кўрсатардик. Спектакллар...
концерт... Қизларингиз бўйинларини қисиб, тортиниб-
гина келиб қолишарди...— кулди Султон.

— Уялардик...— деди Моҳира. У эрлар билим юрти
жойлашган Регистон билан Лабиҳовуз оралигига бўл-
ган, Қўмир бозори яқинидаги хотин-қизлар билим юр-
тида ўқирди ўшанда.— Лекин йигитларнинг айримлари
Қўмир бозори атрофида айланишгани-айланишган эди...

— Йигитлардан кимнингдир эт-бетига қора суйкаланған бўлса, ўзимизча, кўмир бозори томондан ўтганмидинг, деб роса кулгига олардик...

— Биринчи гал ўзи қизиқ бўлган... Йигитлар билан бирга кеча ўтказамиз, дейишди. Мени опамиз чақириб, қатнашасан, деди... Одамлар олдида ҳеч ашула айтмагандим. Қейин музикани билмасдим. Жудаям қаттиқ ҳаяжонландим. Ашулани музика билан қандай айтамашу бу менинг музикачим ким бўлди экан?! Йўқ, сизни менга таништиришиб, қарасам, оддий йигит; кўнглим бир оз тинчиди... Мен сизни олдин кўрмагандим...

— Мен сени кўриб юардим. Лекин ўшанда негадир худди биринчи кўргандай бўлдим. Сен менга даров ёқиб қолдинг!..

Эрлар билим юртида ўтказилган ўша кечада Султон музика чалиб, Моҳира бир пъесадан «Ўроқчи қиз» десган қўшиқни куйлаганди:

Ўроқчи қиз,
Ойга ўхшар ўроғинг,
Ойдин йўлларда сен...

Султон бошқа айрим қизлар, йигитлар учун ҳам музыка чалганди. У гоҳ рубоб чертар, гоҳ мандалина, гоҳ гармонни қўлига оларди. Булардан бўлак, ўзи ҳам куйлаганди. Илк ёшликда Султон халқ йўлидаги шўх, қочириқларга бой қўшиқларни куйлашни ниҳоятда ёқтипар, одатда, уларни очилиб-сочилиб, роҳатланиб айтарди:

У кўчадан келдингми, ёр,
Бу кўчадан келдингми?
Софинганим билдингми, ёр,
Е соғиниб келдингми!!

— Сиз кўпинча оқ кўйлак кийиб, энсиз камар тангигб юардингиз... Бир қараса, жуда дадил, бир қараса, уятчан. Ҳайрон қолардим... Кўчада эргашиб юардингиз. Баъзан бўлса ўйлимни пойлаб, қўлимга хат берар-

дингизу аллақаёқларга қочиб кетардигиз... Шундан кейин бир куни рўй-рост уйимизга гаплашгани келганингизга қандай ақл бовар қилсин! Остонада қотиб қолганман...

— Сен чиройлисан, Моҳира. Ўшанда ҳам... нозиккина, малак эдинг. Ёшлик завқиданми, уялганингданми, кўзларинг порларди. Сенга яқинлашишга менда журъат қаёқда, дейсан... Лекин кейин сени қўлдан чиқариб қўйишдан қўрқдим-да мен...

Гап шу ерга етганда, Илҳомия бехос инқиллади. Моҳира ширин тушдан уйғонгандек, оғир хўрсинди. У чойқошиқ олиб, қизчага дори ичирди. Қизча чинқирди.

— Шу қизим ҳам мени қаритди,— пичирлади бир оздан кейин Моҳира.— Баҳор дарров ўтдими, дейман...

Султон Моҳиранинг нима демоқчи эканига тушунди. У бундан икки йилча муқаддам «Жаннат» деган эртакдостон ёзган, бутун хаёлини ўшанда Алишер Навоий эгаллаганди. Тунда ёзар, кундузлари уйда: «Олимликда Ҳирот Арастуси», ёки: «Хурматинга ҳар не қилса оз» сингари сатрларни ўзича пичирлаб юрарди. Бир куни Моҳирага, Султон, Шарқ шоирлари боғ билан дараҳтни ҳаёт билан одамга кўп қиёслашгани, умрнинг табиатдагига ўхшаб тўрт фаслга бўлинини ҳокоя қилган, Алишер Навоийдан ғазаллар ўқиб берганди.

— Қанақа баҳорни айтяпсан?!— сўради Султон шунга қарамай.

— Ўзингиз билган баҳорни,— деди Моҳира.

Султон индамади. Аммо ўзи шу тўғрида хаёлга чўмди... Моҳирани ўйлади. Кечагина чиндан ёш, ҳуснда бекиёс эди Моҳира. Аммо қўшиқда: «Ўттизда ўтин бўлдим!»— дейилганидек, ўттизга ҳам бормасдан эрига суюнган, бир этак боланинг остида қолиб, турмушда фарофатдан кўпроқ мاشаққатни туйган келинчакка айланди. Ҳар қандай аёл сингари бунга у бепарво қараёлмайди. Болалардан андак бўшаб, енгил тортишга улгурмай, мана энди, Моҳира, белига арқон боғланиб,

янгидан машаққатлар choғига туширилябди. Ноңдан тортиб катак дафтаргача қаҳатлашган бир даврда түртта норасидани едириб-күйдиреб, иссиқ-совуғидан хабардор туриши керак. Унинг ёшлиги, чиройи бундан сўнг баттар ўғирланмайдими?! Инсон фақат машаққатларга чидаш, изтироб чекиш, юлиниб-юлқиниш учунгина дунёга келмайди-ку, ахир! Бу бедодлик албатта... Султон ўзини ҳам ўйлади... Умри баҳори қашшоқликда, етимлика үтди. Ёз—болаликдан қолган жароҳатларни унутиб, қад-қомат ростлашга кетди. Мана энди, у куз ва қиши фасллариға рўпара бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Буни вақт кўрсатади... Султон бошқа одамлар ҳаётига назар ташлагисп келди... Бу кун олис майдонларда тўрт фаслдан фақат баҳорнигина кўрган минг-минглаб йигитчалар тупроққа бош қўйишибди. Ҳаёт боғида қариб-қуриган дарахтларгина қулаётганий ўй; янги кўкарған ҳаттоқи навниҳолларнинг ҳам илдизига болта тушябди... Наҳотки, дунёдаги инсонлар урушларсиз яшай олмайдилар?! Наҳотки, боққа аёвсиз бостириб кирганларнинг арра, болта тутган қўлларини мангур қирқиб ташлашга башариятнинг ҳамон қудрати етмайди?! Наҳотки...

Сўнгги кун асосан шу суҳбатлар, шу ўйлар билан үтди...

* * *

Мана, Султон жўнайдиган ҳам бўлди.

Үйда худди сув қўйгандек жимжитлик ҳукм сурарди. Фақат Моҳира, Моҳрўй опа эмас, болалар ҳам нафасларини ичга ютишганди. Болалар нималар бўлаётганига унчалик тушунишмаса ҳамки, оталари уйдан кетаётганини англашиб, хонадон ҳаётида катта бир ўзгариш рўй берганини ўзларича ҳис этишганди.

Моҳрўй опа эрталабдан супрадаги қолган-қутган унни ўртага сидирганча, Султонга йўл учун кулча ёпди. Моҳира эса бир парча гўшт, пкки қисм гуруч тоғиб, ош пиширди. Эри палов билан қўк чойни яхши

кўришини билганидан, катта чойнакда кўк чой ҳам дамлади.

Султон лаган бўшагунча ошдан қўлини узмади. Чойдан ҳам босим ичди. Кейин ўрнидан туриб, кундалик ишга кетаётган одамдек, осойишта кийинди. Ойнага қараб, одатича сочини чапдан ўнгга таради. Ювиб дазмолланган оқ бир рўмолчани чўнтағига солиб қўйди.

Моҳира билан Ботир ҳам кийинишиб, Султонни кузатишга тайёрланишганди. Аммо Султон, билет менда, поезд қаёққа кетарди, деган одам қабилида ҳамон шошмасди. У Моҳрӯй опанинг қўлини ўпди. Нурия ва Румияларни бағрига босди. Хайрлашди.

Низоят даҳлизга чиқиб, пальтосини елкасига ташлади. Остонада турган юпқагина чамадонни кўтариб, эшикка йўналди. Кўпинча ишга кетаётib, ана шу чамадон сингари ўнг қўлида портфель тутар, юрганда чап тарафга билинар-билинмас эгилиб, чап қўлини бир тескисда силкитиб борарди. Ҳозир ҳам шу намойишда йўлга тушди...

Бекатда Моҳира кўзига ёш олди. Уни кўриб, айрилиқни туйгандек, Ботир ҳам бехос йиғлаб юборди. Султон бошда Моҳирага таскин-тасалли берди. Кейин жаҳли чиқди; сенга нима бўлди ўзи, нега йиғлайсан, леб хотинини қаттиқ койиди. Сўнг эса яна юмшаб, уни, Ботирни қучди, ўпди; уларга яхши гаплар айтишга уринди...

* * *

Поезд Андижондан йироқлашиб, бепоён далалар бағрига кирди.

Султон вагон ойнасига, ойнадан қор босган, бир хил манзара касб этган ўнқир-чўнқир далаларга ғамгин тикилди. У биринчи марта уйдан чиққани йўқ; ҳаётда яқин-йироқларга кўп сафар қилган, иссиқ кўрпа-тўшакни ташлаб кетишининг ҳамиша кишиига малол эканини ҳис этганди. Аммо унинг бу галтни уйдан чиқиши олдин-

гиларига сира ўхшамас, унинг ҳолатини ҳам малол деб бўлмасди.

Султоннинг хаёллари айқаш-уйқаш эди. Унинг кўнглида туйғулар туғён урар, яқин кишилар билан босиқосойишта, ҳаттоки, андак совуқон ва кескин хайрлашганидан сўнг, якка-ёлғизликда асаблари бўшашиб, энди унинг тўлиб-тўлиб йиғлагиси келарди. Уйдан, шаҳардан шу чиққанича, кунлардан бир куни қайтиши ҳам, ҳеч қачон қайтмаслиги ҳам мумкинлигини ўйлар, лаблари пичирлаб, урушга лаънат ўқирди.

У кўнглидаги барча кечинмаларни шарҳлай олмасди. Унинг кўнглида улғайиб, одамлар сафига қўшилгач, қадрдон Қофолтомга қайтиб бир қургина бора олмаганидан армон бор эди! Опалари Халича, Османур, укаси Сайд билан сафар олдидан оддийгина хайрлаша олмаганидан алам! Уйда шу кунлар аксига Йлҳомиянинг ахволи оғирлашганидан изтироб! Моҳиранинг қийин шароитга қолганидан ўқинч! Моҳирага, ширин-шакар болаларига, Фотима опа, Моҳрӯй опага нисбатан муҳаббат, уни Андижондан шамолдек юлқиб кетаётган кунга, ёвуз душманга нисбатан нафрат, адован!..

Поезд йўлга тушганида қуёш уфққа ёнбошлаганди. Шафақ алвон тусга кирди; сокин бир оқшом чўкиб, далаларни тун аста-аста ўз бағрига торта бошлади.

Султон Андижондан поездда дам сайин узоқлашаштиб, хаёллари ҳам аввалгидан тиниқлашгандек, кўнглидаги туйғулар туғёни ҳам бир оз босилгандек бўла борди. Ўз-ўзидан ғаши келди. «Сен нега бунча мунғайиб ўтирибсан, Султон,— ўйлади у.— Уйни тарк этиш оғир албатта. Лекин гурас-гурас йигитлар кетишияди! Сенинг улардан бирон ортиқлик жойинг борми? Ҳамма чидаябдими, чидагин-да сен ҳам. Қайгу сенга айниқса ярашмайди».

Султон ўзини қўлга олди. У вагон ойнасидан дала-ларга, хаёлий, афсонавий, қандайдир ваҳмли шаклу шамонилга кираётган пастаккина тут туплари, тепаликлар

устидаги түқайчалар, қиши бүйи намиқиб ётган пичан, ғұзапоя ғарамлари, бир-биридан айри ётган катта-ката тұнкаларга тикилди. Күз ўнгидан лип-лип ўтаётіб, аста-аста тун бағрига кираётган далалар унга соңияда туғилған қишлоғини, болалик күнларини эслатишиди...

Султоннинг хаёлида энг аввал харобгина ҳовли, қийшайған айвон ортидаги пачоққина уй ва уйнинг түрида жасад сингари оққа ўраниб ётган волидаси жонланғандек бўлди. Кейин хаёлидан эгри-буғри кўча, қишлоқдан чиқаверишда соқчидек қаққайған, қариб-қуриған каттакон дарахт лишиллаб ўтди. Кейин эса негадир кўз ўнгидан гоҳ ариқ бўйи, гоҳ дарахт остида, гоҳо қайсиdir экин майдонида учта-тўртта бўлишиб, нималарнидир вазмин, шошмасдан сўзлашиб ўтиришган қишлоқ қариялари тиэилишиди. Ниҳоят қишлоқдаги етим-есирларга кўнгли кўпроқ ачишган, бир парча нон, эски бир энгил-бошни дариф тутмасликка ҳаракат қилған кекса аёлларни, ўша олис болалик күнларида ўзи улардан эшитган бир қўшиқни эслади:

Отам мени отдилар,
Бойваччага сотдилар.
Бойваччаси қурсин,
Рангим зардоб этдилар...

Қишлоқда сарсон-саргардон кун кечирған ўзбек, туркман, қозоқ, тоғик, татар — турли миллат болалари кўп; булар «бой отанинг етимчалари» бўлиб юришар эди. Султон ҳам онаси вафот этгач, шулар сафига қўшилганди...

Энди Қоғолтомда ҳаёт, албатта, бошқача. Аммо Султон ўзи кўрган қишлоқдан энди нималар қолгану нималар ўзгарған — билмайди. Бунинг устига йиллар давомида анча нарсаны унуди ҳам. Эслаш керак. Қишлоқда у билған ўша чоллар, кампирлардан кимлар тирик бўлса?! Абдурауф боғбон... шу ном унинг хотирасида баъзан такрорланади. Қишлоқни қум ямлаб ётга-

нида боғ яратиб, ҳаммага мева-чева улашишни хаёл қылганди Абдурауф ота... Яхши одам эди. Тирикмикан?! Халқ... Эзгулик истаган халқ ўлмайди!

У энди ўқинч билан ўтмишда ўз хонадони аъзолари ҳар ёққа тўзгиб кетишганини ўйлади. Кейин укаси Сайд билан охирги марта кўришгани ёдига тушди.

...Якшанба куни эди. Султон нонуштадан сўнг Сайд-ни Моҳира билан болалар ёнида қолдириб, ўзи бир оз китоб мутолаа қилгани ичкари хонага кирди. Эшик қия очиқ қолганди. Кўп ўтмай, нариги хонадан эшитилган товушлар беихтиёр Султоннинг диққатини жалб этди.

— Акангиздан гап олиш қийин,— деди Моҳира.— Қудуқдан сув тортгандек... Индамайдилар...

— Биз болаликда анча жабр чекдик. Акам гапиргиси келмаса керак.

Сайд гугуртни чирт этказиб, папирос ёндиригандек бўлди. Ичкари хонада, ёзув столи ёнида ўтирган Султон ҳам папирос тутатди. У Моҳира билан Сайднинг гапига эътибор бермай, мутолаани давом эттироқчи эди; эплаёлмади. Сайднинг ҳикоясидан унинг яна хаёли бўлинди.

— Мен эслаганим, онам касал, бутун турмуш акамнинг бошида эди. Акам ўт ўрап, мол боқарди. Бўйнига эски бир тўрвани осиб юрар, уйга шу тўрвада бир каппа донми, бир бурда нонми, кўтариб келарди. Уй чўккан, қоронғи, зах, эшикдан, дарчадан, тешик-туйнуклардан ичкарига шувиллаб қум тўкилгани-тўкилган эди.

Султон ўрнидан туриб, эшикни оҳиста беркитди. Кетма-кет иккита папирос чекди. Бироқ ғаши келди. Бўлмади. Бари бир ишлай олмаслигини ҳис этди. Ўрнидан даст туриб, эшикни қайтиб очди.

— Нега ёлғон гапирябсан, Сайд? — деди укасига у ярим чин, ярим ҳазил оҳангда.

— Сиз ҳаммасини эшитиб ўтирганимидингиз?!— унга ҳуркиб қаради Моҳира.

— Бўлмаса-чи! — кулди Султон.

— Мен ёлғон гапирганим йўқ. Мен... — гудранди Сайд, гўёки ўзи ёлғон гапиргану энди оқланмоқчи бўлган одамдек қизариб-бўзарид.

— Сен муштдек бола эдинг. Эсламайсан у кунларни! — деди Султон кескин. У девор этагига ташлангани кўрпачага ўтиб ўтириб, Нурия билан Румиянинг бошини икки ёндан бағрига босди ва яна кулимсиради. — Мен қишлоқда ўтган болалик кунларини эсласам, кўнглим доим алланечук ёришади... Қишлоғимиз атрофида бе-поён далалар кўп эди. Ариқда сув оҳангдор, майли шилдирар, ариқ бўйида оқ қумлар тўлқиндан тизмалашиб ётганидан, кишининг қувноқ ўйнаб, тоза чўмилгиси, қумда чўзилиб ётгиси келарди. Далада баҳор пайтлари тиззагача ўт ўсарди. Эрталаб чиқсанг, шабнамдан улар худди кечаси ёмғир ёғиб ўтгандек нам бўлиб, оёқ босганингда, борлифинг ёқимли титраб кетарди. Баъзан чақмоқ гугуртини чақиб, чиндан ҳам кўқдан икки-уч томчи тўклиларди. Кўкка қараб, майдаламай бирдан ёғсанг-чи, биз капада ёғиб ўтишингни кутиб турмиз, дейсан. Дала-қир жимжит. Табиат сенга итоат қилгандек, бирдан шивир-шивир ёмғир бошланиб, охирни селга айланади. Ниҳоят сел ҳам тиниб, юракка хушибўй ҳаво ютганингча, очиқ майдон сари югурасан. Кўкда қуёш балқийди. Ранго-ранг камалак-камон кўзга ташланади. Барглар устида кумуш томчилар йилт-йилт ёнади. Унда-бунда тўпланиб қолган сувлар кузги кўлга ўхшаш соф, тиниқ. Сув тагида осмон силкиниб, оқ булатлар секин сузябди. Севиниб-сакраб, қофоздан митти қайиқчалар ясайсан, уларга оқ елканлар тақасан. Улар фоздан қолишмай, сувда юзиб кетишади... Қишлоқда ўтган болаликни ўксиниб эслаш мумкин эмас...

Султоннинг гани шунчаки бир ҳикоя, шунчаки хаёт меваси эди. Қофолтомда эса биргина ариқни ҳам мунтазам қум кўмар, далада бўй чўзган ҳар бир гиёҳ қум аждарига ем бўларди. Бундай баҳор манзараси қаёқда,

дайсиз?! Бироқ Султон болаликдан шикоят қилгиси келмасди. Шу боисдан ҳам янгича ҳикоя түқиганди.

Моҳира сезгир; буни пайқади. Ў бундан ташқари, эрининг феълини яхши билади. Султонга бақрайиб қаради:

— Э, тўхтанг, бу қайси йилларнинг ҳикояси, Султон ака?! Менимча, Қоғолтомга бунинг ҳеч алоқаси йўқ... Сайд акага, ёлғон гапирма, деб ўзингиз... Сайд ака тўғрисини гапирдилар...

— Меники ҳам тўғри! — кулди Султон. Кейин, бу ҳақда гап тамом, дегандек сухбат мавзусини ўзgartирди.— Сен ҳам Андижонга кўчуб келсанг, ёмон бўлмасди, Сайд... Бир ерда яшасак, дегандим...

Сайд акасига ҳазиллашган бўлди:

— Соя-салқин Андижон ўзингизга буюрсин... Бухорони тўзонли деб қочдингиз... Биз ўша тўзонли воҳада яшайверамиз, акажон...

Султонга укасининг ҳазили бир оз оғир ботди.

— Мен қум ичиди катта бўлганман, биласан, тўzonдан қўрқмайман,— деди у.— Лекин бутун Узбекистон бизники эмасми! У томон меники бўлиб, бу томонда бирор менга, аравангни кўтар, мусофир, дегани йўқ. Опам учун келдим... Сен менга таъна қилмагин, Сайд!

Орага андак сукунат чўқди.

— Кўнглингизга олманг, акажон...— Султонга сўз қотди шундан сўнг Сайд жиддий.— Сиз шоирсиз. Ҳар ёққа тўэриб кетган хонадонни қайтиб бир ерга тўплагингиз келябди. Қанийди, бу шунчалик осон иш бўлса... Азалдан одамлар бир ерга тўпланаверишган, лекин ҳар хил суронлар уларни яна тўрт томонга сочиб, кўпинча шундай яшаб қолаверишган... Ҳаёт хаёллар, орзулар билан ҳаммавақт бирдай ҳисоблашавермайди...

Султон бу галга қўшилмади:

— Бекорларни гапирябсан! Тушкунлик бу... Менинг укам... Яхши эмас...

Сайд унга жавобан ҳеч нарса демади...

Поездда Андижондан узоқлашиб кетаётган Султон ўйланиб қолди... Наҳотки, ўшанда Сайд бор ҳақиқатни айтган, мен эса ростакам хаёлпарастлик қилғанман?! Наҳотки инсон болалыкдаги аччиқ хотираларни күтариб юриши, уларни бот-бот эслаб туриши зарур?! Наҳотки, эндигина осойишталык топишиб, бир-бирларига интилишган кишиларни мана бу — фалокат уруш, олдингидан баттар ҳар ёққа тұзғитади?! Наҳотки, ҳаёт хаёллар, орзуларни йўққа чиқариб, уларни бемалол кўкка совуради?! Наҳотки!..

Султонни совуқ тер босди. У ўзининг қону жонига тушкунлик иблис сингари сезидирмай ўрмалаётганини қис этди. Йўқ... Бу кунлар ўтади. Оз қолди.. Ҳаёт баъзан хаёллар, орзулар билан ҳисоблашмаса, эҳтимол. Лекин дунёда ёрқин ҳикоялар, хаёллар, орзуларсиз яшаб бўлмайди! Полиздаги жонсиз қўриқчидан чайла ёнидаги ўқариқда қовун қирқиб ўтирган кекса дехқоннинг фарқи шундаки, у қушларни полиздан ҳайдайтганида ҳам, уларнинг қандай енгил учишини завқланиб томоша қила олади..

* * *

Султон пассажир поездиде йўлга чиққанди.

Тун пардаси осилган ойнада энди аҳён-аҳён йилт этган чироқлардан бўлак ҳеч нарса кўринмас эди. Поезд ҳамон илдам босар, вагонда фонуслар хирагина нур сепарди. Одам кўп. Одамлар билан уларнинг соялари қоришиб, бир маромда вазмин чайқаларди.

Султон қандайдир чол-кампирнинг ёнидан жой олганди. У ҳамон ойнага ўйчан тикилиб ўтирас, фақат ора-сира одамларга кўз қирини ташлаб қўярди. Рўпарада ўрта ёшлардаги эркак, аёллар тизилишганди. Сал нарида уч-тўртта ўсмиirlар — отасининг уйига келиб қолган тантиқ ўғиллардек, бемалол карта сузишар, алланималарнидир тинмай ғўнғирлашишарди. Улардан нари томонда ёшгина жувон бола эмизиб ўтиради:

икки-уч соатдан буён нечундир кўксини боланинг оғзи-дан олмасди. Бери томонда афти-ангоридан қотирилган балиқни эслатган бир киши ялпайганди; кўзлари сузилган, мудраябдими, уйғоқми, билиб бўлмас ёди...

* * *

Йигитлар поездга қачон минишганини Султон сезмай қолганди...

— Кечирасиз, андак сурилишнинг иложи йўқми?!—
Бу савол кимга тегишли бўлса?! Султон бошини кўтарди.

Йўлакда бири новча, бири паст бўйли — икки йигит туришарди. Новча йигитнинг қўлида катта тугун, нариги йигитнинг қўлида чамадон бор ёди. Улар Султонга мурожаат қилишганди.

Султон индамай ёнидаги чол-кампир томон сурилди. Новча йигит тугунни оёқ остига ташлаб, тахтадан жой слди; иккинчи йигит чамадонни ўртага қўйиб, ўшанга омонат ўтира қолди.

Султон қайтиб ойнага юзланди... «Булар Асакада ёки Кўқонда поездга минишган бўлса керак...»

— Кечирасиз, мабодо сиз тошкентлик эмасми?!—
Бу савол энди шубҳасиз Султонга тегишли ёди.

— Мен... Йўқ...— бошини чайқади Султон. У кўнглида танҳоликка мойил ёди. Аммо...— Тошкентга борябсизларми?!— қизиқсинди беихтиёр.

— Тошкентга...— деди новча йигит.— Иўлни билмаймиз. Олдин бормаганмиз...

Султон яна ойнага юзланди... Унга боя новча йигитнинг дадил келиб жой олгани-ю, паст бўйли йигитнинг новчага соядеккина эргашгани унчалик ёқмаганди. Энди эса бехосдан буларнинг сoddадиллиги, очиқлигини ҳис этди. Уларни қандайдир ташвиш йўлга бошлаганини ўйлаб, кўнгли алланечук ачишиди... Бу йигитлар ҳам балки хизматга кетишаётгандир...

— Тошкентдан жўнайсизларми бирон ёққа?— сўра-ди Султон.

— Ҳозирча...— ўз-ўзига гапираётган оҳангда, бир оз нохушроқ кўйда сўзланди новча йигит.— Ҳарбий мактаб бор дейишиди. Тошкентдан ташқарида...

Султон донг қотиб қолди. У йўлда ўзи билан қисма-ти бир кишиларни учратиши оддий, табиий ҳол эди. Аммо бундай тасодиф...

— Мен ҳам ўша ёққа кетябман,— деди Султон.— Лекин мактабни мен ҳам билмайман...

У буни осоишталик билан айтди. Аммо йигитлар... бирдан ҳаяжонланиб, шунақсанги суюнишдик!.. Улар Султон ҳам йўл билмаслигига аҳамият беришмади. Аксинча, унга дарҳол, майли, ҳечқиси йўқ, бирга экан-миз, Тошкентга етиб олгач, нарёгини бир амаллармиз, дейишиди. Кейин, одамлар суриштириб Маккани топишган экан, деб кулишди... Йигитлар учун, чамаси, янги бир ҳамроҳ топилганининг ўзи қувончли эди. Елка — елканинг тафтини сезади!

Султон ўзини ёлғиз сезаётганди. Йигитларнинг кайфияти энди унга ҳам юққандек бўлди...

* * *

Йўл, мақсад бирлиги тез фурсатда Султонни йигит-ларга, йигитларни Султонга яқин қилиб қўйди. Бир-бирлари билан танишишиди. Новча йигитнинг исми Иброҳим, паст бўйли йигитнинг исми Латиф эди. Иброҳим комсомолда ишлайди. Райкомда. Латиф мактабда. Географиядан дарс беради.

Йигитлар ўз навбатида Султоннинг касби кори би-лан қизиқишиди. Султон ўзи тўғрисида гапиришни ёқ-тирмасди. У ўзининг шоирлигини камтар баҳолар, халқ-ни, унинг тилини улуғларди. Шу боисдан бир пайтлар: «Ўзбек тили — музика; биз унга янги овоз...»— деган сўзларни ёзган эди. Институт муаллимларини қўпчилик «катта мударрис» деб билишар, шу сабабдан Султонга

бу ҳақда гапириш ҳам мақтанишдек бўлиб туюларди.
У йигитларга: «Мен ҳам дарс берардим»,— деб қўяқолди.

* * *

Улар тунни шунчаки вагонда ўтириб, уйқусиз ўтказишди.

Кун ёришиб, ойнада қуёш порлагач, Султон биринчи марта йигитларга яхшироқ разм солди. Буларнинг иккиси ҳам ундан анча ёш, тахминан энди йигирмалардан ўтишган эди. Иброҳим узун пальто кийиб, бошига андак олифтароқ намойишда кепка қўндиранди. Юзи буфдоиранг, қошлари худди бўялгандек қалин, кўзлари катта, чиройли эди. Латиф одми фуфайкага ўранган, бошига ёздагидек чуст дўппини бостириб кийганди. Икки юзи лўппи, кўзлари тимқора, афт-ангорида, нигоҳида шу қадар мўминлик бор эдикни, бундай кишиларни одатда, нимадир гуноҳ қилиши хаёлга сифмайди, дейишади. Йигитлар ҳам Султонга разм солгандек бўлишди. Бир қараашдаёқ, Султон тоза-озода кийиниш, сипо юришга одатланганини пайқаш қийин эмасди. У оқ кўйлак устидан қора костюм кийган, қора бўйинбоғ таққанди. Бошида қоракўл телпак; пальтосини тиззасига ташлаб ўтирас, обёғида янги мойланган этик ярқирап эди. Бутун намойиши билан Султон, хизматга бораётган аскар эмас, байрам куни томошага чиққан зиёли йигитчаларни эслатарди. Бўйи ўрта, аммо бир оз қорин қўйган, кўзлари хаёлкаш, юзи андак қонсиз, юзига қараганда бурни сал катта, оғзи эса кичикроқ, ўзи умуман малоҳатли, ёқимтой эди...

* * *

Поезддан одамлар йўлларда бирин-сирин тушишиб, вагон сал бўшаб қолди. Йигитлар Султонга рўпара ўринни эгаллашиди — Иброҳим оёқ остида ётган тугун-

ни тахта устига олиб, диванга ўтиргандек ҳорғин суюн-қиради; Латиф, аксинча, устозлар даврасига кирган шогирддек, тахта четига ҳам қисиниб, омонатгина ўтириди. Кейин улар вагон бўшаганидан фойдаланишиб, оз-оздан мизфиши; йўл хизматчисидан қайноқ сув олиб, чой ичишиди...

Кеча бир қур танишиб олишгач, сукутга чўмишганди. Султон индамас, йигитлар ҳам чурқ этишмас эди.

Султон йўлга чиққан пайтдагига нисбатан анча осо-йишталик туйган, аммо шунга қарамай, у энди уйидан узоқда илк дафъа — уруш, бу сарсон-саргардонлик қа-чон тугаши, қандай воқеалар рўй бериши тўғрисида одатдагидан кўпроқ ўйлашга мажбур эди. Бундан бў-лак... Мактаб қаерда жойлашган ўзи?! Мактабда улар-ни нималар кутябди?!— шулар ҳақида унинг ўйламас-лиги мумкин эмасди. Йигитлар кеча ўзларини ниҳоят-да осойиша тутган бўлишса-да, уларни ҳам шунга ўх-шаш муаммолар тарк этмагани аниқ эди.

Ниҳоят... Султоннинг ҳамроҳлари иккиси ҳам сами-мий, дилкаш йигитлар экан. Латиф мулоим, беозор. Иброҳим босиқ, ўқтам... Латиф асосан икки мавзуда гапиришни ёқтиаркан. Биринчisi — уйи; иккинчisi — география. У Султон билан юракдан бир оз суҳбатлаш-гиси келгандек бўлди.

— Бизнинг уйимизни кўрмагансиз, Султон ака,— деди Латиф нечундир хижолат чеккан оҳангда.— Шундоқ дарвозамиз олдидан сув ўтади. Атроф чиройли. Уй-жойимиз ҳам... Чорбоғимиз бор. Лекин чол-кампир қа-риб қолишган. Мени эшикда пойлаб ўтиришади...— У бир нафас жим бўлиб қолди. Кейин, яна ўйчан пичир-лади:— География ажойиб фан. Тоғлар. Дарёлар...

Латиф шу икки мавзуда анча гапириб ўтириди. Унинг соддадил кўйда, бир-биридан узоқ шу икки мавзуда нега бирини олиб, бирини қўйиб гапиришини билиб бўл-мас, афтидан Латифнинг бутун ҳаёти шу мавзулардан тўқилгап эди. Иброҳим бу суҳбатга аралашмади. У

фақат бир гал кулимсираб, ўзича Латифнинг: «Тоғлар. Дарёлар...» — деган сўзларини такрорлаб қўйди...

Султоннинг ёнида йўл бўйи чўнқайишиб ўтирган чол-кампир поезддан тушишга ҳозирлик кўришиб, учтўртта халта-тугунни қўлларига олишди. Латиф гапдан тўхтаб, шу пайт ўрнидан ирғиб турди. Чол-кампирни кузатиб қўймоқчи эканини билдири. У халта-тугунларни кўтарганча, худди ўз ота-онасига хизмат қилаётган ўғилдек беминнат, ҳаттоқи андак итоаткорона кўйда вагон эшигига йўналди.

Иброҳим уларга орқадан тикилиб қолди.

— Йккимиз бир қишлоқдан. Латиф кексаларга меҳрибон! — деди у. Сўнг вагон ойнасидан перронга қарди. Нари-бери юрган ҳомилали бир аёлга кўзи тушиб, унинг юзида қандайдир ўқинчми, изтироб акс этди:— Бечорага қийин...

Султон йигитлар тўғрисида беихтиёр ўйлади: «Иброҳим уйланган, Латиф бўйдоқ бўлса керак!» Бироқ у Иброҳимга бу ҳақда индамади.

Латиф уларнинг ёнига қайтиб келди.

— Менга, ҳали уйга бир кириб чиқишимиз ҳам мумкин, дейишди... Ўқиш битгач.. Мен-ку, кетавераман, лекин чол-кампир...

— ...Эшикда пойлаб ўтиришади. Шунақами?! — деди Иброҳим бу гал Латифга истеҳзо билан. У дўстига кескин танбеҳ берди:— Сен бир гапни кўп қайтараверма, оғайни. Ҳамманинг дарди ўзига етарли. Сен нима, Султон акани ёлғиз деб ўйлайсанми?! Мен-чи?! Биласан, хотиним, бўйида бола, ийғлаб қолди... Ҳали сенинг орқангда бирор ростакам чирқиллаб қолгани йўқ.., Ота-онанг эшикда ўтирса ўтирибди-да. Районга борсанг ҳам ўтираверарди... Одамни қийнаб юборасан баъзан...

Улар шундан кейин яна сукутга чўмишди...

Поезд кун оққанда Тошкентта етиб келди.

Султонга Тошкент ҳамиша анжуманлар, қурултойлар, қызғын учрашувлар, гаройиб томошалар шаҳри бўлиб туюларди. У шундай таассуротда вокзалга кириб борди.

Иўқ, Султон бу гал пойтахт шаҳарга бошқача тарзда келгани сингари, пойтахт шаҳар ҳам энди ҳар қачонгига ўхшамас эди. Шаҳар қопқаларидан бири бўлгалик вокзалнинг ўзидаёқ бесаранжомлик кўзга ташланарди. Бу ер бузилган ари иинни эслатарди.

Ҳамроҳлар юкларини кўтарганча, сурилиб-суриниб вокзал олдидаги майдонга чиқишиди.

Султонга бу майдон ҳам файзсиз туюлди. Катта ташвишлар сабабли энди майда-чўйдага деярли эътибор қилинмай қўйилган эди. Унда-бунда чиқинди-ахлат уюмлари. Атроф лой, ифлос, янги, кўркам иморатларга хунук йирик доғлар чапланган эди. Иморатлар пештоқида шиорлар ёзилган алвонлар ҳилпирарди. Аммо эски бир бино пештоқидаги шиорда: «Ватаннинг бошига жиддий хавф тушиб турган ҳозирги кунда...»— деган сўзларнигина ўқиш мумкин; гўёки хавфдан дарак бергандек, алвоннинг пастки томони шамолда ўралиб қолган эди. Тахта деворларга фронтга ёрдам тариқасида уюштирилган концерт афишалари, бўёғи ўчмаган пла-катлар, ишга таклиф этувчи қандайдир эълонлар ёпиштирилган, булар ҳар ҳолда кишига руҳ бағишлиар эди. Султон майдонда одамлар шошқин кезишаётганини ҳам кузатди. У аёлларнинг одми қора либос кийишиб, тўп-тўп ишга кетишаётганини олдинлар кўрмаган, эҳтимолки, кўрганда ҳам бунга диққат қилмаганди. Майдондан бир неча тўп шундай аёллар ўтишди, иккинчи смена ишга боришаётган бўлса керак...

Тошкент осмонида парча-парча, узинди булутлар юзишар эди. Ҳаво нам, совуқ, совуқ...

* * *

Улар ундан-бундан шүл суриштира бошлашди. Қоғозда адрес белгиланган, аммо бу қаер экапини улардан ҳеч ким билмас эди. Иброҳим Султон биләп ёнма-ён қадам ташлар, у Тошкент түғрисида ҳам, йўл түғрисида ҳам индамай борарди. Латиф эса булардан салсрқада судралар, ҳар дамда юксак иморатларга анграбий қаарди. У фақат бир гал мулойим, беозор гудранди.

— Тошкент яхши экан. Чиройли...

Уларнинг ҳадеганда мушкули осон бўлмади. Кун кетиб қолган, кечгача ҳар қалай манзилга етиб олиш керак эди... Ниҳоят, Султон ўз билгича йўл бошлайвенишга қарор қйлди...

* * *

Улар трамвайга минишиб, шаҳар этагига боришли. Қейин бошқа бир поездга ўтиришиб, яна бирон соатча йўл босишди.

Поезд уларни беш-ўнта пастак бниодан иборат, янги қишлоқларни эслатган қандайдир гўшага олиб келди. Султоннинг йўл билиши ҳам шу ерда тугади.

Йўлни аниқлаш мақсадида, ҳамроҳлар, рўпарадаги гиштдан тикланган, қадимий ҳаммомларга ўхшаш залга киришли. Зал бадбўй ҳидга тўлган, қоронфи эди. Бир бурчакда уч-тўрт киши совуқданми, очиқиш белгиси бўлган хасисликданми, дир-дир титраб, ниманидир кавшаб ўтиришарди. Бошқа ҳеч ким йўқ; эшиклар, дарчалар берк.

Қайтиб ташқарига чиқишли. Уларнинг ҳам энди аллақачон ичаклари сурнай чала бошлаганди. Латиф, чамаси, очликка айшиқса, тоб-тоқат қилолмасди. У, бозорда хўрозқанд сўраб отасини безор қилган боладек-чижшига тушганди.

Охирин бирон ерда овқатланиб олиш, кейин яна йўл сурнштиришга қарор қилиши...

Кўчаларни икки-уч айланишиб, ҳеч қаердан уйда ўзларн одатланишган иссиқ опқатнинг дарагини топишолмади. Кўчалардан чеккада фариғина чойхона кўзга ташланарди: ноилож шу ёққа киришди.

Чойхонадаги юқори сўрида бир неча қариялар ўтиришар, товуш чиқармай алланималарнидир муҳокама қилишарди.

Иигитлар эшик яқинидаги сўридан жой олишди. Латиф чамадондан патир, пишлоқ чиқарди. Султон ўз чамадоидан кулча, қайнатилган картошка, тухум олиб, дастурхонга қўшди. Дастурхон тўкин, уларни уй-уиларида сўнгги марта сийлашган эди.

Чойхоначи уларнинг ёнига келди:

— Сув бор. Лекин қуруқ чой йўқ. Хафа бўлмайсизлар...

Латиф фуфайкаси чўнтағидан ёзуви, эски қогозга ўроғлиқ қуруқ чой чиқарди. Чойхоначи худди ўғирлик мол билан қўлга тушган одамдек қисиниб, чойни олди. У дарров патнисда икки чойнак чой кўтариб келди.

Султон ҳар эҳтимолга қарши қарияга ўзлари боришаётган манзил тўғрисида сўз очди.

Қария яна қисингандек бўлди.

— Айтишим қийин. Ҳаммаёқ аскар. Фронт...— деди у. Қейин негадир шарт бурилди; чойхона тўридаги Сталиннинг ҳарбий усти бошда тушган каттакон расмига ишора қилди.— Ҳозир бутун юрт ҳарбий кийган, болам. Фронт...— Шундан сўнг қария ўзининг сиёsatдон эканидан мамнунланибми, жилмайиб қўйди ва яна бундай гап қилди:— Қидирган топади. Хафа бўлмайсизлар...— У юқори сўридаги чоллар томон кетди.

Султон чойхоначига зимдан тикилиб, яхши чол экан, ўзбек, содда, деб ўйлади. У чойхонани кўздан кечира бошлади. Ўзбекистонда доҳийлар расми қўйилмаган, деворларига ҳар хил плакатлар ёпиширилмаган чой-

хона — чойхона әмас. Бу ерда ҳам Сталиндан бўлак, Ленин ҳаётига бағишланган бир неча расмлар бор эди. Орқа деворда учта плакат. Бирин пахта тўғрисида, иккинчи — пилла. Учинчи плакатда ёнаётган кулба, ерда ётган мурдалар, булар фонида худди ўт ичидан чиққандек бошдан-оёқ қизил кийган аёл тасвирланган; плакат тепасига: «Фашизм — хотин-қизларинг энг ёвуз душманидир!»— деган сўзлар ёзилган эди. Султон плакатга қараб, негадир Тошкент вокзалида ўзи кўрган тўп-тўп ишга кетишаётган одми, қора либосдаги аёлларни эслади.

Латиф ниҳоятда меҳмоннавоз экан. Пишлоқни бурдалаб, тухум, картошкани дарҳол арчиб қўйди. Сўнг патир билан қулчани ҳам ушатиб, дўстларига меҳрибон қаради:

— Қани, олинглар...

Султон бир тишлил патирни оғзига солди. У чойхонани ҳамон кўздан кечираётib, бехосдан дераза томондаги хонтахта устида йиртиқ-сиртиқ журнallар ва қандайдир газета ётганини кўрди. Газета ҳам эскимикин ёки... Урндан туриб, хонтахтага яқинлашди... Газета янги, шу кунги эди.

Султон ўрнига қайтиб, чой ҳўплаётганча, газетани очди. У энг аввал биринчи саҳифада босилган материалларга қизиқсиниб кўз югуртирди. Бу саҳифада муҳим сана — Қизил Армия ташкил топган куннинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган жанговар чақириқлар эълон қилинганди. Худди шу саҳифада, одатдагича қисқа-қисқа Информбюро ахбороти ҳам берилган, булар орасида жумладан, бундай сатрларни ўқиш мумкин эди:

«21 февралга ўтар кечаси бизнинг аскарларимиз немис-фашист аскарларига қарши кескин жанглар олиб бордилар...

Немис-фашист газандалари Смоленск области Дзержинский районидаги Малое Балиштово қишилогидан че-

кинаётіб, майиб-мажрух кишилар — М. В. Маринчов ҳамда унинг хотини М. В. Маринчоваш, буларнинг норасида болаларини ертұлага қамаб, ёқиб юбордилар. Болалардан Иван 10 ёшда, Пётр 6 ёшда, Владимир бир ярим ёшда ва Леонид иккى ойлик эди...»

— Олинг, Султон ака...

Султон ўқишдан тұхтаб, тамадди қилишга қанчалик уринмасин, фойдаси йўқ, энди томогидан ҳеч ңарса ўтмай қўйган эди.

У ҳар куни албатта газеталардан Информбюро ахборотини ўқиб борарди. Бироқ бугун ахборот уига бошқача таъсир этди. Уйини бир оз унута бошлаганди, эслади. Ҳалиги тўртта норасида ўринида унинг кўз олдига лоп этиб ўзининг тўртта фарзанди келди. (Моҳира болалар билан нима қилаётган бўлса?! Менинг Йлҳомим андак ўзига келганмикин!?) Шунинг баробарнида, Султон, қизиқ... ертўлада қолган норасидалар тўғрисида болаларимга ётифи билан гапириб беришим керак эди, эҳ, аттаганг, ҳозир бунинг сира иложи йўқ, деб сал ўқинди. Бундан ташқари, уйидаги ичкари хонада, ёзув столи ёнида ўтириб шеър ёзишни ҳалитдан нечундир қаттиқ қўмсаётгандек бўлди.

Иброҳим ўртоқларига ортиқча эътибор қилмай, бемалол овқатланди. Кейин Султондан газетани олиб, бошдан-охир, шошмасдан кўриб чиқди. У хаёлга, ҳиссиятга бериладиган йигитлардан эмас. Унинг юз-кўзида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

— Олинг, Султон ака,— яна илтифот кўрсатди Латиф.— Патир билан пишлоқдан... Олинг...

Султон энди бари бир кўнгилдагидек тамадди қилол-маслиги муқаррар эди. Унинг юрагидаги осойишталик қайтиб барбод бўлган, юрагида олдин туйилмаган катта, чексиз бир нотинчлик уйғонганди. У ўзини зўрлаб, бир-икки пиёла чой ичди холос. Чўнтағидан папирос чиқарди.

Латиф ниҳоят болаликдан етишмовчиликни кўп кўр-

ган пишиқ-пухта одамларга хос бир намойишда патнис-даги қолган-қутган емишни териб, чамадонга солди. Сұнг истиқола аралашған дадил күйда Султонға мурожаат қилди:

— Папироңдан мумкін бўлса... Үзи чекмайман, лекин...

Султон Латифға қутини тутиб, Иброҳимга ҳам таклиф қилди.

Иброҳим бошини чайқаб, ўз-ўзига гапираётгандек оҳангда тўнғиллади:

— Мен умримда чеккан, ичганим йўқ. Авлиё деяверрасиз...

* * *

Ново Черкасскийдан кўчирилган отлиқ аскарлар мактаби паст-баланд қирлар орасида жойлашганди. Осмонга тулашиб ётгандек туюлган каттакон дараҳтзор этагида мұваққат қурилған бинолар ва бир қатор чодирлар кўзга ташланарди. Чодирларда чироқлар милитирап, кўрпа-тўшаклар ёзилиб, туника пеккалар ўрнатилған эди. Бу ерда ўқишига келган, аммо ҳали мактабга қабул қилинмаган йигитлар туришарди. Фовур-шовур. Бирлари оддий, бирлари аскарча кийимдаги юзлаб йигитлар бино ва чодирлар атрофида нимадир юмушлар билан кўйманишар эди. Фақат, ҳув минорадаги пособон йигит шамдек қотган...

Янги келган йигитлар чеккадаги чодирни эгаллашди. Бу чодирда иккита похол кўрпадан бўлак нарса йўқ эди. Совуқ. Андижонда бўлганидан ҳам, Тошкентдагидан ҳам бу ерда совуқнииг шашти баландроқ эди. Султон Иброҳимга иисбатан Латифнинг жонидан кўпроқ аёз ўтганди. У чуст дўипили бошини тинмай лиқиллатар, тиши-тишига тегмай такилларди...

Ҳамроҳлар ўзлари эгаллашгай чодирни наридан-бери тартибга келтиришди. Иброҳим худди бутун шартшароитни олдиндан билгандек тугунда кўрпа кўтариб

келган әкан; жой түшади. Қейин жилла исиниш учун атрофдан хас-хашак йиғишиб, чодир олдида кичик бир гулхан ёқишиди...

* * *

Султон йўлда ҳар нарсадан кўпроқ манзилга етиб олишни ўйлаганди. Мана, манзил... Бироқ инсон бир мақсадга эришгач, унинг кўнглида янги мақсадлар туғилавераркан. Ҳозир ҳам...

У ўзининг уйдан узоқдаги ҳаёти бошланаётган манзилда кўнгли бардошсиз кўйда олдинга чопаётганини ҳис этди... Тезроқ мактабга қабул қилишса! Тезроқ ўқишилар битса! Тезроқ фронтга жўнашса! Тезроқ фалокат уруш тугаса! Тезроқ! Тезроқ!..

Султонни энди осоишишталик буткул тарк этганди. У ўзини қанчалик қўлга олишга уринмасин, бунинг иложи йўқ эди... Унинг юрагида уйгонган нотинчлик худди аниқ бир жисмга айланиб, дам сайин ўсиб бораётганга ўҳшарди. Йўлда, чойхонада эслаганидан бери уйи хаёлидан кетмас эди. Қизрасининг бетоблиги. Моҳира... Энди нечундир шеърларини Хўжақулга қолдирганидан ҳам қаноат ҳиссини тўймас, уларнинг тақдиридан ҳам кўнгли тўқ эмасди... Уйи, шеърларидан бўлак, яна... ўша, таниш ўйлар... уруш, бу сарсон-саргардонлик қачон тугайди?! Келгусида қандай воқеалар рўй бераркини?!

* * *

Иброҳим билан Латиф кўп ўтмай чодирга кириб, уйқуга кетишиди.

Султон гулхан ёнида ёлғиз қолди. У ҳаддан ташқари толиққанига қарамай, дарров ухлагиси йўқ эди. Осмонда юлдузлар чарақларди. Ҳўл ўтин вижиллаб-буруқсига ёнар, учқунлар ҳам ҳар дамда юлдузлар сингари саҷарарди. Олам сокин, бутун борлиқнинг ўзи хаёлга чўмгандек эди...

Эслаб кетдим гулхан —
Ичра ёнганинг...

Султон фашизм дунёда эндиғина бош күттарган пайтлар римлик машхур мунажжим Жордано Брунога бағишилаб достон ёзганди. Гулхан ёнида ўтириб, у беихтиёр ўзининг ўша суюкли қаҳрамонини эслади. Бундан уч аср муқаддам яшаб ўтган Бруно руҳонпий-роҳиблар томонидан ўтда ваҳшиёна куйдирилганди...

Сана — минг олти юз,
Февраль одоги...

Машъум воқеа худди ҳозиргидек февраль ойининг сўнгги кунларида содир бўлган эди.

Коперникка шогирд тутинган Брунонинг ҳаёти дарбадарлиқда, қувфинда ўтганди. Ў бир умр: «Эҳ, сен Италиям, туғилган ерим!»— деб сифинган она юртига келганида, уни жоҳиллар тўғри «тирикларниңг сокит мозори»— зиндонга ташлашган, зиндондан гулханга отишганди.

Сира унтарми
Бир кунни башар?
Римнинг тарихида
Қолур қора доғ...
Бутхоналар хуррам
Чалур қўнгироқ.
Сира унтарми
Бу кунни башар?..

Султон достон ёзилганидан бўён ўтган йиллар ичida асарнинг кўп сатрларини унугланди. Бошдан-охир достонни эслаб, уни ўзича ўқимоқчи эди, бўлмади. «Майдон. Тундек жимжит...»— деган бир сатрни такрорлаб қўйди ва шунчаки яна бир неча сатр ёдига тушди:

Буюк минорадек
Қаланмиш ўтин.
Ана, чиқарилди
Шунда «гуноҳкор».
Минор тепасида
Занжирли устун,

Ана, боғләдилар,
Ана, ўт, тутун...
Гулхан...

Султон гулханга тикилганича, чуқур хўрсинди... У институтда қора кўз талабалари билан «Бруно» достони устида кўп фикрлашганди; шу суҳбатлардан бирини эслади...

— «Бруно»ни ўқидик, муаллим... Айрим мулоҳазалар туғилди...

— Эшитаман...— деди Султон.

— Сизни олимнинг фожиали тақдирин асар ёзишга ундадими?

— Шундай дейишимиз мумкин... Кечмишда кўп фан, маърифат кишилари фожиали ҳаёт кечиришган...

— Шарқда ҳам буюк мунахжимлар йўқ эмасди. Сиз нега Брунога мурожаат қилдингиз?!

— Ҳамма нарса ижодкорнинг кўнглидаги мақсадга боғлиқ,— деди Султон. У аудиторияда нари-бери юрганича, суюкли талабалари билан ўз фикр-ўйларини бафуржка ўртоқлаша бошлади.— Мен Бруно ҳаёти билан илк танишганимда, ҳалқимиз ундан бехабар эканини ўйлаб, ўқиндим. Бизда, фанга, фан кишилари ҳаётига бағишлиланган китоблар ҳали оз!.. Аммо фожиали тақдир ҳақида ҳикоя қилиш ёки бу ўқинч асарнинг асосий мақсади бўлолмайди... Менинг диққатимни Брунонинг ўзидан ҳам кўпроқ у яшаган давр фожиаси жалб этди. Ушанда руҳоний-роҳиблар ҳукмронликни қўлга киритишиб, дунёда нимаики эзгулик бўлса, унга қарши чиқишиган. Фақат Жордано Бруно эмас, яrim аср орасида элликдан ортиқ маърифатпарвар киши ўтда куйдирилган... Хўш, тарихдаги бу манзарани эслашдан муддао нима, дерсиз?! Бугунги кунда фашизм ҳукмронликни қўлга киритмоқчи бўлябди. Франко, Муссолини, Гитлер номлари қулоққа чалиниб, қонимизни бузябди... Фашизмнинг биз эслаган руҳоний-роҳибларга дахли нима?! Фашистлар худди ҳалиги руҳоний-роҳиблар син-

гари майдонларга байрамона тантанавор йўналиб, нодир китобларга аёвсиз ўт қўйишиябди; инсонни ўйлашдан маҳрум бўлган маҳлуққа айлантиришин исташябди... Тасодифий, аммо қизиқ бир фактга эътибор қилинг... Мюнхен — Гитлер қомат тиклаган шаҳар, қачоилардир монахлар-руҳоний-роҳиблар уяси бўлиб, шаҳарнинг номи «монахлар» сўзидан олинганд... Демак, ўтмишдаги фожия бугун бошқача шаклда тақорланябди. Брунонинг порлоқ руҳи эса бизни дунё тақдирига бегам-бепарво қарамасликка даъват этябди...

Султон талабаларига ўз фикр-ўйларини янада кучлироқ юқтириш мақсадида шу сўзлардан сўнг уларга достондан бундай сатрларни ўқиди:

Карвон каби ўтди
Роса уч аср,
Бироқ ҳали Римда
Ҳамон ваҳшыйлик.
Бомбей майдонида
Кезади ҳали
Уша одамкушлар
Халқдан қон шимиби.
Ҳали қимирлайди
Уша роҳиблар.
Фақат номи энди:
Фашист — кушанд...

* * *

Улар эрталаб уйқудан уйғонишиб, чодирдан ташқа-рига чиқишиганида, ҳаммаёқ қордан оппоқ оқарган эди.

Ҳамроҳлар кечака атроф-манзарани яхшироқ кўздан кечиришолмаганди. Бу ерда катта-кичик чодирлар йи-гирмага яқин, сал наридаги казарма бинолари таҳмисиан ўнтача ёғоч уйдан иборат эди. Атрофда асоссан акация дараҳтлари. Биноларни ёнлаб ўтган чуқур ариқ қорга бурканган дараҳтзор томон бурилиб кетган. Олисларда тизма тоғлар қорлару туманлар бағрида худди оқ қоғозга ингичка чизилган пирамидаларни эслатади...

Улар ёима-ён чодирларда турган йигитлардан анда-за олишди — ариқдаги музни ёриб, ювиниб-тараниши-ди. Бундай пайтларда кишилар тез тил топишишади; печка ёқилган құшни чодирга кириб, алюмин кружка-ларда чой қайнатиб ичишди.

Уларга бугун ҳам ўз чодирларида қолишга түфри келди. Бироқ Қызыл Армия ташкил топған күн — бай-рам бұлғанидан, күп ўтмай бутун чодирлардаги йигит-лар бир-бирларни сұроқлашиб, ўзлари уйдан олиб келишган совға-саломларни катта дастурхонларга тү-кишди. Ҳаёт ҳамиша ҳаёт, байрам ҳамиша байрам. Чодирларда кечгача суҳбат, яхши кайфият давом этди. Құпгина йигитлар қогоз-қалам топишиб, уй-уйларига мактуб йўллашди. Үмуман, аскарча ҳаёт бошланган-дек эди...

Уларни кейинги кунлар мактабга қабул қилишдп.

Сочларини устарада олдиришиб, ҳарбийча кийди-ришди. Ёнма-ён чодирлардаги бошқа йигитлар қатори улар ҳам казармаларга кўчиб киришди...

ЙҰЛ

Аллақачон баҳор келганига қарамай, бу ерда ҳаво яқин ўртада очиладиганга ўхшамас, әмғирсиз-қорсиз күн йўқ эди...

Кўп ўтмай мактабда ўқишилар бошланиб кетди. Мактабдаги шароит уруш бораётган даврга мос, оғир эди. Аскар йигитлар жойлашган хоналар баъзап куноралаб, баъзан икки-уч кунда бир ёқиларди. Ҳаво эса совуқ...

Кунлар бир-бирига ўхшар, тонг қоронғисидан алла маҳал тунгача машғулотлар, машқлар олиб бориларди. Мактаб ўн-үн беш километр чамасидаги катта майдонни эгаллаганди. Қазарма биноларидан уч-тўрт чақирим нарида олди очиқ қатор бостирмалар бўлиб, буларда мактабга тегишли отлар сақланарди. Йигитлар деярли ҳар куни далада машқлар ўтказишар, сўнг отларни суғориб, ювиб-тараб, бояги бостирмаларда қолдиришганча, пойи-пиёда ётоқхонага қайтишарди...

Султон совуқдан, қор-әмғирдан, қор уриб ёки әмғир чеялаклаб қуяётганида ҳам мунтазам ўтказилган машқлардан бу ерда жуда қийналіп қолганди. У шоир бўлгани учундир, ҳаётда ўзини ҳамиша кучли, матонатли ҳис этган, ҳаёт ўйлида нимаики машаққат дуч келса, енгишга ҳаракат қилганди. Аммо Султон умрида ҳарбий ҳаётни кўрмаган, бир куни бундай шаронтга тушиби мумкилигини хәёлига келтирмаганди. У кўпинча совуқдан дийдираб, ҳўл-шалаббо намойишда даладан ётоқхонага қайтишаркан, ўзича, қани тинч давр бўл-

са-ю, ўчоқ ёнган бир кулбага кириб, күнгилдагидек исипшіб олсанг, ҳордиқ чиқарсанг, деб ўйларди. Унинг бу тўғрида беихтиёр ўйлаши умумаш бекиз эмасди. Қийналишдан ташқари, совуқдан, аёздан қўл-бетлари ёрилгац, от устида дўкиллайвериб, отдан йиқилавериб, бутун бадани яра-чақа бўлиб кетганди. Аммо Султон шу билан бирга, ором-фароғат тўғрисида ўйлашга ҳали эрта эканини ҳис этар, бу тўғридаги ўйларга тезда зарба бергиси келарди... Сен ҳали нима қийинчиликни кўрибсан, йигит!! Фронтга етиб бормаган бўлсанг, урушга кириб, жаҳаннам ўтида куймаган бўлсанг! Сен юзлашадиган мاشаққатлар ҳали олдинда!.. У шундан сўнг ўз-ўзига таскин берарди... Совуқ суюкка сингиб борябди. Майли, чидаймиз! Қорларда қолиб, ёмгирларда ивиябмиз; тарбия кўрмаган баданларимиз мўматалоқ бўлябди. Майли! Чидаймиз! Бизни эртага бу кунгидан мешаққатлироқ ҳаёт кутябди. Майли Чидаймиз! Чидаймиз, вассалом! Инсонни, гулдан нозик дейишарди. Бу учалик тўғри эмаскан. Инсоннинг тани мечти бўлса керак. Инсоннинг ўзи метин!..

Султон уйини, хотини, болаларини соғинар, кўпинча, эр кишининг кўигли қанчалик қаттиқ бўлмасни, айрилиқ қаршисида мумдек эриб кетаркан, деб ўйларди. У ҳар куни уйга бир хат жўнатишга тайёр эди. Аммо ортиқча бош қашишга вақт йўқ; кеча-кундуз хизмат камари бирдек бояланган. Султон одатда дўстлари билан постда навбатчиликда туриб, танаффус қилганида, тунги соат учми, бешми, қоровулхонада ўтирганича, хат ёзишга тутинарди. Постдаги бошқа йигитлар қоровулхонага кириб, шовқин бошлангач, хатни келган жойида тўхтатар, қўлидаги варақни учбурчак шаклида буклаб қўя қоларди...

* * *

«Моҳирам! Эркам! Ҳушрўйим!

Сенга, меҳрибон ойижонга, таъмли-тотли, шириншакар болаларим — Ботирим, Нуриям, Румиям, Илҳомиямга соғинчли саломлар йўллайман. Мени сизлар олти юрак бир бўлиб соғинасиз, биламан. Мен эсам шу олти юракда жойланган чекиз соғинични биргина юрагимга сифдиришиш керак. Ҳамлангизни ортиқ даражада суюман. Сенинг бошингни иссиқ кўксимга қўйгим келади. Ойижонга яхши сўзлар айтгим. Болаларимни қучгим, эркалагим... Хайр, майли, сизлар мен учун кўп қайфурманглар, бу кунлар албатта ўтиб кетади. Бошимизга айрилиқ савдоси тушганига қарамай, бизнинг соғ-саломат эканлигимиз яна бир куни дийдор кўришувга умид чироги эмасми?!

Менинг Илҳомим қалай?! Салгина тузалдими?!
Беланчакдан тушиб, олдингидек ўйнаб юрибдими?!

Турмуш оғир; сенга, ойижонга болалар учун сўз билан ифодалаб бўлмас даражада раҳмат! Сизлардан фақат илтимосим, қандай қийинчиликлар учрамасин, бари бир, имкон борича, болаларни койиб-инжитманглар... Бу кунлар ўтиб, бошим соғ бўлса бас, урушга бориб, қўл-оёқсиз қолган тақдиримда ҳам сиз дилпораларимни яхши кунларга олиб чиқаман. Буниси — мендан!

Қишлоқдан опам келса, салом айт. Сайд хат ёэса, унга ҳам...

Сенинг ишларинг қандай кетябди?! Уйда ўтин тугаёзганди, нима қилдинглар?! Гўшт, гуруч олиш имкони бўлябдими? Ойижон бозорга ҳар бориб қайтишада ёниб-кўйишшини сезиб туриблман...

Бу ерда баҳор бир оз кечикаётгандек бўлябди. Андижонда баҳор бошлиандими?! У ерда балки ўриклар гуллагандир?! Имкони топилса, ҳовли юзини ҳар қалай текислаб, ҳар йилгидек гулларни экаверинглар. Қаршингда гул унса, яшаш кўнгиллироқ бўлади...

*Менга ўзинг, болалар тушган суратлардан юборгин.
Беш-олтита дафтар, тамаки, уи-тўрт қути гугурт. Бошқа
ҳеч нарса керак эмас...*

*Шу кунлар ёзув столимга ўтириб, жон деб биргина
шеър ёзардим-да! Бу ерда шеър бўлмаябди. Ёзсан
ёмон бўлмасди...*

Султон»

* * *

Одатда мактабга уй-уйлардан келган хатлар билан аскарлар уйларига ёзишган мактублар ётоқхоналардаги деразалар остида, аралаш-қуралаш кўйда сочилиб ётарди. Йигитлар навбати билан кунда бир қур почтахонага қатнашарди.

Султон барча сафдошлари снигари ҳар куни дала-дан ётоқхонага қайтгани заҳоти деразага яқинлашишни канда қилмас эди. У мактабга қадам қўйган кунидан буён уйга бир неча мактуб йўллаганди. Аммо биринчи куилар унга уйдан ҳадеганда хат келавермади. Ниҳоят...

Йигитларнинг кимгадир келган хат-хабарни беркитиб, уни олдин ўйинга тушириш одати бор эди; Султонни кўпчилик қуршаб олишибди: Бинта ўйнаб берасиз, Султон ака...

Султон кавказча бир-икки оёқ тепишдан бўлак иложи қолмади. Йигитлар унга бир эмас, бир даста хат топширишибди; олдин ёзилган хатлар ўз вақтида етиб келмаганди.

Султон хатларни ўқиб, кўнгли анча ўсгандек бўлди. Моҳира ундан уй тўғрисида кўп безовта бўлмасликни сўраган, бундан ташқари Илҳомиянинг саломатлиги дуруст эканини хабар қилганди...

Султон ёзган мактубларга шундан кейин ўз вақтида жавоб ҳам келадиган бўлди... У ҳар қачон уйга хат ёзган ёки уйдан хат олганида, ўзини худди ҳовлига кириб бориб, хонадои аъзолари билан сўзлашган, сух-

батлашгандек ҳис этарди. Султон ҳамон кеч тунларда қоровулхонада ўтириб хат ёзар, энди келган хатларни кўпинча ётоқхонадан ташқарида, назарий машғулотлар учун қўйилган айвон остидаги бўш парталарда ёлғиз ўтириб, роҳатланиб ўқирди... У болаларини ўйлаб баъзан, Бухорони, ўз болалик кунларини эслар, баъзан Андижонга хаёлан парвоз этар, энди унинг тасаввурида Бухоро билан Андижон қоришиб, гўёки бир маконга айлангандек туюларди. Баъзан уйи, хотини, болаларини соғиниб, беихтиёр қачондир ўзи ўқиган бир фазал сатри хаёлида айланарди:

Одам эрмас ҳар киши гар айламас ёд Андижон...

Баъзан эса унинг тўлиб-тўлиб қўшиқ куйлагиси келар, бу ерда хонандалик қилишини ўзига кўп ҳам эп кўрмагани-ю, бунга ён-веридаги йигитлардан ийманиш йўл бермаганидан, юрагидаги ҳиссият унинг томогига тиқилиб, томоги куяётгандек бўларди... Азизов дегап самарқандлик йигит мактабга ўзининг дуторини кўтариб келганди. У яхши дутор чертар, майин-ёқпимли товшуда, дардли ашула айтарди. Султон қўшиқ истаб қолганида, шу йигитдан нимадир куйлаб берпшини илтимос қилас, самарқандлик йигитнинг соғинчга багишланган қўшигини ҳаддан зиёд ёқтиради:

Бошқалар ҳам биз каби дийдор кўришга зормикан?..

Аскар йигитлар хат-хабардан бўлак, уй-уйларидан совга-саломлар ҳам олиб туришарди. Мактабда уйдан деярли кунора нон-патир, толқон, майиз, ўрик-ёнгоқ, асал сингари совға-саломлар олиб талтайишни, бошқа йигитларнинг кўзларини ўйнатиб, бизга турмушдаги қаҳатчилик писанд эмас, дегандек унга-бунга тегишиб юришни одат қилган бойваччалар ҳам йўқ эмасди. Султон уларни бир оз нохуш қабул қилас, ўзича, бундай улар билан ўртача турмуши шароитига эга бўлган кишилар орасида тафовут яна кўп йилларга давом этармикан, деб ўйларди. У ўзига баъзан дафтар, тамаки,

гугурт келса кифоя деб биларди. Аммо Моҳира куймануб, бари бир, ҳафтада, ўн кунда саримсоқми, қўй ёғи, қора чойми, топган-тутганини йиғиб, жўнатишни қўймасди. Султон Моҳиранинг бу ишидан кўнглида инжир, уйга йўллаган ҳар бир хатида, мен сизни оч тутиб, кунда совға-салом олишим қандай гаи бўлди, буни бас қилинглар, илтимос, деб ёзарди. У олинган нарсаларни одатда кўпчилик дастурхонига тўкар, ўзи нимадир тановул қилган пайтида, норасида фарзандлари кўзи олдидан кетмай, изтироб чекарди...

* * *

Мактабдаги йигитларни асосан икки тоифага ажратиш мумкин, машқлар, машғулотлардаги қийинчиликлар ҳам икки хил йўсинда эди. Биринчи тоифа — қишлоқ йигитлари бўлиб, иккинчи тоифани (редакцияда ишлаган сураткашдан орденли шоиргача; оддий муаллимдан Намангандан келган область маориф бўлимининг мудиригача ...) зиёлилар ташкил қилишарди.

Қишлоқда туғилиб-ўсан йигитлар ўз ҳаётларида табиий қийинчиликларни кўп кўришгани сабабли, совуққа, қор-ёмғирга парво қилишмасди. Улар болаликдан от миниб юришганидан, отда сирпанчиқ тепаликларга чиқиш, ўнгирлардан, паст-баланд тахта деворлардан сакраб ўтиш сингари даладаги машқларни ҳам энчил бажариб кетаверишарди. Бироқ бу йигитлар яхши билимга эга бўлишмагани-ю, рус тилини пухта биллинимаганидан, соддагина ҳарбий терминларнинг магзини чақишлимас, машғулотларга тушунишолмасди. Зиёли йигитлар тиљ, ўқиши борасида билимдои. Аммо буларнииг совуққа, қор-ёмғирга тоблари йўқ; отга қараш, от устидаги машқларни бажаришда ҳам ўлгудек қийиналишар, дакки ейишиб, хуноб бўлишар эди...

Султон қишлоқда туғилиб ўсганига қарамай, қишлоқдан узоқлашиб, сўнгги йиллар кўпда қўлини совуқ

сувга урмайдыган шаҳарлик йигитларга ўхшаб қолганди. У китобга, билүмга доим қизиққанидан, бу ерда на зарий машғулотларда мақтөв эшитар эди...

Султонга мерганилги, аниқ нишонга ола билиши ҳам мактабда қўйл келди. Бундан бўлак, хатти-ҳаракатлари шаҳарликларга хос ўхшовсироқ бўлса-да, қисқа фурсатда қиличбозликині ўрнига қўя бошлади. Биринчи кунлар совуқдан, қор-ёмғирдан қийналган Султон, ҳаттоки бунга ҳам энди аста-секин кўнишиб қолди... Аммо Султонни кўпгина шаҳарлик йигитлардек отга қараш ва айниқса от устидаги машқлар ниҳоятда қийнаб юборганди. У далада ҳар гал баданига теккан намдан нохуш силтаниб, депсиниб турган отга бир олам ҳаяжон билан яқинлашар, ўзича ғайрат, шиддат билан отни елдиришга шаҳд этарди. Бироқ илк тўсиқдан сакрашдаёқ, оёги узангидан узилиб, ўзи икки букланганча, қорга, лойга думалаб кетарди. Унга шундай пайтларда ўзининг одатдаги шогирдлари тенги — мўйлови эндинина сабза урган офицер йигитлар аёвсиз дакки беришар, баъзан болохонадор сўкиниб ҳам қўйишарди. Султон изза бўлиб, бу кўнглига малол келса-да, ҳар қалай, устозларидан ортиқча ранжимас, уларнинг буига ҳақли эканини тушуниар эди. Кимдир нўноқлик, ношудлик қилган пайтларда кўпинча гуриллаб кулги кўтариларди: уддабурро йигитлар кулишарди. Султон умрида бирмунча обрў-эътибор кўрган киши бўлгани учун ҳам, бундан бехос эзишлар, мана шунисига у ҳаммадан кўпроқ куярди... Султон, йиқилган курашга тўймас, қабилинда иш тутар, асабийлапиб, яша отга яқинлашар ва яна дам ўтмаӣ, отдан учиб, усти боши билан лойга ботарди. Ҳар куни аҳвол шу эди... У ожизлик қиласётганини ҳис этар, лекин шу билан бирга, машқларни тезроқ ўзлаширишин истаб, қандайдир кучанганча, ўзини қийноққа соларди... Беҳуда кучаниш белии синдиради. Бир куни шундай бўлди ҳам...

Султон отни елдириб, биринчи тўсиқдан ҳайтовур

ўтди, аммо иккинчи түсиққа етганда, от негадир ўзини орқага олди ва у ҳар галгидек фақат йиқилиб қолмай, бу гал шикаст ҳам еди...

* * *

Султон анча кун касалхонада ётиб қолди... Умрида бу йўсун касалликни ҳам, касалхоналарни ҳам кўрмаганди. Жарроҳлар бўйни, елкаларини докага чаңдигашлашди. Баданидаги тиртиқларни тикишиб, қўллари, оёқларини ҳам ўраб-чирмашди. Темир каравотга михланди. Иситмалаб, ич-таши ёниб ётар, яқин орада ўрнидан туролмайдиганга ўхшарди... Ташқи азобдан ҳам ичкиси оғир эди. У кундалик машқлар, машгулотлардан қолиб кетгани-ю, энди яна ҳаммасини янгидаи бошлиши кераклигини ўйлар, унга қийинчиликни енгиб ўтолмагани алам қиласарди. Бундан ташқари, бошқа машқ-машгулотларни эплаган киши от устидаги машқларда судралиб қолганини ўйлаб бўгилар, сафдош дўйстларига юзланишдан уяларди.

Орадан бирон ҳафта ўтгач, ҳаволар юмшаб, яхшилана бошлиди. Қасалхонадаги қаддини сал ростлаган беморларни бирин-кетин бинодан ташқарига — дараҳтлар остида турган каравотларга олиб чиқа бошлишди... Султон ўрнидан туриб, беш-ён қадам юрадиган бўлганди. Лекин ҳали мадори йўқ. Боши айланиб, кўзи тинар, кўз ўнгидаги жонсиз нарсалар ҳаракатга кирган-дек туюларди. Уни ҳам ташқарига олиб чиқишиди.

У очиқ ҳавода ўзини анча дуруст ҳис эта бошлиди. Жисмоний азобдан қутулгани сайин, руҳий азоблардан ҳам фориғ бўла бошлиди. Кўм-кўк дараҳтлар, баҳорий тиниқ япроқларга тикилиб, кўнглида олдинлар ҳеч қачон туйилмаган даражада ҳаётга муҳаббатни туди. Кўп нарсаларни ўйлади... Қимгадир ҳаётда балки ҳамма нарса осонлик билан берилар! Аммо у ҳеч қачон ва ҳеч нарсага осонликча эришгани йўқ... Султон илк дафъа муаллимликка қадам қўйған пайтларини эслади.

Муаллим бечора ўшанда эски домлалар хуружидан жон сақлаб, ҳам кичкитойларга дарс бериши, ҳам катталар ичидә саводсизликни йўқотишига ёрдам қилиши керак эди. Бунинг устнага, китоблар, дарслеклар йўқ. Қоғоз-қалам йўқ... Султон адабиётда босиб ўтилган йўлга ҳам назар солди; шароит оғир эди. Бир-бираriga жиққамушт турли оқимлар; ҳали шаклланмаган муносабатлар, қарашлар... Султонга аскарлик ҳаётида ҳам енгил бўлмайди. Унинг ўз-ўзини кемириши албатта ўринили эмас...

Султонни баҳор ҳавосидан ташқари, касалхона ҳовлиснда радио карнайи борлиги севинтирди. У бир неча кун ҳаётдан узилиб қолганди. Бундан бўлак, аскарликка келганидан бўён ора-сира газета-журналларга кўз ташлар, радиони эса соғинган эди... Аммо Султоннинг мамнунлиги узоққа бормади... Диктор деярли ҳар куни фронтларда аскарларимиз қаттиқ жанглар олиб боришаётгани-ю, шаҳар-қишлоқларни ташлаб кетишга мажбур бўлишаётганини хабар қиласарди. Бу — аламли эди. Ахборот тугагач, куй-қўшиқлар эшиттирилар, ҳар хил савияда ёзилган шеърлар ҳам ўқиларди. Султон баъзан нохуш хабарлардан бир ғашланса, тишга тегадиган ҳавои, саёз сатрлардан икки сатр шеъри унинг бенхтиёр лиқкатини жалб этди:

Кўрсат матонат,
Кўрқмай ўлимдан...

Султон каравотда чўзилиб ётганди; бехос ўрнидан туриб кетди... Аскарлар гўёки ўлимдан қўрқишиб, матонат кўрсатишмаябди-ю, шонр буни уларга эслатиб қўяябди! Йўқ, аскар шаънига ҳақоратдек туюладиган бундай шеър ёзиш ярамайди!

Султон аскарлик зиммасига тушмаса, эҳтимолки, ғазабланиб, ўрнидан сапчимасди. У худди ўзини бирор ҳақорат қилаётгандек ҳолатни ҳис этди. Аммо гап фа-

қат унинг иззат-нафсида эмасди. Ҳар бир қарич ер учун қон тўкилаётганида, бундай шеър ёзган қаламни синдириб ташлаш керак! Аскарлар кўп ерларда чекиниш ябди. Лекин уммондаги тўлқин ҳам бир орқага суриниб, кейин зарб билан қирроққа урилади. Бунга ишонмай бўлмайди!..

«Бу шеърни албатта аскарликни кўриб, урушнинг ҳидини туймаган шоир ёзган,— ўйлади шу куни Султон.— Ҳавойи, саёз сўзлаш эса худбинлик, манфаатпрастликнинг ниқобидир!» У ўқишига келишдан олдин кичик бир воқеа рўй берганди... Андижон шаҳри марказидаги нон магазини эшигига одам кўп, улар навбат олишиб, уймалашиб туришар эди. Кафтига рақам ёзилган ёш болалару болага айланган кексалар, аёллар... Каёқдандир уч-тўртта барзангি йигитлар келишиди. Улар навбатда турғанларни, бу аёл экан, бу кекса, бу бола экан, деб авайлаб ўтирмасдан, тирсаклари билан дағал туртишиб, bemalol эшик яқинига бориб олнишиди...

Султон шу куни ҳаёт, умр тўғрисида чуқур ўйга чўмди. Уттиз икки ёш — йигит умрининг дебочаси. Бироқ инсон шу даврда ҳам ҳар хил тоифадаги одамларни кузатиб, анча-мунча воқеаларни кўришига улгураркан... Султон ҳаёт ўёлида ўзи оч ўтириб, қўйнидаги бурдани етим-есирларга берган, ўзи юпун ўтириб, эгнидаги чопонни аллабировларнинг устига ташлаган кўплаб одамларни учратди. У аксинча бирорларнинг уйига ўт қўйган, бирорларнинг жасади устида рақсга тушган одамларни ҳам кўрди. Султон инсонда поклик, олижаноблик, самимиятни ҳис этди. Қотиллик, хиёнат, ёлғонларни... у адабиётда ҳам бир-бирига ўхшамаган манзараларга тўқнашиди. Инсонни ёнишга ўргатган санъаткорларни таниди. Риёкор мунаққидлару танқидчи ёллаб мақтов олган ижодкорларни. Султон адабиётга обрў келтирган арбобларни кўрди. Адид номинни ерга уриб, яксон қилган кazzобларни... Уттиз икки йил яшаб, ўзи-ча ҳаётда одамликни, адабиётда виждонни йўқотмас-

лик анча мушкул әкан, деган фикрга келди. Шу фикрда қўним топди. Гоҳ ўринли, гоҳ ўринсиз мақтovларга йўлиқди. Ҳақ, ноҳақ танқидлар. Олқишилар. Каътаклар. Булардан ҳеч бирига ортиқча аҳамият бермадп. Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам асосан ҳамманинг баҳтини ўйлаган одамларни қадрлаб, ўз манфаатини кўзлагаш, бошқаларни тирсаклари билан туртган кишилардан жирканди...

* * *

У энди матонат тўғрисида гапиришдан матонатли бўлиш мушкулроқ эканига яхши тушунарди... Согайиб сафга қайтгач, анча маҳалгача яна даладаги машқларда қийналиб юрди. Муаллимлар: «Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади!»— деган гапни кўп тақрорлашарди. Султон бу гапда жон борлигини ҳис этар, ҳамон ўзини бардам тутишга уринарди. Аммо у бир оз камҳаракат эди. Кўпинча ҳорғин қадам ташлаб, судралиб қолгани учун даккн ерди. Оёқда оғир этик, ўнг ёнда газниқоб, чап ёнда қилич, орқада карабин-милтиқ осиглиқ намойишда соатлаб югуриши, отга миниб, отдан енгил сакраши керак. Султон буларни ҳам унча эплолмасди. Муаллимлар машқлардан сўнг отларнинг тозалигини қулоғидан туёғигача текшириб чиқишар, «От — давлаг мулки, сен отни ўзингдан ҳам кўпроқ эҳтиёт қилишга мажбурсан!»— дейишарди. Улар кўпинча Султон етаклаган отнинг қаеригадир лой чаплангани ёки нағали орасига хас-ҳашак тиқилганини кўриб, уни уч-тўрт марталаб изнга қайтаришарди...

Март ойи тугаб, апрель ҳам яримлади. Энди баҳор борлиқни буткул ўз ҳукмига киритганди. Бу ерда чоратроф манзара ниҳоятда чиройли, шоирона эди. Олисолис тоғларда ҳамон қор, ёнбағирлар эса ям-яшил...

Даладаги машқларда қийналиб юрган Султон, назарий машғулотларда яна тезда пешқадамликни қўлга

олди. Ҳаттоки... Мактабдаги талабалар орасида ўзбеклардан ташқари, руслар, украинлар, белоруслар, бир оз кавказликлар ҳам бор, аммо тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар кўпроқ эди. Булар қишлоқда турилиб ўсган аксар ўзбек йигитлари сингари назарий машғулотларга тишлари ўтмас, бутун машғулотлар давомида такрорланган ҳарбий терминаларнинг мағзини чақишишларни ёрдамишди. Бир куни ҳордик пайти взвод командири ёрдамчиси старший сержант Крижановский баракка кириб келиб, тўғри Султонга мурожаат қилди.

— Жўраев! Мен эскадрон командири Нажимов билан гаплашдим,— деди у.— Сенга муҳим бир вазифани топшироқчимиз... Бўш пайтларда рус тилини билмаган йигитлар билан дарс ўtkазиб турасан...

Мактаб программасида рус тили дарси йўқ, аммо мактаб маъмуряти шароитдан келиб чиқиб, вақтипча уни ўtkазиб туришга қарор қилган эди.

Султон шу кундан эътиборан машқлар, бошқа назарий машғулотлардан бўш пайтларда муаллимлик қила бошлади. Унинг фақат рус тилидан саводли экани эмас, бир неча тилни билгани ҳам бу ерда энди иш берди: у ўзбекчадан бўлак, тожик билан тожикча, қозоқ билан қозоқча гаплашиб кетаверар, бу эса бир томондан уни ўқувчиларга яқин қилиб, иккиси томондан талабалар дарсни тезроқ ўзлаштиришларига қўл келарди. Султон маълум даражада ўргангани касби билан шуғуллана бошлаганидан мамнун эди. У Крижановский, Нажимов, оқсоқ майор Шеринлардан тортиб, мактаб раҳбари полковник Труфановгача барча офицерлар билан энди муроқотда бўлиб турар, бундан ҳам бир оз мамнуният ҳис этарди. Бу унинг ўз тарбияси учун фойдадан холи эмасди..

Султон кўпчиликка араласиб кетгач, Иброҳим, Латиф билан ҳаммадан олдин, биринчи танишганини унтиб юбормаганди. Йигитлар ҳам шундай. Улар ҳамон бир-бирларини йўқлаб туришар, мактаб йўлидаёқ осон-

ликча ажралиб кетавермайдиган дўстларга айланишган эди.

Иброҳим машғулотларни ҳам, машқларни ҳам яхши ўзлаштиради. У одатдагидек камгап, жиддий. Фақат баъзан Султоннинг ўзи, ҳаёти билан қизиқсниниб, уни саволга тутарди, холос. Иброҳим кўпинча Султон машқларни бажаролмаганида четга қарап, Султон сурп кўйлаги ёки чокидан сўкилган гимнастёркасини ямаб ўтирганида ҳам юзини тескари ўғириб оларди. Афтидан уни Султоннинг қийналаётганини кўриш малол эди.

Латиф аксинча машқларда ҳам, машғулотларда ҳам оқсарди. У ўтгап давр пчидা асосий мавзу — уйи ҳамда география тўғриспда кўпроқ гапириш одатни тарк этмаганди.

— Ўй-жой ҳувиллаб қолди, Султон ака, — пи chirларди Латиф.— Ақалли биронта опам ёки укам бўлсайди...— Кейин, у дарҳол иккинчи мавзуга кўчарди:— Авваллари расмга қизиқардим, Султон ака. Эшик, деворларга расм солаверардим. Лекин география...

Султон Иброҳимнинг ўқтамлиги, жиддийлигини қадрлар, аммо Латифнинг ҳикояларини ҳам эринмай эшитар, унинг мулоимлигини ёқтиради...

Баҳор келгач, Латиф кутилмаганда олдинги икки мавзудан ташқари, учинчи, янги мавзуда пи chirлайдиган одат чиқарди.

— Ёниб кетябман, Султон ака,— дерди у сирли оҳангда. — Ўзимдан-ўзим негадир шунақа бўлиб қолдим...

Латифнинг ҳаётида ажиб воқеа рўй берганди... Мактабда мунтазам газета-журналлар олиб туришар, уларни аскар йигитлар қўлдан-қўлга ўтказишиб, бошдан-охир ўқиб чиқишарди. Шу йиллари, қизлар ён-верда йўқлиги сабабдандир, йигитларнинг журналларда сурати босилган қизларга хат ёзишлари оддий, кундалиқ тартибиға кириб қолганди. Латиф кўпчилик бўйдоқ йигитлар сингари, журналдан тошкентлик тўкувчи бир

қиз түғрисидаги лавҳани ўқиб, қизнинг суратига ошиқ бўлган эди. У қизга хат ёзиб, жавоб олган, энди қиз билан кўнгиллашиб туриш унинг асосий машгулотига айланганди.

Султон дунёда севиш баҳти ҳаммага ҳам насиб эта-вермаслигини билар, Латифга бундай баҳт насиб этганидан алланечук суюнарди. У беихтиёр ўзининг ошиқлик пайтларини эсларди:

Юрагимга ишқин беркитди
Мохиранинг ўйноқи қўзи.
У ҳам севди, мен ҳам...

Султон муҳаббатни умуман инсоннинг камолоти деб тушунар, шеърларида доим уни эҳтиёткор, нозик ва нафис тасвирилашга уринган эди.

Ёнимда ўтирап ёшгина йигит,
На ўйнар, на кулар, на айтар қўшиқ.
Бир нуқта кўзлаган, бошини эгиб...
Бу надир! Ё хаёл? Ё чуқур ишк?

Муҳаббатдаги изтиробли ҳолатни Султон шундай тасвирилаганди. Мамнун, баҳтиёр ҳолатни эса бундай:

Хозир етиб бориб, бир оқ бинонинг
Баҳор ёмғиридек юмшоққина мен —
Чертмоқчиман ёргуғ деразасидан.
Бироқ у сесканса, шарпа сасидан?
— Бу ким? — деса.
Кулиб: — Мен! — десам секин.
— Йўқ. — Ишонмай очар дарларда четин.
Ёки кирмаймикан?..

Иброҳим Латифнинг бир гапни ҳадеб қайтараверишидан ҳамон жаҳли чиқарди. У баъзан дўстини аёвсиз койир, баъзан эса унга ички, босиқ бир кпноя билан қаттиқ тегишаради:

— Сен маъшуқангга хат ёзганингда, бир гапни сўраш эсингдан чиқмасин, оғайни,— тўнгилларди Иброҳим.— Сендан бўлак кўз остига олган одами борми ёки ўйқми?! Балки бу сенинг яхши кўрганинг шу кунлар

ўнта йигит билан баб-баравар хат ёзишар?! Қизларни билиб бўладими? Кейин бошинг балога қолиб юрмагин, дейман..

Султон Иброҳимнинг гапларидан қотиб кулар, шундай пайтларда қадимдан қолган халқ йўлидаги бир қўшиқни ҳам эсларди:

Мен ўзимга ҳамдам истаб
Кўп балоларни учратдим.
Ўзимдек бир одам истаб,
Кўп балоларни учратдим...

Латиф Иброҳимнинг койишларини миқ этмай ҳазм қилар, аммо у тегишганида, худди нақд қайлиғини бирор камситаётгандек, бехос бўғиларди.

— Сенинг нима ишинг бор?!— дерди қизариб.— Бизга ишинг бўлмасин..

Апрель ўрталарида Латифга ўхшаб, Иброҳимнинг ҳаётида ҳам муҳим бир воқеа рўй берди... Иброҳим, қўлида хат, одатдагига сира ўхшамаган ҳаяжонли кўйда нари-бернга югурга бошлади:

— Мен ота бўлдим, оғайнилар! Мана, ёзишибди. Мана!..

Йигит кишига илк дафъя ўзини ота ҳис этишдан кўра мағрур қувонч бўлмайди! Султон тўнгич фарзанди — ўғли дунёга келган кунларни эслади. У кундалик дафтар тутмасди. Аммо ўшанда ҳар қалай янги бир дафтарни очиб, бундай сўзларни ёзиб қўйганди: «Уттиз иккинчи йил октябрь, шанба куни Ботирхон туғилди. Эски Бухоро шаҳар Гулом Ризо гузаридаги 51 рақамли ҳовлида. Кун қуёшли, фараҳли эди. Мен бугун дарсга бормадим...»

Иброҳим атрофида тўпланиб қолган йигитларга қўлидаги хатни ўқиб берди. Хат қадим обидалардаги иақшларни эслатгудек араб аллифбесида, чиройли ёзилган, Иброҳимга уни онаси йўллаганди.

— Менинг бечора онам суюнганидан хатни йиғлаб-йиғлаб ёзибди. Қаранг, Султон ака, кўз ёшларидан

ҳаммаёққа оқиши дөг түшибди,— деди шундан сүнг Иброҳим.— Менинг отам инқилоб йиллари уйдан бир чиқиб кетганича, қайтиб келмаган. Бечора онам ҳозирга-ча эшик тиқ этса, сесканиб қарайди. Бизда бола фақат фарзанд әмас. Зурриёт!— У хатни йўғон, дагал бармоқлари билан авайлаб буклаганча, чўнтағига солди. Кеинин яна бундай гап қилди:— Яхши... Лекин киши афти-ангорини кўргинг келади... Менга ўзи ўшармикан?!

— У бир парча эт-ку ҳали!— гудранди Латиф худди тажрибали, гёлманд оталардек тиржайиб.— Дарров, афти-ангори, эмиш...

— Отини қўйишмабди, шекилли, ёзишмабди, — деди Иброҳим.— Менинг фикримни кутишаётгандир. Аскар қўйсак, қандай бўларкин, Султон ака!

— Ол-а, бошқа от қуриб қолган экан-да!— тўмтайди, тўнғиллади Латиф. Султонга Аскар исми ёқди.

— Ҳаётда аскар бўлган киши баҳтли саналади,— деди Султон.

Умуман уруш бошлиганидан буён ўғил болаларга Аскар, қизларга Аскария деб ном қўйиш бир қадар расмга айланганди. Иброҳим уйга хат ёзиб, шу исмини таклиф қиласидиган бўлди..

* * *

«Мен умримда тилга олмадим —
Бирон оғиз ёлғон ибора...»

Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам ёлғондан ҳазар қилган Султон шеърни кам ва жуда қийналиб ёзарди. У доим бахшилар сингари юрган йўлида, пицирлаб шеър тўқир, ўзи ҳис этган, кузатган нарсаларнинг бари сатрларда тизилгач, кўнгли беихтиёр севинчга тўлиб, ёзишга тутинарди.

Аскарликка келганидац буён бирон сатр ҳам шеър ёзмаганди. Ниҳоят даладаги машқларни ўрнига қўйиб, бундан кўнглида баҳра топадиган бўлганида, ўзидан

ўзи шеър ҳам туғила бошлади... Султон навбатдаги машқларга чиққанида, отнинг ёлларини, бўйнини меҳрибон сийпалаб, узангига енгил оёқ босди ва отни шамолдек илдам елдирди. Ана шу аснода устози Гафур Гуломнинг бир сатр шеъри унинг хаёлида бехосдан чақнади:

Биз от сурдик майдонга...

Султоннинг хаёлида шундан сўнг шеърий сатрлар бирма-бир тизилаверди. Бироқ энди булар уники эди...

У «Чавандоз» деган шеър ёзди. Шеърнинг илк сатрларида: «Мен от ўйнатмай, ким ўйнатсан; мен машҳур чавандозлар, саркардалар авлодиман, ахир!»— дегандек кайфият акс этди:

Отда учдим,
Эгар бўлди бешигим.
Алла қилди Бойчичарнинг йўрғаси...

Бундан кейинги сатрларда чапдаст чавандоз қиёфа-си тасвирланди:

Эгар қиё,
Мен устида бир қийғир,
Уроқ ойдек сал энгашур қоматим...

Шеърнинг якун қисмидаги сатрларда чавандознинг шу кунлардаги қалб нидоси ифодаланди:

Отиж жангла энг жанговар йўлдошим...

Султон шеърни севина-севина қозогза тушириб, марказий газета редакцияларидан бирига юборди. У мана энди қуролга ёнма-ён қаламни қўлга олиб, аскарлнк пайтида ҳам шеър ёзиг туринини ҳис этди...

Султон шу кунлар тенгдош шонр дўсти Амин Умаридан хат олди. Амин Умарий вакил сифатида Ленинградга бораётганини ёзганди. Султон кўп ўтмай, Узбекистон болалари томонидан Ленинград болалари учун тўплланган совгалар эшелонини республика ёшларидан йигилган вакиллар Ленин шаҳрига ҳеч заарсиз етка-

зишгани түғрисида эшилди. Дўстининг сафарга қандай бориб-қайтганини сўраб-суринтириб, унга хат ёзди.

Май келди... Биринчи май куни қаттиқ шамол қўз-фалиб, кечга томон салқин тушди. Султон шу куни пулемёт ёнида навбатчиликда турди. Байрам сабабли, йигитларга ҳар хил расмлар солиниб, илиқ сўзлар ёзилган табрик қоғозлари топширишди. Уларни бугун ароқ билан ҳам сийлашди. Султон тунда гулхан ёқиб, кателогида чой қайнатди; қўйин киссасида қотган нон, халтачада шакар бор эди, гулхан ёнида ўтириб, ёлғиз байрамни нишонлади. Алламаҳалга бориб, шамол тинди; дараҳтзор устида қарғалар қагиллашди. Осмон қип-қизил; гулхандаги чўғлар ёқут каби балқирди... Султон байрамни ҳаётдан ниҳоятда мамнун кўйда, баланд қирбошида, пулемёт ёнида кузатиб қолди...

* * *

Моҳира Султонни хизматга жўнатиб, ўғли билан Андикон бекатида қолгач, муштида гижимланган рўмолчани ёзиб, кўз ёшларини артди. Ўглининг юз-кўзини ҳам артиб қўйди. Кейин улар, бозорга бориб жамғармасини йўқотган кишидек, паришон ҳолатда уйга қайтишиди.

Йўлда Ботир бошини ердан кўтармади, чурқ этмади.

— Майли, қайғурма, ўглим,— деди Моҳира, ўғли баҳонасида ўз-ўзига таскин-тасалли излаб.— Бизга албатта бир оз қийин бўлади. Лекин зиёни йўқ, ўғлим, яшаймиз...

Уйда Моҳрўй опа Илҳомия ётган беланчак ёнида ўтирас, Нурия билан Румия эса икки ёнда — ҳамон үифиширилмаган дастурхоп бошида чўнқайишиб, мудрашар эди.

Моҳира дарров ўрин ташлаб, болаларини бирма-брп ухлашга ундаиди. Моҳрўй опага, сиз ҳам энди дам олинг, ойижон, Илҳомияга керак бўлса ўзим қаарарман,

деди. Султонни кузатиш олдиdan, оиламнз аъзолари ҳамиша жамулжам бўлишсин, деган яхши ниятда ўртага янги тикилган гулдор, чироили дастурхонни ёзишганди. Чойнак-пиёлалар, нон бўлакларини йигиб, дастурхонни қўлига олди; ичкарн хонага кирди. Ёзув столида ётган тоза оқ қофоз устига енгил чанг қўнган, сиёҳдондаги сиёҳ қуриб қолганди. У даста қозони, сиёҳдон ва қалам-ручкаларни китоб жавонига олиб қўйди. Қўлидаги дастурхонни столга ташлади. Стол тортмаларини очиб, Султоннинг ўзидан бўлак киши ўқиши маҳол бўлгаи шеърларнинг биринчи қоралама нусхалини жамлади; булар ҳали яраб қолиши ҳам мумкин, деган хаёлда барини дастурхонга ўраб, китоб жавони юқорисидаги бўш ғаладонга жойлаштириди.

У ичкари хонадан чиққанида, онаси, қизчалари ухлаб қолишганди. Фақат Ботир уйгоқ; кўзларини катта очиб, бир нуқтага ўйчан тикилган эди.

— Сен нега ухламаябсан, ўғлим!

— Ҳозир ухлайман,— деди Ботир. Бир лаҳза сукутдан сўнг, қизиқ савол ташлади:— Велосипедни нима қиласиз, ойи?

— Тушунмадим,— деди Моҳира.

— Дадамни велосипедларини сўраяпман...

Султон уч-тўрт йил бурун ўзига велосипед сотиб олганди. У кўпинча Ботирни велосипеднинг олдига ўтиргизиб, кўча айлантирас, баъзан наҳорда мактабга кузатиб қўярди. Ботир отаси билан кўча айланишини ёқтирас, велосипеднинг қайроқтош ётқизилган катта кўчада сакраб-сакраб йўл босишини яхши кўтарди. Афтидан, шуларни эслаган, хаёли қочган эди.

— Велосипед уйда туради, ўғлим,— деди Моҳира.— Дадангга тегишли нарсалар ҳам у кишини кутади; қайтиб келганида, велосипедни яна бирга мазза қилиб минасизлар...

Ботир жавобдан қаноат ҳосил қилдими, ҳар қалай, бошқа индамади, юзини девор томон ўгирди.

Ботирнинг гапи **Моҳиранинг** бутун фикру ўйини ўғирлади. Болалар зийрак. Қўни-қўшии аёллар муҳтожлик дастидан аскарга кетган эрлари, ўғилларига тегишли уст-бошларни ҳам бозорга чиқаришиб, рўзфорға яратишётгани маълум эди. Ботир, шундай кунларга қолмаймизми, деган мазмунда савол берганмискан?! Ҳозирги уруш шароитида бутун турмуш юки бўйнига тушган аёлларни, умуман, ҳеч жиҳатдан айблаб бўлмайди. Ҳар қайси хонадонда, озми-кўпми норасидалар бор. Томоқ сўрашади; устларига бир нима ёпмасанг, қаршингда дийдираб турпшади. Емиш қаҳат, киим-кечак фалон пул экани билан буларнинг иши йўқ! **Моҳира** энди нима қиласкин?! Болаларни асраб-авайлаб туришга қурби, қудрати етармикин?!

Султон аскарликка жўнаган куннинг оқшоми шундай ўтди.

Моҳира ўғлига ўша оқшом: «Дадангга тегишли нарсалар ҳам у кишини кутади!»— деб, бекор ваъда берган эди. Тўгриси, кунлар, ойлар ўтиб, ўзи ҳам қўни-қўшни аёллардан бэттар ҳолга тушишини билмаган, ўзига қандай қпийин бўлишини ҳали тасаввур қилманди.

Султондан биринчн кунлар хат олишмади. Кейин бир куни Ботир кўчадан югуриб-ҳовлиқиб келди:

— Она... хат, она... дадамдан...

Моҳира, Султондан уч-тўрт калима ёзилган кафт-деккина қофоз келса бас, дунё обод бўлиб кетгандек туюлганди. Фалати ҳолат рўй берди. Хатни ўқиб, катта-кичик ҳаммалари суюнишди. Аммо дам ўтмай, муддао фақатгина хат олишдан нборат бўлмаганини ҳис этниши; муносиб совғани кутиб, қуруқ мақтов эшитган одамга ўхшаб, ҳаммалари яна ғамгин қиёфага кириб қолишиди.

«...Ишқилиб, у томондаги дарс бериб юршилар, бутун ташвишлар бпр ўйингина экан!»

Султоннинг хатдаги шу бир оғиз гапи турмушда

рўй берган аччиқ ҳақиқатни ошкор этгандай бўлди; Моҳиранинг кўзлари мөшдай очилди... Сен Султонга ҳам осон тутиб бўлмаслигини англағин, Моҳира. Султон яқин ўртада уйга қайтишин ҳам, болаларинг бошида олдингидек соябон бўлиши ҳам даргумон. Сен унга бутун умидни боғлаб, бўшгина ўтирмасдан, энди ўз кунингни ўзиңг кўравер, жоним. Энди хонадонда она ҳам, ота ҳам, аёл ҳам, эркак ҳам — сен. Болаларингни тишингда маҳкамроқ тишлагин, Моҳира!

Илҳомия туғилганидан бўйи уйда эди. Уйда энди ёқилғи қолмагаиди. Ғаладонларда уц, гуруч, мой ҳам тугади. Болаларнинг уст-боши тўкилябди; баҳорда қишилик оғир ботинкани судраб юришибди, ёзлик пой-афзал олиб бериш керак. Болалар қоринлари очганида ҳам, кийимлари йиртнлганида ҳам, нимага дадам келмаябди, деб сўрашади. Айниқса кичкинтой Илҳомиянинг кунда берадиган саволи шу: «Нимая дадам теймаябди?!» Ҳеч бўлмагандан, болаларни тўқ, эгни бут ҳолда тутиб туролсайди... Бу савдолар устига...

Бир куни қишлоқдан Фотима опа қуроқдан тикилган сумкани кўтариб келди. Уйда ўйнаб ўтирншган Нурия билан Румия аммаларн оёғига ўралашиб, сумкани ундан тортиб олишди; уй юзида судрай бошлишди.

Моҳира қизлари ишидан хижолат чекди. Фотима опа сумкани очиб, уларга бир ҳовучдан майиз бергач, бутунлай терга ботди.

— Қишлоқда аскар йигитларга совға-салом юборишибди, — деди Фотима опа. — Мен бир оз қуруқ мева олиб келдим; сиз ҳам Султонжонга нимадир юборадиган бўлсангиз, қўшарсанз...

Моҳира совға-салом юбориш кераклиги тўғрисида ўйламаган, бу гап унинг хаёлига келмаганди; буни унга Фотима опа эслатгандек бўлди... Султон ҳамиша, хотиним, болаларим, деб югуриб-елиб юради; албатта, уни кўпчилик орасида ўкситиб қўйиш инсофдан эмас. Моҳира энди Султонга ҳам оз-моз қарашиб туриши зарур...

Бундан ташқари, баҳорда Илҳомия Моҳрӯй опа билан касалхонада ётишинга тӯғри келди.

Моҳира вақт борасида ўйламаслиги мумкин, аммо маблағ тӯғрисида ҳар қалай бош қотириб, нимадир чора топиши керак эди. Нимадир чора топиш керак!..

У, шу кунлар, Султоннинг Хўжақулга шеърлар топшириб кетганини эслаб, Хўжақулнинг ҳузурига борди.

Хўжақул Моҳирани мулойим жилмайиб, меҳрибон қаршилади.

— Э, келинг, Моҳирабону,— деди ўрнидан ярим қўзғалиб.— Сиз нега бундай кўринмай юрибсиз?! Султонбой дўстим қалай?! Хат-пат ёзябдими?! Болалар?!

Хўжақул Моҳира билан, умуман, ниҳоятда мулозаматли гаплашди. Бироқ шеърлар тӯғрисидаги саволга мужмалроқ жавоб қайтарди:

— Шеърлар дейсизми?! Идорада ишлар кўпайиб кетди. Шароитни ўзингиз тушунасиз, ёниб-куйиб ишлайдиган кадрлар етишмайди; кўпчилик ёш болали аёллар, кексалар... Лекин сиз безовта бўлманг. Мен ўзим шахсан...

Моҳира Хўжақулнинг ҳузуридан қўйни пуч ёнғоққа тўлган кўйда чиқди ва энди қўни-қўшни аёллардек уйдаги қўзинга ташланиб, ортиқча бўлиб кўринган нарсаларни баъзан бозорга кўтариб боришдан бўлак чора тополмади. У Султоннинг портфели, янгироқ бир туфлисими ҳам пуллади. Навбат велосипедга келди... Моҳира шимаики сотган бўлса, болалари ичиди эслироги Ботирга билдирамасдан, секин иш тутишга уриди. Аммо даҳлиз бурчагида, ашгол-дашголлар орасида ётган велосипедни тозалаб-артиб, бозорда пуллаб қайтгач, жуда ёмон аҳволга тушди — Ботирдан қаерга қочарини билмай қолди. Устига-устак, Ботир анойи эмас. Кечқурни даҳлизда тимирскиланди; гўёки велосипед ўринидаги йўқолгану топиш ниҳоятда қийин бўлгандек, ашгол-дашголларни бир неча марта ағдар-тўйтар қилди.

— Ойи, дадамни велосипедлари қани? — сұради ниҳоят.

— Мен уни бошқа жойга яшириб қўйдим,— деди Моҳира чайналиб.

— Бир кўрай... тегмайман...

Моҳира ўғлига, велосипедни сотдим, деган гапни рўй-рост айтольмасди. Бунга ўзи бебурд бўлиб, куни бозорчиликка қолганидан уят, номус ҳисси йўл бермасди. У бирон нима дейиш ўрнинга, бошини чанглаб, аламдан уввос согланича, йиглаб юборди...

Кейин ўша куни, мен, ўқимишли аёл, шоирнинг хотини, нега бундай ҳолга тушдим, деб ўйлади. Эри кетганидан буён ҳали тўлиқ икки ой ўтиб-ўтмаганди: қисқа шу фурсат ичидаги фақат ўзигина қийналмай, Моҳрўй опа ҳам, болалар ҳам адойи-тамом бўлишганини ҳис этди. Моҳрўй опа соchlари бутун оқариб, мункиллаб қолди; болалар ҳаммаси чўп-устихонга айланди. Нимадир чора топиш керак!.. У бошига тўқмоқ тушгандек паришон, гаранг эди; ногоҳ сергакланди... Сен болачақа, уй юмушлари, турмуш қийинчилклари сабаб бўлиб, ҳаётдан, одамлардан анча узилиб қолгансан. Сен, умуман, сўнгги йилларда шундай кўйга тушгандинг; эринг хизматга кетгунича, ҳаётни мен учун ҳам эрим ўйлайди, қабилида яшаб юргандинг. Бунинг устига, энди ўттизга қадам қўйган ёш келинчаксан; кўп оддий ҳақиқатларга тушунмайсан, жоним. Бугун ҳам яашағани, ўз ёғида ўзи қовурилиб, кўз ёшлари тўкишдангина иборат эмас. Сен ҳаётга ғамхўрлик қилсанг, ҳаёт ҳам сенга ғамхўрлик кўрсатади; сен атрофдаги одамларни ўйласанг, улар ҳам сени ўйлашади. Эринг уйдан кетдими, эр бўлиб белингни маҳкам танғигин, Моҳира.

Андижон шу кунларда мислсиз даражада ғала-ғовур, тўс-тўполон эди. Ҳар ким ўз дарди, ўзининг турмуш ташвишлари билан овора; илк қараашда, бирорнинг бошқа бировга иши йўқдек туюларди. Аммо бу фақат илк ва алдамчи таассурот эди. Жанглар бораётган

фронтлардан узоқдаги яшил воҳа бағрида жойлашган жаннат шаҳарда ҳам аллақачон фронтлар очилиб, одамлар улкан, құдратли сафларга тизилишганди. Бутун Ўзбекистонда бўлганидек, ҳаёт Андижонда яшаган кишилар олдига ҳам бир қатор вазифалар, муаммоларни кўндаланг қилиб қўйганди. Йигитларни тўплаб, ҳамон мунтазам аскарликка жўнатиш шундай вазифалардан эди. Кўпчилик тиб ходимлари врач, ҳамшира тарзида урушга кетишигандан, аҳолига хизмат қиласидиган шифокорлар сафини тўлдириш зарурати туғилганди. Асқарликка жўнаганларнинг оиласларига имкон етганича ғамхўрлик қилиш, ёрдам кўрсатиш режалари тузила бошлиганди. Жангчиларга иссиқ кийим, озиқ-овқат, қурол-яроғ жўнатиш энди ниҳоятда жиддий йўлга қўйилганди. Кундузни кундуз, кечани кеча демай, фронтга жўнаган оталар, акалар, ўғиллар учун ҳам ишлаб, планларни тугал бажариш фронт орқасида қолганларнинг оддий бурчи саналарди. Худди мана шу вазифалар, муаммолар қатори, бутун республикадаги сингари, Андижонга ҳам душман қўлида қолган ерлардан минг-минглаб хонадонлар кўчирилиб келтирилган, буларни шаҳар ва районлардаги уй-уйларга жойлаштириб, бошпана билан тезда таъминлаш керак эди. Вагои-вагонларда тиқилишиб, ҳамма нарсадан айрилган, хароб кўйга тушганлар орасида, айниқса ота-онасиз қолган гариб-абгор, очялангоч норасидалар кўп эди. Шаҳардаги ҳар икки-уч кўчанинг бирида «Болалар уйи» очилган, буларга тарбиячилар етказиб бериш ҳам шу кунлардаги муҳим вазифалардан бирига айланганди.

Моҳира велосипед воқеаси рўй берган ўша кундан кейин «Болалар уйи»га ишга кирди. Унинг ҳаётига янгича баҳор эпини теккандай бўлди. Кўнгли анча ёришиди; ўзини худди бели маҳкам танғилгандай, одамлар сафига дадил киргандай сезиб, руҳи кўтарилиди. Болалари ҳам энди кўпинча унинг ёнида бўлишди. У тарбиясидаги болаларни ўз фарзандларидан ажратмади,

аксинча, фарзандларини уларга қўшиб юборди. Барча норасидаларни бирдай бағрига босиб, мурғак қалблардаги жароҳатлар ювилишига ёрдам бергиси келди...

Инсон кўнглидаги жамики ҳасратларни хатга солаверса, ҳар қандай қалин, сифатли қоғоз ҳам куйиб, қорайиб кетиши мумкин. Султоннинг: «Ишларинг қандай? Қийналмаяпсизларми?!»—деган доимий саволларига, Моҳира: «Тузук. Яшаябмиз. Сизни кутябмиз!»—деб, лўнда жавоб ёзди; Султон унинг бошидан кечган савдолар, кўнглини кемирган дардларни билмай қолаверди. У, Султон ака қайтиб келганида, уйда бемалот ўтиришиб, ҳаммасини бафуржга гаплашармиз; инсоннинг табиатида яхши бир хислат бор; инсон ўтган дарду аламларни осойишта, баъзан ҳаттоқи кулиб эслайди; биз ҳам шундай қилармиз, деб ўйлади...

Илҳомия билан Моҳрўй опа ёзга бориб, ниҳоят касалхонадаи чиқиниди. Моҳира Илҳомиянинг согайиб семиргани, оппоқ, дўндиқ қизалоқ бўлганига суюнди. Аммо бу қизи аввалдан кўп касалга чалиниб ўстгани сабабли, унга ҳамон кўнглида қандайдир ваҳм сақлаб, қўрқиб қаарди...

* * *

Хўжақул одати бўйича уйга тушлик қилгани келганида, икки-уч гал Шарифа, мен ҳам сиз билан кўчагачиқаман, деб фойтунда шаҳар марказигача борди. Хўжақул Шарифанинг бу ишига ортиқча аҳамият бермади; хотиним уйда зериккандир, балки, магазинларни айланар, балки, синглисини кўриб, қайтар, деб ўйлади. У хонадонда ҳар қалай осойишта, тотув ҳаёт кечириганидан мамнун эди; хотини асосан итоатли, мўминмулойим гэл экани ҳам унга хушёқарди.

Шарифа шундан сўнг бир куни зимдан гойиб бўлди, кутилмаган бу воқеа июнь ойи ўрталарида рўй берди...

Хўжақул кечқурун шидан уйга паришон қайтди.

Кундузи комиссиялар келишиб, идора ишларини текширишган, улар бирон айб тополмаган бўлишса ҳамки, Ҳўжақул андак ғашланган эди. Тунда яхши ухлай олмади. Хотинига ҳеч нарса дегани йўқ; ўзи у ён-бу ёнга беозор ағдарилиб, узоқ нотинчланди; уф тортди. Саҳарга яқин қотиб қолганди; мамнун уйғонди. Кечаги бутун оромсизлик унга энди бемални туюлди; ўринда ўтирганича, яйраб керишди. Шундан кейин, бирдан Шарифанинг уйда кўринмаётганини сезди; уй қандайдир сув қўйгандек жимжит эди. У, Шарифа нариги хонада дастурхонни тузаб қўйиб, мени безовта қилмаслик учун, нафас ютиб ўтиргандир, деган хаёлга борди. Каравот устига қуёш келиб қолганди; буни пайқагач, ишдан ҳам бир оз кечикибман шекилли, хотиним вақтида ўйғотса бўлармиди, деб ўйлади; хотинидан инжиди. Ўнинг ён дафтар, қопчиқ, чўнтак соати дераза олдидаги думалоқ стол устида ётарди; ўрнидан туриб, биринчи навбатда соатга қарагиси келди. Каравотдан олдин оёқларини оҳиста пастга туширди; кейин, секин ўрнидан турди. Столга яқинлашди. Соат ўндан ўн беш минут ўтганди. Ҳўҳ-ҳў, бир соатдан ҳам кўпроқ кечикибман, роса кечикибман-ку, ўйлади ўзича ва шу аснода бехосдан ён дафтар остида нималардир ёзилган бир варақ қофоз ётганини кўрди. У кўнглида қандайдир бир ғашлик сезиб, варақни дарҳол қўлига олди. «Ҳўжақул ака, мен кетдим. Ўзимни «Уй дафтари»дан ўчирганман, бекорга қидириб юрманг. Анча йиллар иккиланиб юрдим, охири бўлмади. Сиздан илтимосим, мени ёмон сўз билан эсламанг. Шарифа.» Ҳўжақулнинг эси чиқиб кетди; оёқларидан буткул мадор қочиб, курсига чўкди... Йўқ, хотиним мени бир қўрқитай деб, ҳазиллашган бўлса керак!.. У ўрнидан қайтиб қўзғалди; нариги хонага — оёқлари хасталигини ҳам унугиб, шошкин йўналди. Хона ўртасидаги узун столда дастурхон тузалган, аммо Шарифа йўқ эди. У худди Шарифа бирон бурчакда биқипиб ўтиргандек, бутун хонани аланг-жалаңг кўз-

дан кечирди. Шарифа топилмади. У ҳовлига чиқди, Ошхонани, омборхона вазифасини ўтаган уйчани, ёзда баъзан дам олинадиган салқин ертўлани — бутун ҳовлини тинтиди. Шарифа бари бир кўринмади. Яна уйга кирди. Иккала хонани қадам-бақадам айланди. Янги турмуш қуришган ёшлиқ пайтлари Шарифа бир гал нимадир бўлиб, уни қўрқитиш мақсадида ҳазиллашган — каравот тагига беркинганди; каравот тагига ҳам қаради. Ниҳоят, Шарифанинг чиндан кетиб қолганига ишона бошлади; йиғлагудай ҳолга тушди. Бироқ ана шунда бехосдан бериги хонада, қуий деворда осифлик рубоб ўзининг одатдаги ўрнида тургани унинг диққатини жалб этди; унга рубоб уйда турибдими, демак, Шарифа ҳам ҳеч қаёққа кетмагандек туюлди... Хотиним мени қўрқитай деб ҳазиллашган, ўйлади у. Хотин кишининг баъзида истиғно қилиши табиий. Ортиқча безовталаниш шарт эмас. Бозор-ӯчарни, магазинларни айланиб ёки синглисини кўриб, тушга томон уйга қайтади. Бу ўйинларнинг ҳаммаси зерикишдан; уйда у баъзан зерикади...

Хўжақул осойишталнк ҳис этди. Ювииб-кийинди. Аммо нонушта қилиш ҳар ҳолда кўнглига сифмади; кўчага ўйналди.

Уни ҳар кунгидек дарвоза олдида фойтун кутиб турарди. Фойтунчи қария Хўжақулми, хотиними чиқиб: «Келдингизми?» дейишини пойлайвериб, жонига теккандир, бошини вазмин буккан, қўллари билан елкаларини қучганича, пинакка кетганди.

— Мени нега чақирмадингиз, амаки?!

— Узингиз уйга сапиллаб кираверган одамни яхши кўрмайсиз... мен билмасам...— ғудранди қария. У қамчини олиб, ҳавога кўтарди.— Чу, жонивор...— Кейин, негадир яна ғудранди:— Үл-а...

Хўжақул идорада соат роппа-роса ўн икки бўлгунча тинч ўтиrolмади. Кўнглини ҳадеб васваса тутаверди. Ишлай деб ишга ҳам қўли бормади. Орадан бирон соат

ҳам ўтмай, эшикка чиқиб, фойтуни уй томон шахдам ҳайдатди.

Фойтун уйга етиб келганида, Хўжақулга негадир хотини ҳозир уйда ўтиргандек, аммо фойтунни кўрса бас, дарвозадан отилиб чиқиб, фойтунга минганча, аллақаёқларга учиб кетадигандек туолди.

— Сизга бугун кечгача жавоб, амаки,— деди у фойтунчи қарияга довдираган, телбаланган ҳолатда.— Идорага тушдан кейин ўзим борарман...

Қария хўжайининг авзойи бошқача бўлиб, бутун хатти-ҳаракатлари пойма-пой эканига ҳайратландими, ишшайиб, елкасини ғалати қисди.

Хўжақул ҳовлига шошилиб кирди; яна эрталабгидек чарх ура бошлади. Ҳеч ким йўқ. Жимжит.

Унинг энди умиди барбод бўлди. Бўшашиб, мунғайиб хона ўртасидаги дастурхон тузалган узун стол ёнига ўтири; бошида калхат айланган қушчадек, бўйини елкалари орасига тортиб, елкаларини букди. Қунлар исий бошлаганидан бўён оёқларидаги бод бир оз қайтиб, жонига оро кирганди; шу дамда ногоҳ оёқлари увишиб, худди қишдаги сингари қаттиқ санчишга тушди. «Хотиним мендай хаста одамни ташлаб кетиби-я!»— Шарифа тўғрисида койиниб ўйлади Хўжақул. Сўнг хаёлидан бундай гап ўтди: «Мен уни яхши кўраман; мен усиз туролмайман; мен нима қилсан бўларкин?!»

Шарифанинг кетиб қолгани аниқ эди. Шундан, Хўжақулнинг хаёлини Шарифа ростдан кетганмикан, йўқми деган савол ўрнида, энди янги савол эгаллади: «Шарифа қаёқقا кетди экан?!»

Хўжақул жонланди... Хотиним қаёқقا ҳам кетарди?! Ҳамиша синглисини ўйлаб, синглисига ҳомийлик қилиб юриш одати бор эди; ўшанинг уйида яшашга қарор қилинди! Албатта, шундай!

У ўрнидан сапчиб, дарҳол Шарифани топмоқчи, қўярда-қўймай уйга етаклаб келмоқчи бўлди. Аммо ўр-

нидан туролмади: ниҳоятда очиққан, мадори қочиб, силласи қуриганди.

Яласқи темир чойнакдан пиёлага совуқ чой қүйиб, нонга ёғ суркади; енгил-елли тамадди қилди. Оқибат, ўрнидан қўзғалди. Пойгакда ётган ингичка, нозиккина ёғоч ҳассани қўлига олди; фойтун йўқ, пойи-пиёда йўлга тушди.

Шарифанинг синглиси бозор яқинидаги пасткўчада турарди.

— Салом алайкум, Иnobатхон. Яхши ўтирибсиз-ларми?!

У ҳовлига қадам қўйганида, Иnobат ўрик остидаги катнинг четига ўрнашиб, кенжатой боласини эмизарди; унинг қолган бир-бирларига ўхшаш, етишмовчилик дастидан усти йиритиқ-сиртиқ, кир-чир болалари ерда думалашиб, тупроққа ботишиб ўйнашарди.

— Келинг, почча!— катдан тушди Иnobат.— Салом алайкум. Сиз бу қандай бўлиб...

Хўжақул чайналиб қолди:

— Мен шу... Опангизни излаб... Эрталабдан буён...

Иnobат боласини катга ётқизган, уни қаршилашга ошиққанди; олдинга босиб-босмаслигини билмагандай, бирдан қотиб қолди. Кейин қандайдир чинқириб йиғлаб, дунёни буза бошлади:

— Менинг опамга нима бўлди, худойим?! Сиз менинг опамни нима қилдингиз, почча?! Сиз менинг опагинами қаерга йўқотдингиз?!

Хўжақул ҳозироқ бу ердан даф бўлмаса, шўрига шўрва тўклилишини ҳис этди. У, буёқча келаётib, ишнинг бундай кўчиш эҳтимоли ҳам борлигини ўйламаганди. Ўзини дарҳол кўчага урди.

Идора томон илдам кетаётib, Иnobатни тушуниш мумкин, мен Иnobатдан ранжи маслигим керак, деган гап хаёлидан кечди. Шарифа уйда хат қолдириб, ўз ихтиёри билан кетган бўлмаса, эҳтимол, Хўжақул ҳам бирори кор-ҳол рўй бергандир, леб билар, аллақачон

милицияга хабар қиласын. Үнгә фақат Иnobatting шов-қин солиб, қандайдыр таъна оханында сүзланғани ма-лол келди. Иnobat гүёки: «Опамниң кетганиңа сен айбдорсан!»— деганга ўхшарды. Бу үнгә худди дард устига чипқондек бўлиб туюлди.

Хўжақул, мана энди, кўп нарсаларни ўйлаб, муҳим бир савол тўгрисида шу дамгача бош қоти́ммаганини сезди: «Шарифа ўзи уйдан нима учун кетди?!

Унинг назарида, Шарифа уйдан кетишига ҳеч қандай аниқ сабаб йўқ эди. Сўнгги кунлар хонадонда умуман арзимаган низо ҳам чиқмаганди. Булардан ташқари, Хўжақул бадмастлик қилган, айрим кишиларга ўхшаб, хотинбозлик кўчасига кирган ҳам эмасди. Ўруш бора-ётган, турмуш ҳар қачонгидан оғирлашган бир пайтда Хўжақулдек тинч юрган, обрўли жойда ишлаб ҳар то-мондан таъминланган одамни хотини ташлаб кетиши уччалик ақлга сифмайдиган воқеа эди!

У хаёлини чулғаган саволга жавоб тополмади. Эҳ, аттанг, Иnobatting феъл-атворида Шарифага хос бўл-ган мўмин-мулойимлик йўқ; ерга урсанг осмонга сап-чийди; бундай аёллар билан бемалол ўтириб гаплашол-майсан. Иnobat шовқин солмасдан ўзини босик тутса, Хўжақул Шарифа үнга сўнгги пайтларда нималар деганини сўраб-суринтирган бўларди. Тўғри, Иnobat опаси йўқолганини Хўжақулдан эшилди; хабардор эмаскан. Аммо Шарифа ҳар қалай ўзи тўгрисида үнга нималардир айтган; ахир, Иnobat бекорга таъна охан-гина сўзланмайди-ку! Эҳ, аттанг...

Хўжақулнинг идорада ишлари юришмади. Устига-устак, оёқларида турган санчиқ уни қийнай бошлади. У кундалик ишдан кетиш вақтини кутиб ўтирасдан, яна эшикка чиқди; яна фойтунни уй томон шахдам ҳайдатди.

Унинг ўй-хаёлида ўзи жавоб топишни истаган, Ша-рифа деган биргина исмга боғланган қатор саволлар энди янгидаи айланди. У фойтунда уйга қайтаётib:

«Балки Шарифа бутунлай кетмагандир?! Ҳозир уйда ўтиргандир?!"— деб ўйлади. Ҳовлида ҳеч ким йўқлиги-га қаноат ҳосил қилгач: «Шарифа қаёққа кетди экан?!— мазмунидаги иккинчи саволга жавоб излади. Кейин ҳаммасидан муҳим савол уни қийноққа солди: «Шарифа ўзи уйдан нима учун кетди?!"

Хўжақул ҳовлига чиқиб, уйга кириш, тинмай хонадан-хонага ўтишини қўймади. У хотинини ортиқ қидирмасди; хотини йўқлиги маълум. Аммо бари бир ўзи ниманидир йўқотгану, албатта қидириб топишга аҳд этгандек, чарх ургани-урган эди. Қайта-қайта бериги хонада, қуий деворда осиғлиқ рубобга кўз ташларди. Рубоб илинж бўлиб, ҳар гал қараганида унга гўёки хотини уйга кириб, рўпарасида бошини итоаткорона букиб тургандек туюларди... Бир гал рубоб олдида тўхтаб, хотини торларга шошмасдан бармоқ уриб, ашула айтган пайтларни эслади; Султон ёдига тушди... Шарифа Султонлар билан оиласвий дўстлашиб юрганимизни ҳисобга олиб, уларникида яшашга қарор қилган бўлсанчи! Моҳира Шарифанинг ўз уйда туришига ҳеч қачон монелик кўрсатмайди... Хўжақул жоиланди. Жонланди-ю, кейин яна бўшаши; унинг ҳаслида бу фикр учқундек милт этиб, дарҳол сўнгандек бўлди. Моҳира қайсиdir куни идорага келганида, уйидаги бир хонани қандайдир белоруслар оиласига бўшатиб бериб, болалари билан иккинчи хонада тиқилишиб яшаетганини айтганди. Душман қўлида қолган ерлардан кўчирилган оиласга жой берган Моҳира Шарифани ҳам уйда бемалол сиғдириши мумкин; аммо гап шундаки, коммунал хўжаликка қарашли каталакдек уйда икки оила тургач, ерга игна тушса билинадиган бўлиб қолган; Шарифанинг ўзи уларникига бостириб боришни эп кўрмаса керак!

Тун кирди. Қоронғи тушди.

Хўжақул кунни ўтказаётib, олдинда ҳали тун борлиги, қоронғилиқ билан бирга ёлғизлик балоси ҳамла

қилишини ўйламаганди. Бутун хаёлини Шарифа эгаллаб, бугун умуман ўзи тўғрисида қайгуришга улгурмаганди. Вақтида овқатланиши эсламагани сингари, дунёда кундуз ва кеча, ҳамдамлик ва ёлғизлик аталган қарама-қарши қутблар мавжудлигига ҳам эътибор бермаган эди.

Тун кириб қороиғи тушгач, уни бирдан ваҳм босди; кимдан, нимага қўрқаётганини ўзи ҳам билмас, аммо кўнглидағи ваҳм ҳиссини ҳайдаб юборолмасди. Уйдаги барча чироқларни ёқиб чиқди, бўлмади. Дарвозага занжир устидан қулф солди; бўлмади. Ниҳоят, тезроқ ётиб ухлашга, шу йўсинда ёлғизлик дастидан қутулишга қарор қилди. Ётоқхонадаги чироқни қолдириб, бошқаларини ўчирди; эгнини ҳам алмаштириб ўтирунга чўзилди.

Кўзлари эндиғина илина бошлаганида, эшик негадир секин ғижирлагандек бўлдн. Кейин кимдир енгил, шипшип босиб унга яқинлашди. У юраги орқага тортиб, кўзларпни чирт юмди. Аммо шу аснода бирор юз-кўзларини мулоим сийпалалётганини сезиб, ўзига келди; жонланди. Кўнгли эриб, шу қадар яйраб кетдики, умрида ҳеч қачон бунчалар роҳатни туймаганди. Кўзларини очди... Кўшнининг томдан-томга ўтиб юрадиган, бирорларнинг уйига тушиб, кўпинча ётиб қолаверадиган қора мушуги хонага кириб қолган эди.

Хўжақул ўрнидан салчиди:

— Кет! Йўқол! Падарингга лаънат!..

Мушук ўзини деразадан ҳовлига ташлади.

Хўжақул ўринда ўтирганича, оёқларини қучди. Оёқлари чидамсиз даражада оғрий бошлаганди. Ўзининг ҳолига ўзи ачиниб, кўнгли бузилди. Куни бўйи босиқлик қилишга уринганди; энди бўлмади; елкалари титраб, пиқ-пиқ йиғлашга тушди. У йинглар, янгигина шоҳи кўйлагининг енги билан кўзларини артар, яна йиғларди.

Кўнглини бир оз бўшатгандек бўлди. Кейин ўринда

чўнқайиб ўтирганча, алам билан Шарифани кескин койишдан ўзини тўхтатиб туролмади. «Шарифа артистдан чиққанди; охири бари бир артистлигига борди!»— деб ўйлади. «Вақтида андижонлик Шарифага эмас, бухоролик бошқа бирон қизга ўйлансан, баҳтлироқ бўлармидим!»— деб ҳам ўйлади. Жуда кўп гаплар хаёлидан кечди... Мен Шарифани деб ортиқча кўзёш тўкмаслигим, ўзимни-ўзим ўтга ташламаслигим керак. Шарифанинг уруғига қирон келгани йўқ, истасам эртагаёқ ўнтасини уйга бошлаб келаман. Ҳозир қизлар, аёллар аскарликдан икки қўли ёки икки оёғидан ажралиб қайтган йигитларга ҳам жон деб тегишябди; менинг нимам ёмон? Бир хотин учун шунчалик куйганим етар, кетса, садқан-сар, кетаверсин; ҳали бир куни ўзи ялиниб-ёлвориб келади, мен унга ўшандা қайрилиб ҳам қарамайман...

У кун ёришгунча тўшакда бирдай чўнқайиб, гоҳ таскин излаб, гоҳ аламдан йиғлаб ўтириди.

Кун ниҳоят ёришиди.

Хўжақулнинг кўнгли беҳузур, боши шишган эди.

* * *

Худди шу воқеадан сўнг, Хўжақул тез орада сочла-ри оқариб, анча қариди.

Унинг юриш-туришинда ҳам энди олдингидан бошқача хислатлар пайдо бўлганди. У эрталаб ишга барваёт келар, кечқурун уйга кеч, гўёки бирор мажбур қилаёт-гандек истар-истамас ҳолатда қайтарди. Қундузи соат ронна-роса ўн иккита тушлик қилмасди. Умуман, мазали овқат ҳақида ўйламас, турмушида ҳузур-ҳаловат қолмаганидек, ейдиган таомида там-маза йўқ эди.

Хўжақулга уйда ҳам, ишда ҳам нимадир етишмаёт-гандек бўлиб туюлар, у бундан мунтазам асабийланарди. Баъзан Шарифани эслар, Шарифа мендан узоқда, қаерлардадир хору зор бўлиб кетмадимикин, деб ўйлаб, инжирди. «Тентак, менга жабр қилгани майли, ўзига

күпроқ жабр бўлди»,— деган гап кўнглидан кечар, ўзи ва хотини тақдиридан безовталаниб, қаттиқ ҳаяжонла-нарди.

Хўжақул хотини уйдан кетгач, уига бағишилаб бир даста «Ҳижрон шеърлари» ёзди. Булар кимгадир ёқиб-ёқмаслигидан қатъи назар, Хўжақулиниг ўзинга ишҳоятда ёқар, у кўпинча кунбўйи идорада ўтириб, ўз ёзгапларини қайта-қайта ўқигани-ўқиган эди. Айниқса, Шарифа кетган кунга бағишиланган шеърни кўп такрорларди:

Мен сени севардим ўзимдан қўпроқ,
Бевафолик қилдинг иккимиз учун...

Хўжақул Султоннинг шеърлари бўйнида турганини ора-сира эсларди. «Одам эмасман мен...— ўйларди у.— Дўстим мендан илтимос қилиганди ахир. Уларни аллақачон кўздан кечириб, пичоққа илингандарини бирон ёқса таклиф қилишим керак эди. Мен бўлсам...» Аммо шундан кейин, дарҳол ўз-ўзини оқлашга тушарди: «Айб мендами. Шароит... Мен жўрттага судраётганим йўқ-ку... Бўш бир пайт топилганида, албатта...»

* * *

Шоир киши шеър ёзсин-ёзмасин, бари бир, хаёлида баъзан шеърий сатрлар чарх уриб туради. Султон «Чавандоз»дан кейин қайтиб яна қўлига қалам олмаган, аммо шунга қарамай, тўрт сатр шеър кеча-кундуз хаёлида такрорланар, унга кайфият бағишилар эди:

Болажонлар — бол, дегандим, сиз таъмга
тўлиб,
Йўлда қолдирдингиз болни ҳам.
Гулдан-гулга қўнган капалаклар бўлиб,
Кетмаябсиз қўзим олдидан...

У тушларида қандайдир ўнгидан ҳам ортнқ уйи, хотини, айниқса, болаларини қўмсар, ажабо, юрагида болаларини нақадар яхши кўришини тушларида ўнгига

нисбатан күпроқ ҳис этарди. Чамаси, Султон, кундузның түғрисидаги хаёллардан атайин қочар, тунда эса бу хаёллар әркинлик сезишиб, бемалол бостириб келишар әди. У тунларда баъзан хотинига ўзича хатлар ҳам ёзар, шундай пайтларда ўнгидә ёзмаган гаплари гүёки бемалол қоғозга тушаётгандек бўларди. «Ой, Моҳирам, ой, жоним,— ёзарди Султон.— Мен сизларни бир мартағина кўришга қандай зорман, билмайсан! Ижодни, дунёning бутун ишларини четга суриб, болажонларимни бир оз ўйнатгим келади! Ахир нима қиласай, мен аввалдан болаларни жуда яхши кўраман; гулларни, қушларни, тинчликни. Ой, Моҳирам, билмайсан...»

Аскарча ҳаёт асосан бир маромда давом этарди...

Латиф тошкентлик қизга кунора хат ёзар, кўнглида расмга қизиқиш бўлганидан, хатнинг тепасига албатта битта каптарнинг расмини тушириб, хат охирида қатор тувакларга солинган ҳар хил гулларни чизарди. Ибрөҳим ўзича буни бачканалик деб билар, илжайиб бошини чайқаганча, унга тегишарди:

— Сен хатни кўп бежамасдан, маъшуқанг географияга қандай қарашини суриштириб қўй, оғайнни. Бўлмаса...

Латиф қизариб-бўзариб, ёзаётган хатини яширап, кейин бехос бўғилар әди.

— Бу мени ўзи ёмон кўради, Султон ака, жудаям ёмон кўради,— дерди у болаларча жаҳл билан алам қоришган кўйда.— Бу мени болалигимда кўп урган ҳам, сиз билмайсиз, Султон ака...

Ибрөҳим баттар илжайиб, бошини чайқарди:

— Жинни! Болаликдан гапириб, қўлимни яна қи-читябсан...

У Латифга ора-сира тегишиб туришини айтмаганда, жиддий юрар, айниқса, Султонга нисбатан муносабатда жиддий әди. Бунга фақат Султоннинг ундан ёши улуглиги сабаб эмасди. Ибрөҳимга Султон қандайдир сирли киши бўлиб туюларди. У Султон билан тез-тез суҳбат-

лашиб туришга дил-дилдан ташналикини ҳис этар, ҳар гал суҳбатлашгач, ўзини қаидайдир улгайиб, яйгича камолотга эришаётгандек сезарди. Иброҳим Султоннинг мамлакатлар, одамлар, қизиқ тарихий воқеалар, дунёда юз берадиган ҳодисалар тўғрисидаги ҳикояларини тинглаб, сафдош дўстининг билим доираси нақадар кенглигидаи ҳайратланар, ўзига-ўзи то ҳозир ҳеч нарсанни ўрганмай, сўнгайиб юравергандек туюларди... Бемалол суҳбатлашиб ўтиришга албатта ортиқча вақт ҳам, шиконият ҳам йўқ: Султон кўпинча уйдан-бундан, узуқ-юлуқ сўзларнади холос, Иброҳим шунга ачинарди. «Лондонда бир тобутсиз чол вафот этган қайсиидир қариндоши учун тун бўйи ухламай тобут ясади; лекин бомба портлаб, уруш касридан эртаси куни танишнотанишлар унинг ўз жасадини шу тобутга солиб кўмишади... мана, сизга урушининг манзараси!»— дерди баъзан Султон. Баъзан бундай ҳикоя қиласарди: «Лола деган етти ёшлардаги қизча бор эди. Ўзи жуда кичкип-па-ю,вой, ҳандалак бўйли, деб ҳазиллашсангиз, жаҳли чиқарди; катталарга таклид қилишни ёқтиради. Ҳар ҳафтада кинога бораради; «Чапаев» фильмини бир ўн марта кўрган. Биласизми, қизча Чапаевнинг фильм охирида дарёга чўкиб кетишини ҳеч қабул қилолмайди; ҳар гал, Чапаев ниҳоят сувдан чиқса керак, деб кутади. Фильм одатдагидай тугагач, уйга қош-қовоғи солиниб, хафа бўлиб қайтади... «Султон ора-сира Иброҳим ҳеч қачон эшитмаган ёки эшитиб, кимлигини унча билмаган кишилар номини тилга олар, улардан ёниб, жўшиб гапиради. Спитамен, Сосунили Довуд, Муқанна. Кейин, Бателмус, Рафаэл, Архимед, Данте... Иброҳимнинг хаёлида бу номлар қоришиб кетар, Султон булардан қайси бирлари ҳақида қандай фикр юртгани ҳам тезда хотирасидан кўтариларди. У Султоннинг самовот ва инсоннинг кўкка парвози тўғрисида ҳаммадан кўпроқ сўзланишига эътибор қилган, унда иегадир: «Султон ака илк ёшликда учувчиликка қизиқсан бўлса керак!»— деган-

дек таассурот уйғонганди. «Бир вақтлар машхур Блерио Ламанш орқали учганида, жаҳон ҳайратга тушиб, ёқа ушлаганди,— дерди Султон.— Аслида, бу ҳеч қандай мұйжиза әмас, оддий воқеа әди. Ҳали инсон ер шарини бир кунда, бир соатда гир айланыб, қайтиб құнадиган бўлади; ҳалн одамлар сайдердан сайдерага ўтиб, йўл-йўлакай тўхтаганча, папирос ҳам тутатиб оладиган бўлишади!» Иброҳим «машхур Блерио»ни билмас, бундай ҳикояларга яхши тушунмасди. Унинг ҳаётда эгаллаган бутун билими ҳам, умрида қилган бутун меҳнати ҳам ерга, дехқончиликка даҳлдор әди. Аммо шунга қарамай, у ўзини оқтамасди. Дунёда анча-мунча гаплардан бехабар эканини ҳис этиб уялар, сафдош дўсти баҳонасида ўзи бнитмаган нарсаларни ўргангиси келарди...

Султон қанчалик камтарлик қилиб, индамай юрмасин, бари бир, унинг катта муаллим, таниқли шоир экани аста-секин кўпчиликка ошкор бўла бошлади... Навбатчиликда турган Иброҳим бир куни баракка қовун кўтарган иккى кишини бошлаб кирди:

— Орамизда Жўра ака дегани ким, йигитлар?

Султон ўрина чўзилиб ётганди, ирғиб туриб, қайрилиб қаради; сўнг келган меҳмонларга пешвоз югуриб, улар билан дарҳол қучоқлаша кетди. Султонни эскидан танишлари, аксар қадрдонлари отасининг исми билан «Жўра ака» аташар, бунга унинг ўз шеърларига «Султон Жўра» деб имзо чекиши ҳам маълум даражада сабаб бўлган әди. У ниҳоят атрофидаги йигитларга меҳмонлардан бирини Қосимов, иккинчисини Мамажонов деб таниширди; атрофидаги йигитларни ҳам уларга танитди.

— Биз кетябмиз, Жўра ака,— деди Қосимов.— Бир оз бўш вақт бор әди, ҳовлиқиб буёқса келавердик...

— Балки бошқа кўришармиз, балки йўқ. Сизни учратмай кетаверишни кўнглимиз қабул қилмади,— деди Мамажонов.

Султон дўстларини кўрганига хурсанд эди, завқла-ниб кулди:

— Қўйинглар, ундай гапларни! Бизга дийдор наспб этмасдан, кимга насиб этади! Қелганларинг учун эса каттакон раҳмат...

Шундан сўнг Султон билаи дўстлари институт, ада-биёта тегишли гапларни ўртага тўкишиб, анча суҳ-батлашишди. Улар Москва остоналаридаги жанглар, Ленинград қамали тўгрисида ҳам гаплашишди. Кейин Кавказ, Калинин, Сталинград фронтларидан сўз очишиб, биз қайси фронтга бориб қоларканмиз, ҳаммамиз бир ерга тушсак қанийди, деб хаёл қилишди. Ниҳоят, баракдаги барча йигитларнинг оғзи тессин, деб қовунларни юпқа тиличларга қирқишиб, ҳаммага тенг тарқатиб чиқишид. Меҳмонлар Султон билан яна бир карра қучишиб, бу ердан кетишгач, Иброҳимнинг бирдан қош-қовоғи осилди.

— Катта мударрис экансиз, Султон ака, шоир экан-сиз. Индамайсиз,— деди у.— Қамтарлик яхши, лекин айтиб қўйсангиз...

Султон чеккага ўйчан тикилиб турганича, унга осо-йишта жавоб қилди:

— Бунинг аҳамияти йўқ, Иброҳим. Биз ҳаммамиз ҳам аскармиз...

Султон ўзининг мавқеи, обрўйига лоқайд қараса-да, шу воқеадан кейин кўпчилик йигитлар унн олдинги пайтлардагига нисбатан энди кўпроқ авайлашга ҳара-кат қиласидиган бўлишди. Улар Султон тўгрисида ўзла-рича: «Бу одам келажакда ҳётга ҳозиргидан кўпроқ хизмат қилиши мумкин! Бундай одамларни албатта асраш керак!»— дейишарди... Султон Иброҳим, Латиф, самарқандлик Азизов, Рустамов ва Акрамовлардан бўлак, Енгил саноат техникумини битириб маълум муддат Бухородаги заводлардан бирида механик бўлиб ишлаган тошкентлик Жалол Шаҳбозов деган йигит билан ҳам қалин дўстлашганди. Бу йигит ҳар қандай

шароитда йўлини топиб, Султоннинг кўнглини кўтаришга уринар, жилла қурса Бухородан гап очар, Султонга ҳамиша нимадир ёрдам кўрсатишига ошиқарди. У баъзан кундуз, баъзан тунда пойи-пиёда узоқ йўл босишига нида, ҳеч кимга сездирмай, Султоннинг елкасидаги юкини олиб, кўтаришиб борар, Султон ошхонада навбатчилик қилишига тўғри келганида, Султонга ўқишёзишига вақт қолсин, деб ўзи иккита пақирни кўтариб сув ташиш, картошка тозалашга тушиб кетарди... Аммо Иброҳим сафдош дўстига ҳаммадан кўпроқ қайишиб, энди уни қадам-бақадам кузатишни одат қилганди...

Аскар йигитларга теккан тамаки доим бирдай етарли эмас, мурч-қалампир сингарни дориворлар деярли топилмас эди. Султон аксига кўп чекар, аччиқ дориворларни ёқтиради. Шундан у гоҳо уйдан доривор, папирос, гугурт юборишларини сўради. Бироқ бир папиросни торта бошласа, тамом, атрофини дарров «харидор»лар ўрашарди. Султон беозор одам бўлганидан, папиросни ҳам, гугуртни ҳам атрофдагиларга улашиб, ўзи яна қуруқ қолаверарди. Ёки икки қатор узун стол қўйилган, беш юз-олти юз киши бир йўла овқатланадиган катта ошхонада ўтириб, қўйин чўнтағидан дориворни чиқариши заҳоти, атрофдан унга томон чўзишишар, дам ўтмай дориворлар ҳам кунпаяқун бўларди.

Иброҳим Султоннинг қўли очиқлиқдан жабр чекиши, кейин қийналиб юришини билар, Султонни атрофдагилар тушунишмаганидан хуноби чиқарди. У, айниқса, Латиф ҳам чекиш, доривор борасида Султонга шерикчилик қиласидиганлар тоифасига кирганидан куярди. Латиф Султоннинг теграсида айлананаётганини кўриб, баъзан тутақиб кетарди:

— Сен папиросни қўлингда тўғри тутолмайсан; ка-шандаларга суқилиб нима қиласан, оғайни!— У баъзан ошхонада ҳам Латифни тергар, кинояли оҳангда сўз қотарди:— Сизга худди мана шу доривор етмай турганди, жигарим, Олаверинг!

Султон атрофдагилардан сира инжимаганга ўхшар, у қийналса, ҳамиша ўзича қийналарди.

Иброҳим Султоннинг шундай майдадчидалар бобида ҳам ўзини ниҳоятда содда, оддий тутишига қойил қоларди. У энди Султоннинг болалик, илк ёшлик кунлари Бухорода ўтгани, уйда хотини, ўғли ва қизчалари қолишганини биларди. Баъзан: «Менинг болаларимга ойиси ҳафтада, ойда озмоз ширинлик ҳам олиб бераётганмикин?!»— деб куюниши ва баъзан: «Уй-уйларимизда ҳар қалай палов пиширишнинг иложи бўлаётганмиккин?!»— деб қайфуришидан хабардор эди.

— Ширинлик, дейсизми, Султон ака? Палов, деябсизми?— сўрарди Иброҳим Султоннинг яна нималар дейишига қизиқсиниб.

— Болалар ўзининг бола эканини унутмаслиги керак!— дерди Султон ўйчан ҳолатда.— Бизнинг паловдан ўтадиган таом йўқ. Халқ қашшоқлик пайтларида ҳам, ёвғон учун оловни ёқиб, ошни орзу қилган...

Иброҳимнинг назарида аскар Султон ўзи биринчи марта поездда учратган — қора костюм кийиб, бўйинбог таққан, пальтосини шунчаки тиззасига ташлаб ўтирган малоҳатли, ёқимтой зиёлига деярли ўхшамасди. Аскар Султоннинг гоҳо ҳазиллашиб: «Мен ўзим тоза оқ эдим; бу ерда кўмирдан ҳам оқарниб, ҳабашга айландим-қолдим!»— дейишида жоп бор эди. У аслида қишлоқ фарзанди экани энди очиқ-оидин сезилар, Султон бир қарашда умуман деҳқонпўрим кишини, қишлоқлардаги росмана бригадирларни эслатарди. Юриш-туриши вазмин, осойишта эди. Секин, оғир, салмоқли, андак дағал товушда гапирав, атрофга кескин ва қандайдир ҳорғин қаради. Ошхонада кўпинча суюқ ошга нон тўғраб ўтириш одатидан тортиб, обинонни бошқача қадрлаши, баъзан палов тўғрисида сўзлашигача унинг зиёли даражасига кўтарилиб, оддий, содда халқقا хос хислатларини ўзида сақлаб қолаверганидан далолат берарди...

Киш, баҳор ўтиб, ёз келди. Ҳаво иссиқ. Дим. Қуни бўйин терлаб хандақ қазишарди. Кейин отишмалар. Қе-йин гоҳ эмаклаб, гоҳ туриб югуриш; от чоптириш, қи-личбозлик. Машғулотлар ҳам, машқлар ҳам энди муай-яни изга тушганига қарамай, ҳамон мاشаққат етарли; кун деган, тун деган гап йўқ...

Султои барча йигитлар сингари толиқар, аммо шунга қарамай, кейинги кунлар у кўпинчада баракда ҳамма уйқуга кетгач, ўринда ёибошлаб, ҳовлидан тушган хи-рагина ёруғликда қалам тебратгани-тебратган эди. Фақат ҳордиқ пайти эмас, машғулотлар, машқлардан бўш соатларда ҳам, бир чеккада ўтириб олганча дафтар тўлдириар, тинмай ёзарди. Теграсидаги йигитлар унга ҳазиплашиб:

— Бу Султон ака, уруш битгач, биз тўғрида ҳам бирон китоб ёзасизми ёки йўқми?!— дейишарди.

— Сизлар ҳақда бошқача бир китоб ёзаман,— дерди Султон кулимспраб. Ўнинг кўнглида чиндан энди кейинчалик насрй бир китоб ёзиш нияти туғилган, у ўзи ҳаётда кўрган-кузатган айрим муҳим воқеаларни, ўйларини ҳозирдан қофозга тушириб боришига қарор қилган эди...

Мактабда машғулотлар ҳам, машқлар ҳам ниҳояси-га ета бошлагандек эди. Йигитлар казармадан дараҳт-зор томон кўчиб чиқишиди; ерни текислаб, оқ чодирлар қуришиди; кетмон, белкураклар кўтаришиб, уззукун қандайдир йўллар очиш билан шуғулланишга киришишиди.

Латиф яна кунора «уйга бир кириб чиқишлини» мумкинлиги тўғрисида гапирадиган бўлган, аммо улар ҳамон мактаб бағрида юришар, уларни энди нималар кутаётгани маълум эмас эди. Фақат юраклар гўёки жойидан қўзгалиб, аиа-мана йўлга тушнишганига ўхшашарди...

Султон анча кун бурун ўзи бошлаб қўйған, уйга жў-
натиши керак бўлган бир хатни ниҳоясига етказолмас-
ди. У бундай сўзлардан кейин тўхтаб қолган эди: «Бо-
тир тупроққа қоришиб, бувисини қийнамаябдими?!
Нурия ҳар бир қаттиқроқ айтган сўзга ҳамон кўзлари-
ни қизартириб, йиғлаб оладими?! Румиянинг соchlарин
ҳалиям жингалак бўлиб ўсябдими?! Илҳомия чиндан
тамоман оёққа турганми?!»

Султон уйи, хотини, болалари сингари, ёзув столи,
институт ва айниқса қоракўз талабаларини кўпдан бўён
кўмсарди. У аксар ўзини институтдаги катта аудито-
рияда нари-бери юриб, маъруза ўқиётгандек ҳолатда
ҳис этар, талабалари билан хаёлан сухбатлашарди.

— Кечирасиз, муаллим. Сиз отлиқ сипоҳи тўғрисида
бир пайтлар ёзгансиз:

Чу, тулпорим, ёллари олтин!
Чу, қайдасан, баҳтли манзилим!
Энди бу бош қўрмагай зулм!
Чу, тулпорим, ёллари олтин...

Бу сатрларни ҳамон эслайсизми?!

— Эслаганда қандоқ! Мен ўзим энди отлиқ сипоҳи-
ман-ку, ахир... Кейин ҳам у ҳақда ёздим...

Алл тогини ошган чоқда Суворов,
Ойда қолган тулпорининг сояси...

Ёки:

Алпомишнинг Бойчибар оти,
Тўрт ярим газ эмиш қаноти...

— Сизнинг отлиқ сипоҳига бундай мурожаат қилга-
нингизга боис нима?!

— Мен кўпчилик шеърларимда осмон, ой, юлдузлар,
қанот, учиш тўғрисида сўзлагандим. Ҳаттоқи, инқилоб
пайти кўчаларни тўлдирган курашчилар ҳақида ҳикоя
қилаётib, бундай манзарани чизгандим:

Саф — учишга интилган шунқор...

Менга отлиқ сиipoҳи ҳам шу мазмунда керак эди...

— Нега энди?!

— Мени аввалдан олдинга интилиш, аниқроғи, парвоз қизиқтири. Мунажжим Брунога бағишилаб достон ёзганимнинг боиси ҳам шу. Бу етмагандек, «Парвознома» деган алоҳида достон ҳам ёздим...

— Демак, сиз учун, парвоз...

— Йўқ, мен умримда ҳар нарсадан кўпроқ эрк ва кураш тўғрисида ўйладим. Парвоз восита эди. Парвоз — эрк. Узоқ замонлар эрксизлик кўрган инсоннинг ўзи парвозни орзу қилмаганми?! Мен халқа суюндин. Унинг эри йўлида курашини Парвоз шаклида ифодалагим келди...

Султон суратга тушишини ёқтирамасди. Аммо йигитлар аскар кийимида эсдалилка сурат олдира бошлишди ва Султонни ҳам қўймай етаклашди. У сурат тайёр бўлгач, уйга жўнатишни ўйлаб, орқасига: «Суратимни юборяпман. Уйда ўзим борган каби меҳмон қилиб турсизлар!»— деб ёзди. Кейин анча кун бурун ўзи бошлаб қўйган хатни ҳам қисқача якунлади: «Моҳира, сентябрь келябди; мабодо институт томон йўлинг тушса, мендан суюкли, азиз талабаларимга алангали салом етказ...»

Султоннинг хатларига Моҳира тез-тез жавоб ёзиб турарди. У хатларидан бирида бундай сўзларни ёзганди: «Яшайбмиз. Болаларим аста-секин ақлга кириб, одам бўлишабди. Танимиз соғ. Кўпчилик қатори ишлайбман. Атрофимда оқкўнгил, меҳру оқибатли аёллар; кишининг худди жони... Лекин ойим сал чарчаб қолябдилар. Болаларга қарашадилар, бозор-ўчар, уйнинг бутун юмуши. Буларнинг бари устига, ҳозир қишлоқларда мева-чева ғарқ пишиб, сабзавотлар етила бошлаган, йиғиб оладиган одам йўқ; шаҳардан ёрдам сўрашябди. Маҳаллада, ҳар бир хонадон бир одам берсин, деган гап чиқиб, хуллас, ойим шу кунлар баъзан қишлоққа ҳам қатнаядилар. Кексалар ўзи жуда бардошли бўли-

шаркан; миқ этмайдилар. Ойимга қараб, мен ўзим бир оз эзиламан...»

Султон шу кунлар уйни ўйлаганида қайноаси ҳам күпинча хаёлида жонланарди. Моҳрўй опа мискин аёл. Уйда у одатда жим, соядеккина юрар, уйдагиларга мутедек хизмат қиласарди. Моҳирадан анча катта ёшдагп ўғли бир пайтлар қўққисдан касалга чалиниб, бемаврид ўлиб кетгани учунми, ҳар қалай, Султонга қаттиқ меҳр билан, сифиниб қарап, афтидан, кутилмаган бирон-бир кор-ҳол рўй бериб, уйда уни ҳам йўқотиб қўйишларидан қўрқарди. Аммо кампир күёвинг турли-туман давраларда бўлиб, ҳар хил одамлар билан қўришиб туриши, баъзан оз-моз ичиб қайтишини сира ҳазм қилолмасди. Бу унинг юз-кўзларидан билиниб турарди. Аммо Султонга бу тўғрида ҳсч қачон индамас, ён берганга ўхшар эди. Султоппинг кўп ческиши ҳам кампирга маъқул эмасди. Аммо бунга у фақат ён бериб қолмай, ҳаттоқи ўзи уйга пачкалаб «Беломорканал» ташир, чамаси, куёви кеч тунларда тамакисиз қолиб қийналишини истамас эди. Султон ҳам ўз иавбатида кампирга бир масалада ён беришга мажбурият ҳис этарди. Моҳрўй опа художўй эди. У кеч ётар, шунга қарамай, албатта саҳарда туриб, бомдод намозини ўқир ва қуръон сураларидан биронтасини пичирлаб такрорларди. Кампир рамазон ойларида рўза тутиб айниқса қийналар, баттар озиб-тўзиб кетарди. Султон кампирнинг раъйига қарап, шу боисдан унга лом-мим демас эди. Аксинча, рамазон ёки қурбон ҳайити кунлари (кулгили...) қайноасини табриклаб қўяр, унга нималардир совфа қилишга уринарди. Султон Моҳрўй опадан баъзан ўзини барваҳт уйғотиб қўйиншини сўради. Бироқ бехосдан уйғониб кетган пайтларида ҳам ўрнидан турмай ётар, кампир келиб: «Турмайсизми, болам?!»— дейишини кутарди. Кампирга ибодат пайти халал бергиси келмасди...

Моҳира бошқа бир хатда ўқинч билан Хўжақул қўлидаги шеърларни ҳалига довур кўриб ҳам чиқмагани-

ни билдирганди. Султон бу ҳақда энди кўп ўйлагиси келмасди, хотинига: «Қўявер, бу ишлар кейин»— деб ёзди. Ўзи Хўжакулга хат йўллаши мумкин эди, мағрурлиги бунга йўл бермади...

Моҳира кейинги хатида Сайддан дарак келганини ҳам ёзган, энди Сайд ҳам аскарликка жўнаганини ха-бар қилганди...

* * *

Аскарларни чиниқтириш мақсадида мактабда спорт-га алоҳида эътибор берилган, сўнгги пайтлар отлиқ батальонлар ўртасида мунтазам мусобақалар ўтказиб туриш расмга айланганди. Бу йигитлар маҳорат эгал-лашганининг ҳам белгиси эди...

Аскарлар орасида: «Кино олинармиш. Бизни уруш киносида суратга туширишармиш!»— деган гап ўрмалаб қолди. Қўп ўтмай, чиндан ҳам машиналарда бир гуруҳ эркаклар, аёллар — кино хизматчилари келишиб, ҳар томонга прожекторлар, суратга оладиган аппаратларни ўрнатиб қўйишли. Ва ниҳоят, йигитларга улар иштирокида бири тарихий, бири ҳозирги урушга бағишланган икки фильмдаги айrim ҳолатларни лентага кўчириш мўлжалланганини маълум қилишди.

Йигитлар саф тортиб яланг майдонга чиқишли. Улар биринчи фильм учун баҳодир сипоҳларнинг от устида қиличбозлик санъатини намойиш этишли. Иккинчи фильмда, аксинча, қочқин немис аскарлари қиёфасига киришиб, кичикроқ жанг манзарасини жонлантириб беришли.

Султон шу фильмлар суратга олинаётганида бир куни, Тошкентдан танишлар чиқармикин, деган ўйда кино хизматчилари билан юзлашди. Аммо уларни кўздан кечираётниб, бирдан кўзларига ишонмай, қотиб қолди... Шарифа...

— Шарифа...

Атлас кийиб, бошини одмигина рўмол билан танғи-

ган Шарифа ҳам Султонни кўриб, бир лаҳза донг қот-
гандек бўлди. Кейин улар туғишиганлар сингари бир-
бирларининг бағирларига отилишди.

Танаффус пайти эди. Бир оз сўзлашиб олгани чек-
кага чиқишиди.

Султон Шарифани бу ерда учратганини ҳамон хаё-
лига сиғдиролмасди. У кўп йиллар давомида бу аёлни
Хўжақул билан бирга кўравериб, уларни «бир бутун»
ҳолда тасаввур қилишга одатланган, шу боисдан ҳам
одамлар ўртасида қадри қиммат ҳар қачонгидан минг
чандон ўсган уруш пайти Шарифанинг Хўжақулдан
бундай айри юргани унга ғайритабиий ҳол бўлиб тую-
лар эди.

Султон Шарифани кўриб беихтиёр бир пайтлар Ан-
дикондаги зиёллар уюшиб турган дўстона даврларии
ҳам эслади.

Шарифага нима бўлди?! У нега бу ерда тентираб
юрибди?!

Султон Шарифадан жуда кўп нарсаларни сўраб-су-
риштигиси келарди... Аввало унинг ўзи тўғрисида. Ке-
йин албатта Андикон, уй, Моҳира, болалар... Қолавер-
са, Хўжақул, шеърлари... Бироқ Султон бу ерда юрган
Шарифадан ҳеч нарсани сўрашга ўзини ҳақли деб бил-
мас, бунга ботинолмасди.

Шарифанинг ўзи ниҳоят сўз очди.

— Мен сизнинг олдингизда бир оз хижилман, Сул-
тон ака,— деди у.— Шеърларингиз қолиб кетди. Хўжа-
қул акага бир-икки гапирдим, гапимни эшитгиси келма-
ди. Бошқа ҳеч нарса қилолмадим... Моҳирахон, бола-
лардан ҳам хабар олганим йўқ... Ҳолбуки, мен сизнинг
олдингизда бурчлиман; дунёда сиз бўлмасангиз, балки
ўлиб кетгунимча суяк-суягимга чирмашган кишанларни
узишга журъят қилолмасмидим...— Шарифа ютиниб
қўйди; чамаси, ўзини бардам тутишга уринарди.— Уй-
дан кетганимга иккى ойдан ошди, Андиконни согиндим.
Синглим, болаларини эсламаган пайтим йўқ... Топган-

тутганимни юборябман, лекин бари бир уларга менсиз қиийн...

Султон Шарифа билан Хўжақул орасида каттакон жар ястаниб ётгани тўғрисида ҳеч қачон ўйламаганди. Буни у мана энди ҳис этди. Хўжақулнинг дўстона давраларда қандай ўтирганини эслаб, фақат Шарифа билан эмас, бутун давра билан Хўжақул ўртасида ҳам аввалдан ўшандай жар бўлгани-ю, бунга ўзи негадир ақалли бирон марта эътибор бермаганини ҳис этиб, ҳайратга тушди. Хўжақулнинг давраларда ўтиришида икки ҳолат акс этарди: «Мана, менинг раҳбарлигим остида сенлар яйраб-яшнаб юрибсанлар!» ва: «Менга сенларнинг гап-сўзларинг ҳам, санъатларинг ҳам унча ёқмайди!» Қизифи шунда эдики, Хўжақул иккинчи ҳолат — ўзининг суҳбатни, шеър-қўшиқларни қабул қилмаслигига ҳам раҳбарлик тўни кийгизарди. Султон Хўжақул билан бир гал Шарифа тўғрисида гаплашиб қолганини ҳам эслади. «Менинг сиздан яширадиган гапим йўқ,— деганди ўшанда Хўжақул ўзни Султонга ниҳоятда яқин тутиб.— Сизнинг бир пайтлар ўқишга киришимдан тортиб, таълим олишимгacha ёрдамингиз теккан. Буни унутиб бўлмайди. Фақат бу эмас, мен ўзимни етимман, қашшоқман, десам, сиз мени чиндан шундай экан, деб билгансиз, бизнинг тақдиримиз бир, деб мени қаттиқ суяшга ҳаракат қилгансиз. Шундай юриб, бир купи саройдек ҳовлимиз борлиги-ю, раҳматлик онам бекадай гариллаб яшатганини кўргач, мейдан юз ўғириб кетмагансиз, бунинг ижтимоий келиб чиқиши бошқача экан, деб ҳамманинг олдида мени расвои жаҳон ҳам қилмагансиз. Ҳаммаси учун раҳмат сизга...— Хўжақул шундан сўнг афти ангори кескин ўзгариб, олдингидан буткул янгича оҳангда бундай гап қилди:— Лекин хотин масаласи мураккаб, Султонбой. Айниқса, сиз бу тўғрида гапирсангиз, ғашим келади...»

Шарифага Султоннинг кўнгли ачишиб кетди. Эҳ! Дунёда ҳеч кимга сир бермаган, аммо тўрт девор ичи-

да бахтини топмай, аслида умр гузаронлик жабридан бўлак нарсани билмаган қанча тақдирлар бор! Қордан қутулган — ёмғирга тутилганидек, дунёдаги катта тў-фонлардан бўлак, бундай жафолар ҳам бор экан-да, инсоннинг бошида!

Шарифа Султоннинг ўйларини тўзитиб юборди:

— Мана, Султон ака, кинода ҳам ўйнайдиган бўлдингиз...

Султонга Шарифанинг гап мавзусини ўзгартгани маъқул келди.

— Бу фақат... оммавий саҳна!— деди у бир оз ноқу-лайлик сезган кўйда.— Сиз-чи?!

— Оммавий саҳна... Яхши...— деди энди Шарифа ўйчан.— Йўқ, мен оддий, қора хизматчиман, Султон ака. Шунисига ҳам шукур. Балки кейинчалик...

Султон Шарифа тўғрисида, самимий аёл, ақлли, истеъоддли, фақат бир оз омадсиз, деб ўйлади. Шарифанинг саргардонлик кўчасига кирганига қарамай, барни бир, бахтини излагани эзгулиқдан нишона бўлса керак, деган гап ҳам унинг хаёлидан ўтди. У Шарифанинг кўнглини бир оз кўтариб, руҳ бағишлагиси келди.

— Мен, тўғриси, сизни учратганимга суюнганимдан ҳалигача ўзимга келолмаябман,— деди Султон ниҳоят.— Дунёда сенга қадрли одамлар билан кўришишга нима етсин. Дардлашишга ҳам. Сиз менга ёрқин кунларни эслатдингиз. Менимча, одамда нур бўлса, йўли эртами-кеч албатта ёришади. Бунга шак келтириш мумкин эмас!

Танаффус тугаганди.

Шарифа Султонга Тошкентдаги адресини, иш телефонини ёзиб берди. Тошкентга борадиган бўлсангизлар, кўришмай кетманг, деди. Султон унга албатта кўришишни възда берди. Аммо ўзи Тошкентга борган тақдирда ҳам, Шарифа билан кўришмаслигини ҳис этди...

Киню хизматчилари билан аскар йигитлариниң ҳам-

корлиги тугагач, мактабда бир оқшом «Биз Кронштатдан бўламиз» фильмни намойиш қилинди.

Султон дўстлари билан томошага чиқди, аммо у фильмини охиригача кўролмади. Фильмда мурғаккина юракдан отилган: «Ота! Ота!» деган ишо унинг қалбигин кемирғандек бўлди. Султон кино кўрсатилаётган майдондан нари кетди; папирос тутатганча, оқ чодирлар томон йўналди. Аммо дараҳтзорга етгач, бехос тўхтади. Дараҳтзорда Султоннинг бир гуруҳ сафдошлири у сингари томошани тарк этишиб, сұхбатлашиб туришарди. Булар орасида бўйдоқлар йўқ, ҳаммаси ота бўлиб қолишган йигитлар эди... Кимдир чуқур хўрсингандек бўлди. Кўнгли бўшироқ биттаси пиқплаб йиглади ҳам... Куз. Дараҳтлар вазмип шитирлашиб, япроқлар чирт-чирт узилишиябди.

Эртаси куни йигитлар таълим даргоҳини тарк этишиди.

* * *

«Фронт, Қизил Армия, эшит, ўзбек халқи сенга янада кўпроқ мадад беради...

Болалик чоқларингизда оналарингиз сизга алла ўқиб, танитган қадимги паҳлавонлар — Алпомишлар, Рустамлар, Равшанбеклар, Аваҳонлар сизга ёр ва маддакор бўлсин...

Аблаҳ Гитлер, Қизил Армия яшин тезлигида торморм келтирилади, совет мамлакати ичидан бузилиб кетади, деб ўйлаб, қаттиқ хато қилди. 15 ойлик уруш фронт ва фронт орқасининг манфаатлари бир эканлигини, жангчилар билан халқимизнинг мақсади бир эканлигини очиқ-равшан кўрсатди...

Ўша кунлардаги хитобномалардан.

* * *

«Қизил аскар Широков ва старший сержант Просолов ярадор бўлганлари ҳолда, госпиталга боришдан

бош тортиб, сафда қолдилар ва жангни давом эттирдилар...

Сталинграднинг ғарби-шимолий чеккасида шиддатли жанглар давом этди. Душман шаҳар ҳимоячилари-нинг қаршилигини ҳар қанча қурбон бериб бўлса ҳам енгишга интилинб, қисмларимизга тўхтовсиз атака қилмоқда. Кечаси гитлерчиларнинг айрим отрядлари шаҳарнинг баъзи кўчаларига суқулиб кира олдилар. Кўчаларда қаттиқ жанглар бошланиб, жанглар найза-бозлик курашига айланиб кетди...» Уша кунлардаги хабарлардан.

* * *

Улар беш-ўнта пастак бинодан иборат, янги қишлоқларни эслатган гўшадаги поезд бекатига келишиб, олдин отларни вагонларга жойлаштиришиди.

Султон ўз тулпорига ўрганиб қолган, унга ойлар давомида қандайдир меҳр боғлаганди. Отнинг олтин ёлларини, оҳуники сингари нозик бўйини меҳрибон сийпаб, тулпорим, яхши-ёмон кунларда менга йўлдошлиқ қилган тулпорим, хайр энди, қаерларга бормагин, мен сенга ҳамиша учқур қанот тилайман, деди.

Бошқа поездда Тошкентга жўнашди. Кейин «ана кетамиз, мана кетамиз» деган алфозда, юк поездлари бекатидаги перронда бир суткадан кўпроқ вақт туриб қолишиди.

Латиф уйи, ота-онаси тўғрисида қайта-қайта куюниб гапираварди. У Тошкентда бўлиб, яхши кўрган қизи билан бир қургина кўришишнинг иложи йўқлигидан ҳам тинмай жаварарди.

Иброҳим дўйондан газета олиб, бир чеккада бошини букиб ўтирганича, газета ўқишга тутинганди. У чамаси вақтнинг тезроқ ўтишинигина кутар, ҳовлиқиб ўзини ўён-буёнга телба уришларга тоби йўқ эди.

Султон ҳам газеталар олди. Аммо газеталар кўришдан тезда толиқиши ҳис этди, Бунинг устига, перронда

бирдай ўтираверишдан зерикканди. Вақтни қандай ўт-
казиш керак?! Үрнидан даст қўзғалиб бекатни бошдан
оёқ айланишга тушди. Аммо кўп ўтмай, бу ҳам жонига
тегди. Баттар толиқди. Охири Иброҳимнинг ёнига ке-
либ, деворга елкасини суюганча, бир муддат мудрашга
чоғланди... Кўзи илиниб, туш кўра бошладими, ёки бу
шунчаки бир хаёлми — билмасди, уйини яна эслаган,
хотини, болалари шундоқ қаршисида пайдо бўлишган
эди. Кўзларини катта очди; аланглади. Йўқ... Узоқ йўл-
га чиқиш олдидан, Тошкент бекатида уйни эсламаслик
мумкин эмас албатта... Султон уйдан чиққанида Моҳи-
рага, биз ҳали шунчаки ўқишга кетябмиз, деб таскин-
тасалли берганди. Аммо иш олдиндан ўйлагандек кўч-
ди: кўпчилик йигитлар бошига тушган қисмат энди
унинг ҳам бошига тушабди... Уйдан чиққанига етти ой
тўлиб, саккизинчи ой яқинлашди. Шундан буён на ёзув
столи, на аудитория, на бадиий адабиётдан тинч баҳ-
рамандлик, на қўлланма, на хонадон аъзоларини ат-
рофига тўплаган дастурхону на кўк чойни майдалаб,
ширин хаёлга ботишлар. Армия мулла қилди! Ҳаётнинг
ҳар бир лаҳзасини қадрлаб яшашга, умрнинг ғанимат
эканини ҳамиша ўйлаб туришга ўргатди!. Султон яна
кўзларини юмди; яна бўлмади... Латифнинг уйидан кўп
гапириши умуман тушунарли. Уйи бўлмаган одамнинг
Ватани йўқ. Сергак пайтингда минг карра ўзингни қўл-
га олмагин, кўзингни юмдингми, бари бир, уйингни эс-
лайсан киши. Ҳаёлдан баъзан қочиш мумкин, аммо
тушдан... Йигитлар орасида шу паллада уйини эслама-
ётгани топилмаса керак. Иброҳим?! У ҳам эслайди.
Дарди ичида. Фақат чидайди... Латифга ўхшаб бу тўғ-
рида ҳадеб гапиравермаган маъқул, ҳар қалай! Лекин
уйга бир кириб-чиқилса ёмои бўлмасди... Ҳей, сенга
нима бўлди, Султон?! Латифнинг гапини қайтарма! Э,
йўқ... Сен инсон ахир. Құдрат, матонат билан бирга,
ожизликлар ҳам сенга хос. Илож қанча. Юрак деган
нарса бор дунёда! Аммо уруш... Уруш минг йиллик

обидаларнинг бузилишига парво қилмагани сингири, инсонда юрак борлиги-ю унда соғинч, меҳр-муҳаббат, қувонч ва изтироб мавжланиб туришини билмайди... Уруш ялмоғиз; йўлида учраган, қўлига илинганд-илинмаган барча нарсаларни ямлаб кетаверади... Демак, ҳозирча кўзни чирт юмиш керак. Уруш тугамагунча, орқага қайтиш йўқ. Олдинга, фақат олдинга. Тезроқ! Тезроқ! Баҳор пайти тезоб дарёдан кечишига тўғри келган киши ўзини сув оқизиб кетмасин учун нариги қирғоқча бардам чиқиб олишдан бошқа иарсанп ўйладмайди. Сен ҳозир шундай ҳолатдасаң, йигит! Сен энди Андижонни, уйни, Моҳирани, болаларни, ёзув столи, институт, суюкли талабаларни — барини қўйиб, ятмоғизни даф қилиш тўғрисида ўйлашинг зарур! Уйда гургурлашиб ўтиришлар ҳам, қолган ишлар ҳам — кейин...

* * *

Бир суткадан кўпроқ вақт ўтиб, ниҳоят аскар йигитлар бекатда поездга ўтиришди. Йўлга тушишди.

Поезд илдам югуриб, пойтахт шаҳарни, қишлоқлар, бир кўм-кўк, бир заъфарон далаларни аста-аста орқада қолдира бошлади. Атрофда чўллар, даштлар жонланда борди.

Кўкда учар қузғунлар, ерда йирик кўланка,
Уҳшайди менинг кўнглим
Даштдаги ўт-ўланга...

Султоннинг хаёлида шундай сатрлар тизилишди. У бундай сатрларни ҳеч қачон давом эттириб, қоғозга туширмайди албатта. Бу кечаги бекатдаги ўйлар сингири шунчаки ўткинчи бир кайфият меваси. Ҳаётда анча-мунча фурбатларни кўрди Султон, бироқ улардан биронтасини умуман шеърларига киритгани йўқ. Инсон ўзи яшаётган кунлардан кўпроқ келгуси кунларни ўйлаб, ҳасрат-надоматдан кўпроқ баҳт-истиқболни куйламаса бўлмайди! Ҳаётда қайғу-алам ҳамиша топилади. Аммо

шеър ҳаёт ва юраклардаги жароҳатларни эслатиб, одамларни баттар ўкситиш эмас, асосан уларга далда, мадад бериш учун ёзилади. Айниқса бизда бу шоирлик-нинг биринчи шарти...

Бизда шоир бўлмоқ улуғ бир шараф!
Бизнинг қўшиқлардан эшилмас зор...

Шундай...

Поезд Қозоғистон ерларидан ўтиб бораради. Арис, Чияли, Қизил Үрда, Қазали, Оқтўба... Бекатлар бир-ма-бир кўзга чалинишиб, изга чекинишарди.

Султон болалик пайтларидан Қозоғистонга айрича меҳр кўйган, бу меҳр унинг юрагида йилдан-йилга ўсиб борганди. У Қофолтомда қозоқ болалари билан бирга бўлган, Бухорода ўқиб юрганида ҳам қозоқ йигитлар билан дўстлашган эди. Кейин Султоннинг Қозоғистонга бир неча қатла йўли тушганди. Кейин бу ўлканни «Бепоён олам» атаган Абай шеърияти. Кейин оҳанги биланми, руҳи биланми, чиндан «бепоён олам»ни эслатган, қандайдир чўллар ҳиди анқиган қозоқ қўшиклиари... У аввалдан қалбига яқин бўлиб қолган ўлка билан яна юзлашганига чексиз мамнуният ҳис этди.

Кунлар қуёшли, илиқ, аммо тунлар, тонглар салқпн эди. Эрталаб қуёш қизариб чиқар, кечқурунлар осмон қўрғошин тусини оларди.

Арис билан Қизил Үрда орасида аскар йигитлар қовун-тарвуз кўп, арзои эканини кўришиб, вагонларни қовун-тарвузга тўлдириб юборишиди; тамаки, ёғли кулчалар, ҳар бири гардишдек келадиган уй нонлари ҳам харид қилишиди. Оқтўбада поезд анча тўхтади. Бу ерда сут, қимиз кўп, йигитлар лайрашиб, Қозоғистонни олқашди. Султон бу бекатларда «бепоён олам» деган сўзларни такрор эслади...

Поезд бекатдан-бекатга ўтгани сайин, Султоннинг кўнглидаги мамнуният ўринини изтироб эгаллай бошлади. Йўқ, энди у ортда қолган уйи, хотини, болалари ёки ўзини ўйлаб эзилмас, қайғурмасди. Йўлларда кў-

чиб келишаётган сарсон-саргардон кишилар сочилишган эди. Қадам-бақадам бундай кишилар сафи ўса бориб, улар катта бир дарёга айланишди. Мункиллаган чол-кампирлар, кулфатдан довдир, паришон бўлиб қолган аёллар, дийдираган норасидалар. Султон Ботир тенги болалар, Нурия, Румия, Илҳомия тенги қизалоқларни кўриб, айниқса, эс-хушини йўқотди. Бир бекатда очлигидан бармоқларини ғажиган пахмоқсоч қизалоқка кўзи тушганида, умуман, ҳўнграганча йифлаб юборди. Қўллари муштга тугилди. «Эҳ, уруш инсонни қандай кўйларга солмаётир!»— ўйлади ўзича Султон. Кеинин, яна, лаблари пичирлаб, юрагидан бундай нидочиқди: «Эҳ, дунёл Лаънатлар, минг лаънатлар бўлсин қабиҳ Гитлер ва унинг бўри жаллодларига!»

Уруш...

Султон бу тўғрида, фашизм тўғрисида кўп ўйлаганди. Уруш арафасида дунёдаги воқеаларни кузатиб, кўпгина зийрак кишилар сингари, уларни мушоҳада қилган эди.

Йўқ, у йўлларда сарсон-саргардон кишиларни, айниқса, норасидаларни учратиб, мана энди чинакам уруш нафасини туйган, фашизмнинг башарасини аниқ кўргандай бўлди. Юрагида илк дафъа ҳар қачонгидан кучли адоват уйғонди. Шундандир, қайсиdir бекатда сoddадил бир йигит: «Эй, паровозимизнинг фидирлари жуда катта экан!»— деб, ажабланаркан, Султон: «Фидирларим катта, илдамроқ юролмайман!»— деган гапни эслади, яна: «Тезроқ! Тезроқ!»— деган нидо қалбини чулғагандек бўлди. «Менинг болаларим шукур қилишлари керак; иссиқ уйда туришади, устлари бут, қоринлари тўқ. Бу йўллардаги бечора болаларнинг эса ҳолига қараб бўлмайди!» У шундай гапни ҳам ўйлади, муштдеккина бошига уруш даҳшати тушган норасидалар ҳаётини қизчаларига қандайдир йўсинда ҳикоя қилгиси келди...

Оренбург, Рязань, Москва.., Россия!

Бекатларда энді уймалашиб юришган чоллар, кампирларғина күзға ташланишарди. Улар ион, мой, сут, құймоқ, ҳар хил сомсалар, писта сотишарди. Бекатларга қоп-қоп, челак-челак картошка олиб чиқышарди. Деярли ҳамма ерда буларнинг эвазига туз сўрашарди; ҳеч бўлмаганда бир кафтгина туз. Султон: «Туз берсанг, қиз беришади!»— деган эски бир нақлни эслади. «Ўзи ҳаётдан таъм кетганида, таомдан ҳам таъм кетарканда!»— деган бир гап хаёлидан ўтди.

Ҳаво гоҳ очиқ, гоҳ булатли, қуёш илиқ нур таратар эди. Йўлдан икки ёнда ястаниб ётгац, қуёш нурлари остида олтин каби сарғайған ўрмонлару улар бағрида гуркираб, кўкариб ётган ям-яшил сўқмоқлар кўзни яйратар, кишини осойишталикка даъват этарди. Султон рус ўрмонлари кузда қапчалик раиггин, гўзал эканинн ўйлаб, кўнглн энди бир оз ёришгандек бўлди; Репин манзаралари, Шишкин чизган кўплаб ўрмон тасвирлари ёдига тушиб, ўзича: «Шундай гўзалликни кўра олган инсон нақадар баҳтиёр!»— деган гап кўнглидан кечди.

У Россияга турли фаслларда сафар қилганди. Дастрлаб Бухорода ўқиб юрган пайтлари талабалар билан экскурсияга юборилганди. Кейин муаллим сифатида борди. Кейин сайру саёҳат баҳонасида. Кейин шоир тарзида! Үлка кумуш қор кўринасига бурканиб ётган қишда ҳам, илиқ баҳор кунлари, ҳаво мұттадил бўлган ёзда ҳам! Аммо Россияга аскар кийиміда, кузда биринчи марта сафар қилишн әди. Демак, бу ҳам тақдирда бор экан! Яхши!

Султон бир гал Москвада лўлилар труппасининг концертини кўрганди; вагон ойнасидан ўрмонларга тикилганча бораётисб, шуни эслади. Ўшанда, у лўли рақслари, қўшиқларидаги ўтли чайқалишлардан, ниҳоясиз исён, теран фарёддан шу қадар таъсирлапган эдикি, умрида ҳеч қачон бундай ҳолатни ҳис этмаганди. Бутун сафар давомида ҳам, Андижонга қайтганидан сўнг

ҳам — узоқ фурсат, ўша концерт таассуротида юрган-ди Султон. Пушкиннинг «Лўлилар», Толстойнинг шу мавзудаги «Тирилган мурда»— асалари хаёлида чулғанган, унга буюк санъаткорларнинг бундай асалар ёзишида нимадир ҳикмат, сир бордек бўлиб туюлган эди. Яна шулар хаёлидан кечди...

Поезд Москвага етиб келди.

Қора дengиздан Баренц дengизигача шиддатли жанг-лар борар, уруш айни қизғин паллага кирган эди.

Москва яқинидаги шаҳар-қишлоқларни душманлар вайронага айлантиришганди. Москвага кириб, Шарқдан Фарбга қараб юрган сайин, ҳаммаёқда ерга тўкилган, куйиб-қорайган иморатлар кўзга ташланарди. Душман пойттахт шаҳарга босим ҳамла қилиб, оstonага етган, оstonада парчаланиб, кескин суринишга мажбур бўлганди. Москва, Тула, Орёл, Смоленск, Ленинград атрофидаги анча ерлар энди озод қилинган; тиши-тирногига-ча қуролланиб, мўри малаҳдай бостириб, талафот етказганча келётган душманга биринчи аёвсиз зарба берилганидан, уруш йўналишида янгила давр бошланганди. Султон ўзи билган шу гапларни хаёлидан кечириб, буёғи ҳамма ишлар ўнгариб кетади, биз ғолиб келамиз, деб ўлади. Йўлда сарсон-саргардон кишиларни кўриб қанчалик эзилган бўлса, ашғол-дашғоллар, каравотдан тортиб болаларнинг ўйинчоқ-қўғирчоқларигача анжомлар билан куйиб-қорайиб ётган харобаларга тикилиб, шунчалик изтиробга тушди. Яна қўллари муштга тугилиб, лаблари пицирлаганча, урушни, фашизмни лаънатлади...

Аскар йигитлар Москвада бир тунни ўтказишиб, бу ердан Подольска, кейин эса Ковров шаҳарчасига келишди...

* * *

Улар Ковровда қўним топишди. Янгидан машқларга киришилди.

Қарийб бир ойча вақт йўлда ўтганди. Ноябрь, сўнг декабрь бошланди.

Бу ерда ҳам ортиқча бош қашишга вақт йўқ, кун деган, тун деган гап йўқ. Урушга кирадиган дамлар яқинлашиб қолгани сезилар, кутилмагандага тревога эълон қилиниб, кутилмаган ҳар соатда синовлар ўтказиб турилар эди.

Султон энди Бухоро ва Андижон тўғрисида кам ўйлар, баъзан орқага хаёлан ўгирилиб қараганида, бутун Ўзбекистон кўзига яхлит ҳолда кўринаётгандек бўларди. У ўзи туғилиб-ўсган, вояга етган она юрт манзараларинн кўз олдига келтириб, шеър пи chirларди:

Ўзбекистон — ўн беш кунлик ой...

Унинг юзига бехосдан олис бодлар шабадаси урилаётгандек бўларди:

Еллар — шоҳи рўмомча гўё,
Чеҳралардан тер артиб қўяр...

Султон суюниб, ўэича бодлардан далаларга йўл олгандек ҳолатни ҳис этарди:

Булутлар чўғ. Уфқ кенг ўчоқ...

У кўзлари беихтиёр ёшланиб, қоп-қора осмонга тикилар, бу осмон ўрнини хаёлида Ўзбекистон осмони эгалларди:

Парча шоҳи — булут этаги,
Силаб ўтар ойнинг чеҳрасин...

Султоннинг Ўзбекистон тимсолида осойишта ҳаётни қўмсагани сезилар, у яна пи chirлар эди:

Қўлдан-қўлга қушдай қўнар чой,
Унга оплоқ сут тўкибди ой...

Султон йўлдаёқ жангуда юрган пайти Ўзбекистон билан мустаҳкам боғланиб туришга қарор қилган эди. У тинмай дафтар тўлдиришдан ташқари, яна шеърлар ёза бошлаганди; Ковровга келибоқ, «Қизил Ўзбекистон» редакциясига хат йўллаб, Қизил армияга

бағишланган янги шеърини юборди... Уйдан келган хатлардан тортиб, Тошкентдан жўнатилгани мактублар, газеталарни кўзларига суртиб ўқирди. У энди катта бир гвардия ўзбек адиллари хизматда ва фронтда эканидан хабардор эди. Гулом Фафуров, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Ҳасан Санд, Талъат, Мамарасул Бобоев, Назармат... У газеталардан Фафур Гулом, Ҳамид Олимжон шеърлари қатори мана шу кўпчилик жангчи адилларнинг шеърлари, ҳикояларини ҳам ўқиб борар, уни Ўзбекистонда фронтга ёрдам, етим-есирларга уйжой бериш борасидаги гаплар қанчалик қизиқтираса, ўзи билан қисмати бир адиллар ижоди ҳам шунчалик қизиқтираар эди.

Қасам қиличидаги ғазаб қаҳри бор,
Ғазаб қиличининг кескин заҳри бор...

Бу — яқинидагина ҳарбий қасамёддан ўтган Шароф Рашидовнинг шеъри.

Ўрмалар қаршимда ўлим, ҳавф-хатар,
Ер титраб, ўрмонлар кўтарар шовқин...

Бу шеър ҳам «Қасам» аталади. Ёшлидан Назармат ёзган.

Ўзбекистондан келган барча хабарлар кишини бирдай мамнун этмасди... Султон худди шу кунлар tengdoш шоир дўсти Амин Умарийнинг йигирма тўқиз ёшида, оғир касалликдан сўнг бевақт вафот этганини эшилди. Бу машъум хабар ушинг қалбини қаттиқ ларзага солди.

Ўлим... Дунёда, мен ҳаётни яхши кўрганимдан ўлимга беларво қарайман, деган гап ёлгон! Ҳаётни севган киши аксинча баъзан ўлимни ҳам эслаб туради. Ҳаёт абадий, аммо умр абадий эмас!

Султон бир пайтлар бу тўғрида шеър ёзган, шеърда, суд раиси — Замон, қораловчи — Фан, деб ўлимни қора курсидаги айбдор қиёфасида тасвирилаганди.

Шеърнинг ҳаётдан бир оз фарқи бор албатта. Ҳаётда ҳеч қачон ўлимни «қора курсига ўтиргизиб, жазо бериш»нинг имкони йўқ! Улим — муқаррар. Аммо дунёдан ёш, бемаврид кетишларга чидаб бўлмайди! Уруш... Урушда худди ўрмон кесгандек, мииг-минглаб умрларнинг аёвсиз қирқилиши бояги кетишлардан ҳам баттар, чидамсиз ҳол!

Султоннинг Ковровда кўрпа-тўшаги Жалол билан ёнма-ён эди. У ҳамон кўрган-кузатганларини, ўйларини қофозга туширади. Тинмай ёзарди. Кўп ёзарди. Баъзан толиқиб қолганида, Жалолга рўнара ўтирганча, қалби қатидаги айрим гапларни изҳор ҳам этарди:

— Кўз ўнгимдан йўлда учраган сарсон-саргардон болалар кетмаябди. Кейин ўрнидан кўчган, бузилган темир излар; Шарққа бояги болалардек, ғамгин, ҳовли-қиб югурган поездлар... Лекин ҳаммасидан кўпроқ самолётларни ўйлайман... Башарият бир умр юксалишни орзу қилди. Парвозни қўмсади. Парвоздан энди ўлим ёғиляпти. Даҳшат...

Султон ора-сира дўстларига шеърлар ўқиб берарди... Иброҳим олдингидан ҳам анча жиддийлашган. Озиб-қорайиб, бўйи янада чўзилган эди. У айниқса машқлардан қайтаётib ёкп ошхонада картошка тозалаётib ҳам Султонга мурожаат қиласкерарди:

— Бирон нарса ўқиб беринг, Султон ака...
— Майли...

Бир қалдирғоч бор эди,
Тўшчаси чипор эди...

Султон болалар учун «Зангори гилам», «Қалдирғоч» дегандек эртак-достонлар ёзган. «Қалдирғоч»да оддий бир воқеа қаламга олинганди: Куз кунлари қалдирғоч иссиқ ўлкаларга сафарга чиқади. Аммо ҳамма ерда машаққатли турмуш, адолатсиз урушларни кўриб, ўзи ҳам ўқдан мажруҳланган ҳолда яна ўз диёрига қайтиб келади... Султон бемалол шеърхонлик қилиш фур-

сати эмаслигини билганидан, Иброҳимга қўпинча енгил вазнда ёзилган шу асадан кичик парчалар ўқиб берарди:

Сув остида кемалар,
Сув устида миналар,
Кўкда эса бомбалар...

Кейин эса бундай:

Кенг ҳавода ўрин йўқ,
Қушдан кўпроқ учар ўқ...



Иброҳим бошини чайқагапча, ғудранарди:

— Сиз урушни олдин ҳам бир кўрганмисиз, дейман,
Султон ака!

Уларнинг суҳбати бепхтиёр кундалик мавзу — фашизм ёвузлигига бориб тақалари.

Машғулотларда бу тўғрида кўп ганирилар, баъзан марказий газеталардаги айрим мақолалар ҳам муҳокама қилинарди. Бир куни машғулотда Илья Эренбург нинг «Красная звезда» газетасида босилган «Немис» сарлавҳали шуидай мақоласи ўқилиб, у тўғрида қизғин фикр юритилди. Мақолада Фридрих Шмидт деган сабиқ махфий дала полицияси котибининг кундалик дафтаридан сатрлар келтирилган, дафтарда бу йўсундаги сўзлар ёзилган эди: «12 апрель. Ҳар куни эрта билан қайноқ сут ичиб, қўймоқ ейман. Ишлар камайиб қолди. Бизлар ҳозир маҳаллий допрадагина иш олиб бормоқдамиз. Қиладиган ишимиз одамларни калтаклаш ёки отишдан иборат. Мен кўпинча одамларни қип-ялан-ғоч қилиб калтаклайма...»

— Ҳайвон... — товуш чиқариб, бепхтиёр сўқинди одатда босиқ Иброҳим.— Икки оёқли ҳайвон...

Султон ҳиссиёт кишиси бўлгани учундир, Иброҳимдан ҳам кўпроқ нафратга тўлиб, гўёки лов этиб ёнди.

— Бизда жанг бир дуэль,— деди у ҳаяжондан титраганча.— Биз бу отишувда ўлсак ҳам, тик туриб ўлишга мажбурмиз...

Гап фашизмга бориб тақалганида, Султон баъзан Иброҳимга ўзининг сўнгги пайтларда ёзган шеъридан сатрлар ҳам ўқиб берарди:

Йигит номард бўлгай қўрқса ўлимдан!
Ажал ваҳмасини қўрқоқ ғамласин!
Янчгин ёнгоқ қилиб йиртқич бошини,
Бобонг титган каби Чингиз ҳамласин...

Иброҳим Султоннинг бпр шеърини айниқса ёқти-
пар, ундан ўқиб беришини қайта-қайта илтимос қиласар-
ди. Бунга маълум даражада Латиф ҳам сабабчи эди...

Латиф энди географиядан гапирмай қўйганди. Аммо
уий билан тошкентлик қиз тўғрисида ҳамон Султонга
баъзан сирли оҳанга пичирларди.

— Уйда суюнган тоғ мен эдим, Султон ака. Энди
билмадим...— юрак ёарди Латиф. Кейин қизариб,
бошқа мавзуга кўчарди:— Лекин мени Тошкентда ҳам
кутишяди. Хат олдим, Султон ака. Қаҳрамоним, сизни
кеча-кундуз кутябмац, дебди...

Иброҳим Латифнинг гапларига тиржаярди:

— Тоғ ҳам, қаҳрамон ҳам сен экансан. Биз юрган
эканмиз-да...

Латиф йиғлагудан бери бўлиб кетарди:

— Бунга гапириб бўлмайди, Султон ака. Одамни
тушуммайди. Темир...

Шундай гап-сўзлардан кейин, Иброҳим Султон
билан ёлгиз қолгач, ўзини гўёки бир оз оқлашга урин-
гандек бўларди:

— Мен ҳам онамни соғинаман, Султон ака. Хоти-
нимни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Ўғилчамни бир
кўргим, қўлнимга олгим келади. Лекин мен гапга йўқ-
ман. Хотинимга умримда яхши кўрганимдан гапирма-
ганман; ўзи билади, гапининг нима ҳожати бор! Ёки ай-
римларга ўхшаб онам билан бир-биrimizga ортиқча
суйкалмаймиз; ҳолбуки онаминг билгани мен, менинг
билганим у. Нпма десаңгиз денг, менинг борим шу,

Султон ака...— У бир нуқтага узоқ ўйчан тикилар, ни-
ҳоят ғудранарди:— Ҳалиги шеърни ўқинг, Султон ака,
ильтимос...

— Майли...

Фарҳоднамо бир мард чиқди-ю,
Чалқанчаси ётди тахтланиб.
Тоғ кўкраги узра ботирнинг —
Жойладилар катта тахтани.
Зўр машина ўтди «кўприк»дан,
Юкни қуш деб сезди балки у?..
Таъзим қилди. Олқиш ёғилди!..
Дўстим деди: «Қизиқ ҳол-ку бу?
Бу қандайин бардош, ажабо?..
Сингандир деб эдим суги...»
Дедим:— Бизга ҳусн чидамлик!
Бу чидамни ким-ким сөвади...
Менинг отам йиллар кўтарган
Октябрда жанглар юқинни.
Лекин асло бебардошликтининг
Юқтирумagan дилга юқини.
Шунинг учун олиб қулатган —
Эл кифтидан асрый зулм тошин!
Баҳт қўргонин шундай олдик биз!
Эҳ, севаман мардлик бардошин...

Аскар йигитлар кўп ўтмай Ковровда бошдан-оёқ янги, иссиқ кийиннишди. Улар шаҳар этагидаги лагерда туришганди, шаҳарга келишди. Сўнг музика ва митинглар билан поезд бекатига йўл олишиб, қизил вагонларга жойлашишди...

* * *

«Моҳира, жоним, соғ-саломатман. Бу хатни шошиб либ ёздим. Биз тўғри фронтга кетаётирмиз. Бошқача йўл йўқ. Ҳар қачонгидек тез-тез хат ёзиб турарман. Сизни ҳам ўзимни Ватанга топишрдим. Қайғурманглар. Биз қанчалик Ғалабага хизмат қилсак, дийдор кўришуви миз ҳам шунчалик яқинлашади. Сени, болаларни, ойижоннинг қўлинин ўпиб:

Султон».

ШИДДАТ

Минг түккіз юз қырқ иккінчі йил ёз ойларидан немис-фашист құшынларға Дон ва Кубанни, Қавказни құлға киритиб, Сталинградни босиб олишга шаһд этганди. Қавказ томон кескин силжиб, Дон дарёсидан кечиб ўтган, Волга бүйиге чиққанди. Ніңоят Сталинградни қаттық бомбардимон қилиб, шаҳарға яқынлашғанди. Шиддатли жанглар бошланғанди.

Павел Иванович Батов құмбондонлық қылған 65-Армия душманни Дондан суріб ташлаш, Волга бүйларидан осойишталик ўрнатында иштирок этди. Дон фронти ўрнини Марказий фронт әгаллагач, Сталинграддан Курск томон йўл олды, у ердан эса ғарбға ғолибона юриш қилди. Сев бүйідеги жанглар пайтида — минг түккіз юз қырқ учинчи йил февраль кунларидан Марказий фронт құмбонлоги генерал-майор Крюков командирлік қылған иккінчі отлиқ аскарлар корпусини 65-Армия ихтиёрига топширди...

* * *

Көвровдан чиққан аскар йигитлар турли фронтларға бўлинib кетишиди; уларнинг маълум бир қисми 65-Армияга келиб қўшилди...

Султон Жалол, самарқандлик Азиев, Рустамов ва бошқа бир қанча дўстлари билан хайрлашди. У Ибро-

жим, Латифлар билан шу Армиядаги иккинчи отлиқ аскарлар корпусида жаңгга кирди.

Олтмиш бешинчи Армия эндигина Севск шаҳрини қўлга киритиб, душман билан олишганча, Десна томон йўналганди...

Мен умримда «фронт» сўзини кўп эшигандим. Бойлар, руҳонийлар қўлидаги ерларни деҳқонларга тақсимлаб бериш фронти. Саводсизликни битириш фронти. Хотин-қизлар озодлиги фронти. Сув учун кураш фронти. Маданият фронти... Сўзни баъзан ишилаверар эканмиз. Фронт бошқача экан...

Фронт чизигига яқинлашганимиз сайин, неча мартараб тасаввур қилганимга сира ўхшамаган манзараларни кўярабман... Ҳаммаёқ ёвуз муштдан даббаласи чиққан кишининг афти ангорини эслатади. Ҳудди ер ёрилиб одам чиққандек... Машинада кетябмиз. Йўлларда тўп-тўп пиёда аскарий қисмлар ҳам кўзга ташланишади. Машиналардан бўлак, санитар, озиқ-овқат, почта фургонлари. Тракторлар замбарақларни шатакка олишган. Танклар. Усти брезент билан ёниб қўйилган «катюша»лар...

Мана, ниҳоят бутун тайёргарликлар, йўл ҳам тугаб, жаңгга кирадиган бўлдик. Э, ҳеч қандай билим, ҳатто-ки жанговар машқлар ҳам урушнинг ўзига ўхшамас экан-ку. Биргина жаңг манзараси... Кун гира-шира ёришаётганди. Оғир миномётларнинг кучли гумбурлашибдан ҳудди зилзила рўй бергандек, ер қаттиқ силкиниб кетди. Бош устида осмон ҳам чайқалгандек. «Катюша»ларнинг залпидан осмонда гўёки яшин чақнади. Ўнг, кейин сўл тарафда яна кўкни олов қиличи тилди. Паҳза сукунат чўкиб-чўкмасдан, бутун артиллерия ҳужум бошлаб, олдингидан кучли гулдураган товуш янгради. Осмондаги қора, оқ булутлар бари энди каҳрабо тус олди. Ниҳоят еру кўкни тутган гумбур товушларга пулемётлар, қарсиллаган милтиқ товушлари уланиб,

осмонда бомбардимончи самолётлар ҳам тизилишиди. Музиканинг авж пардасидек, олам ниҳоясиз шовқин-суронга, баёнсиз, шиддатли ҳаракатга тұлды... Худойим, атрофимда миналар портлаб, тепада ўқлар визиллаб учыбди; устимга алланымалар ёғябди... Биз ўзимизга тегишли от-аравада пулемётларни ташиб, маңлум нүкталарга ўрнатишимиz керак. Мен «максим» пулемётида наводчик — нишонга олувшиман; команда берилган захоти, рассчётилдаги иккى йигит билан ишга киришидик.. Ҳаммаеқ ўпирілган, ўйдым-чукур. Ер — күпчиган хамир. Олов. Тұзон... Э, нимасини айтасан. Жаҳаннам...

Одамнинг ички олами ташки қиёфасига қанчалик таৎсир күрсатишини ўйладыман. Бизниkilар командирлардан оддий жангчиларгача юз-күзидан нур ёғилған, ҳорғын чөхрасида одамият барқ урган кишилар. Гитлерчилар аксинача күзлари совуқ чақчайған; юзида аллақандай нопоклик, түңгелик акс этиб турибди. Биз олий ирқ, деб дунёға жар солған фашистлар қиёфасида олийликдан нишон йўқ...

Ўйдан чиққанымда орденимни ўзим билан олиб, чўнтағимга яшириб қўйғандим. Биринчи жсангдаётқ кўксимга тақдим. Ўзи шундай ниятим бор эди...

Вақт. Вақт йўқ. Лекин ҳаракатдаги Армия сафига келганимни нишонлаб, биргина шеър ёздим. Баҳонада уйдагиларга мурожаат қилдим; газетада ўқишиша, ёмон бўлмайди. «Узоқмас ўлими ёвнинг батамом; қайтарман, бу аниқ!»

Биринчи күнлар тоза қийналдим-да. Тўкилган қонлар, оёқ остида ётган мурдаларни кўриб, кишининг беихтиёр кўнгли беҳузур бўлади. Инсонни қандай кўйга солишаబди. Латнагилар...

Ер кундан-кун катта мозористонга айланиб бораёт-гандек. Жаңг пайти ҳужумдан бўлак нарсани ўйламайсан. Лекин босим жанглардан сўнг майдондаги жасадларни ишиғиб дағғи этиши ҳаммасидан оғир. Баъзан анча йил бурун Бухорода юриб, ўзим кузатган кичик бир

воқеани эслайман... Болаликда уйдан аллабировлар олиб кетишган Саидни қидириб, аравада йўлим дашиб-саҳрого тушган, саҳро қафрида қандайдир улкан қабристонга тўқнаш келгандим. Аравани тўхтатдим. Қабристонда паст-баланд дўнгликлардан ташқари, ҳар хил сағаналар, қизил латта боғланган туғлардан ташқари, хочлар ўрнатилган мақбаралар кўзга ташланарди. Ташланган тошлиар, рангин хожлар қуёшда ялтирас, кечмиши бир шон-шавкатдан дарак берадигандек туюларди. Мен яқин атрофда одам қораси кўринмаган дашибликда бундай ажабтовур қабристон борлигига ҳайратланиб қолгандим. Ҳамроҳим — аравакаш чол буни пайқаб, алланечук ғамгин кулимсиради. Бу ерда инқилоб шаҳидлари ётишган экан. Чол менга, одам боласи бир жойда тугилиб, жанглар, сарсон-саргардононликлар дастидан, жасади бошиқа ерларда қолиб кетиши ҳам мумкин, деган гапни айтганди ўшанда... Мен энди бу гапни яхии тушунаман...

Бугун менинг рассчётмдаги Жуман деган қозоқ ишгити ўлди. Мен уни Жуманбулбул деб юрадим. Василь деган белорус ишгити — иккимизнинг кўзимиздан ёш циқиб кетди. Бир оз хаёлим қочди. Мени ҳам қаёққадир түпроғим тортмаганмикин, деб ўйладим.

«Ҳаёт» деган халқ иўлидаги гаройиб бир қўшиқ хаёлимда айланябди:

Мен сени, севдим сени,
Рангин ҳаёт. Рангин ҳаёт.
Сен учун қўп бора ютдим —
Кўчалар чангин, ҳаёт.

Сен учун ўтларга кирдим,
Сен учун куйдим тамом.
Гоҳида шодликка тўлғин,
Гоҳида ғамгин, ҳаёт.

Мен сени севдим; ва лекин
Мен севишдан кўрқаман.
Сен ўзинг кўнглимда дардим,
Сен ўзинг таскин, ҳаёт...

Эҳ, қанийди имкон бўлса-ю, жонон бир даврада ўтириб, буни баралла куйласанг...

Шу кунлар Иброҳим, Латифлар билан бир-бирлари мизга қаттиқ боғланиб қолдик...

Енимда тамаким қолмади: кўп чекканим ёмон. Бирордан сўраб чекишга қисинаман. Қани энди ўқиши пайтларидаги сингари Моҳира тамаки юборишининг иложи бўлса...

Уйга хат ёзиб бўлмаябди. Мен тугул, хат ёзиши бобида анчайин чечан Латифнинг ҳам энди олдинги шашти ўйқ. Тошкентлик қизга хат ёзганида кантар, тувақдаги гуллар расмини чизолмайди...

Ўйқу... командирлар: «Урушда уйқу биринчи душман!»— дейишади. Ухлайдиган бошқа вақт қаёқда! Йўллардаги қишилоқларда, уйларда уч-тўрт соат ухлайи фақат онда-сондагина насиб этиши мумкин. Бошқа пайтларда асосан суткалаб уйқусиз юраверасан. Баъзан оконда тик турганча чорак ёки ярим соат тарашадек қотиб, баъзан юрган йўлингда шунчаки мизғиб кетаверасан: «Кўрпа-тўшак — ер-осмон» деган гап эсга тушади. Ўттиз-қирқ дараҷа совуқ, бўронлар, белгача ёққан қор... Чидайсан-да, ўртоқ. Бошқа илож қанча! Инсон ҳар қандай бало-қазога аста-аста кўникарди, олдинда қандайдир умид чироқлари бўлса бас...

Мен ҳам оконда ёки йўлда мизғиши машқини олганман. Лекин ўйлар билан тушилар қоришиб кетган; кўзим илинса бўлди, ўзим эмас, вужудим, бутун суюкларим туширади... Тушларимга кўпинча Ўзбекистон ўрик оппоқ гуллаган боғ бўлиб киради. Аллабурчида Бухоро; баҳорда тиканлари қизғиши гуллаган даштлари билан бирга. Аллабурчида Андижон; кўча, бозори, уйлари билан бирга. Хуллас, ҳамма нарса шу боғда жамланган...

Оконда кўзим илинган экан, Илҳомия нақ кўз олдимга келди. Мен эркалашини истаб, унга интилармишман, у тутқиц бермасмиш... Ўйдан кетганимда касал

бүлгани үчүндирип, шу қизимдан күнглим тинчимайды.
Моҳира хатларида уни бир хилда, ўйнаб юрибди, деб
ёзади. Қайдам...

Бугун фрицлар ҳақида латифалар айтшишиб, роса
кулишдик. Э, бизнинг жангчилар яхши кулишади-да...»

* * *

Султон энди осойишта дафттар тўлдиrolмасди. Онда-
сондагина тўрт-беш сатр гапни белгилаб қўярди холос.
Аммо юрган-турганида мунтазам шеър ўйлар, имкон
топилганида, айрим ўйлаганларини қофозга туширад-
ди...

65-Армия биринчи навбатда душмандан Шостка рай-
они ва шу атрофдаги қатор қишлоқларни озод қилди.
Қизил аскарларни ҳамма ерда аҳоли севинчидан йиғ-
лаб қаршилар, озод бўлган ерларда янгидан ҳаёт нафа-
си уфура бошларди...

Улар Шостка этагидаги қишлоқлардан бирига ярим
тунда кириб боришли. «Ииртқич фашист бўрилар» че-
кинаётib, қишлоқни ёндиришган, қишлоқнинг ҳамон
тутуни буруқсив ётар эди. Бутун қолган бир-икки бино-
ни айтмаганда, умуман бу ерда фақат қатор турган
«устунлардек мўрилар»гина кўзга ташланарди.

Қишлоқда, қуршовда қолган чоллар, кампирлар, бо-
лалар ертўлалардан, аллабир пастқамликлардан ўр-
малаб чиқа бошлашди. Аскарларни қучиб, уларнинг
қўллари, ҳаттоқи эгниларидаги шинелларигача ўпа
бошлашди. Кейин ҳар ким ўзи ҳақида узуқ-юлуқ ҳикоя
қилишга тушди...

Бирорлар оч, бирорлар
Қишда қолди яланғоч...

Қор бир маромда уриб турарди. Совуқ...

Ниҳоят қандай бўлмасин бошпана топиб, бир-икки
соат мизғиши имкони туғилди... Султон билан Иброҳим-

ни мункиллаган бир ориқ кампир ўзиникига олиб кетди.

Улар кирган уй — «тор, йифноқ; пирпираб ёнар чироқ». Кампир чой қўйди; аллақаёдан картошка ҳам топиб, қайнатиб келди: Олинглар, болаларим... Ўзи йигитларга термилиб ўтириди. Севинчиданми, қандайдир чеккан азоблариданми, кўзлари нам.

— Бу, она, уй бузилмабди, ҳар қалай... — кампирга юзланди Иброҳим чой ичишаётсиб.

Кампир «ҳа» дегандек бошини чайқади. Кейин неғадир бундай гап қилди:

— Ичим тутаб ётиби...

У ўрнидан туриб, йигитларга шошмасдан жой тузашга киришди. Аммо кўрпа-тўшакни тартибга солаётсиб, бирдан хўрсиниқ тутганча, йиглаб юборди.

— Нега мен дунёда тирик қолдим,— дерди кампир ўз-ўзи билан гаплашаётгандек оҳангда.— Нега мен қолдим?!

Чойни апил-тапил ичишиб, ётишга ҳозирлик кўришаётган Султон билан Иброҳим бир-бирларига кўз ташлаб, аллабир гуноҳлари учун қўлга тушгандек бўйинларини қисишиди.

Йўқ, кампир тезда кўзларини артди. Кейин уларнинг ёнига қайтиб келиб, рўпарада ўтирганча, ўз бошидан ўтган воқеаларни уларга бирма-бир айтиб берди...

— Ўғлим урушнинг биринчи кунларида ҳалок бўлган,— ҳикоя қила бошлади кампир.

Султон аскарликка чақирилганидан буён болаларига уруш тўғрисида нималарнидир ёзиб юборишни ўйларди. Бир неча марта бунга шаҳд ҳам этди. Аммо то ҳозир бунинг мавриди келмаганди...

Эй, гули ғунчаларим,
Олтин юлдузчаларим,
Тиллари чучук-чучук,
Бирги биридан кичик —
Гиргиттон қизчаларим...

У кампирнинг ҳикоясини эшитаётib, хаёлида ҳикоя билан баб-баравар шеърий сатрлар тизилаверишиди.

— Келиним, неварачам билан турардик. Душман қишлоқни босиб, бутун уйларни тинтиб чиқди. Очкўзлардан на кийим қолди, на буюм. Бизнигiga ҳам бир лаънати кириб, қўлига илинган нарсани олди. Бунга мен ҳам, келиним ҳам индаганимиз йўқ; тишни тишга босиб туравердик. Лекин...

...Неварачам — Варварам,
Эрка эди оплогим.
Немис ҳатто ўшанинг
Торта кетди пайлогин...

Келиним охири чидолмади. Сен, аblaҳ, шу боланинг пайлогига ҳам зормисан, деди. Немис қайрилиб қаради. Кейин тарс этиб ўқ отилди. Келиним шўрлик оҳ деганча, полга йиқилиб тушди. Шу ўртада неварам — болада, пайлогим, пайлогим, деб қонхўрнинг қўлига осилганини биламан...вой...

Вой! Қўрқинчли манзара!
Кўкрагидан қон оқиб,
Ерда ётар Варвара...

Жаллод миљтиқ найзасини боланинг кўксига санчибди. Қулогимга аянчли ун кириб — икки ёнимда икк жасад, эс-ҳушимни йўқотдим. Энди мен ҳам жон аччиғида фашистга ёпишдим. Лекин мен нима ҳам қила олардим?! Фашист қўндоқ билан бошимга тушира кетди. Йиқилдим. Фақат немис Варваранинг устидан қонли кўйлакчасини суғуриб олиб кетгани ғира-шира кўз ўнгимда турибди...

«Кўйлакча ҳам юборгин
Ўлжаларнинг сонидан.
Майли қонли бўлса-да,
Кўйлакчами? Бизга бас!»—
Деб фрицнинг юртидан
Қилибдилар илтимос...

Кампир ҳикояни бошлашда босиқ бошлаб, охирига етганда, кўксига муштлари билан урганича, яна йифлади.

Шундан сўнг уйга қабристон сукунати чўқди. Султоннинг кўзи олдидан қўлчалари билан пайпогига ёпишган қизалоқ ва унинг мурғак баданидан суфуриб олинган қонли кўйлакча кетмас эди.

Иброҳим оҳиста ўрнидан туриб, индамай ўринга бориб чўзилди. Кейин кўп ўтмай, кампир ҳам печка устига ётгани кетди.

Султон қишлоқча дағал ясалган стол ёнида бир оз ёлғиз ўтирди. Ниҳоят шаҳд билан ўрнидан қўзғалди. Пирпираб ёнаётган чироққа яқинлашиб, чўнтагидан қоғоз-қалам чиқарди...

Эй, гули ғунчаларим,
Олтин юлдузчаларим...
Болалик бўстонида
Очилган лолаларни
Ҳалон этган песлардан —
Шу жаллод фашистлардан
Жон учун жон оламан,
Қон учун қон оламан...

У хаёлида тизилган сатрларни чироқ ёруғида тез-тез қоғозга тушира бошлади. Стол ёнида ўтирганидаёқ ёзилажак шеъри уч қисмдан иборат бўлишини ўйлаганди. Биринчи ва учинчи қисмлар халқ йўлида, содда, мактуб услубида битилади. Иккинчи қисм жиддий: қизил аскарлар қишлоқни озод қилишганидан кампирнинг бутун ҳикояси киритилиб, унга «Қонли кўйлакча» деган сарлавҳа белгиланади. Султоннинг ёзганлари шунга мос келди. У ўйлаганларини қоғозга тушириб бўлиб, шеърни бундай якунлади:

«Қизил аскарга раҳмат,
Бизларни сақлаб қолган.
Ҳар фидокорга раҳмат!»—
Деб айтингиз қўшиқлар,
Эй, ширин-шакар, шўхлар!..

Аммо иш ҳали битмаганди. Султон шеърга «Софинчили салом» деган умумий сарлавҳа қўйиб, сарлавҳа остига меҳр билан: «Қизчаларим Нурия, Румия ва Илҳомияларга»— деб ёзди...

Дераза ортида осмон ёришиб, ташқаридан аскар йингитларнинг товушлари ва қор устида гуп-гуп босилган қадамлар эшитила бошлади. Иброҳим ўрнидан сапчиб турди.

— Султон ака... Э, сиз...

Султон унга қараб, мулоим кулимсиради.

— Мен шеър ёздим...— Кейин ёзган шеърини Иброҳимга ўқиб берди.

Иброҳим Султонни табриклаган кўйда елкаларидан қучди. Сўнг бирдан қош-қовоги солиниб, тўнфиллади:

— Юзингиз шу кунлар бир бурдагина бўлиб қолди. Қўзларингиз қизарган. Шеър яхши, Султон ака, лекин...

Султон қалам қитирлатиб мижжа қоқмаганинга қарамай, ўзини тетик ҳис этар, ниҳоятда мамнун эди. У Иброҳимнинг койиганига ҳам кулимсираб қўя қолди.

Султон уйқусиз ўтган икки-уч кунлик босим жанглардан кейин фароғатли тунни шу йўсинда шеър билан ўтказиб, яна босим жангларга кирди...

* * *

Моҳира бир неча ойлар давомида Хўжақулга қайтиб учрамади. Ўзи инсофга келар, қани қўйиб берайлик-чи, энди нима қиларкин, қабилида иш тутди. Охири бўлмади: сабр косаси тўлди...

Хўжақул бу орада Султоннинг шеърларини кўриб чиққан ва ниҳоят, вақтинча буларни бир чеккага қўйиб туриш керак, деган фикрга келганди. У шеърларни кўриб чиқишга улгургани учун ҳам, бу гал Моҳирани ўрнидан турмай, одатдагидан осойишта қаршилади.

— Келинг... Хўш, тинчлики?!?

Моҳирага унинг гапи эриш туюлди.

— Ҳозир қанақа тинчлик бўлиши мумкин...

— Қийналмаябсизларми, демоқчи әдим,— тушунтириш берди Хўжақул.

— Ҳозир ҳамма қийналябди...

Хўжақул ҳар галгидек мулојим муюмала қилмоқчи әди, аммо энди ғаши келиб, беихтиёр асабийлашаётганини ҳис этди... «Назокат — ярим ҳусн, деган гап бор,— ўйлади Хўжақул.— Аёл киши эшикдан аста мўралаб, хонага киргач, қисинибгина ўтирса, ботиниб-ботинмайгина гаплашса, нима қилади! Узи давр ғалати бўлябди шекилли. Аёллар чарсиллаб туришади; эркаклар ипакдай мулојим. Мана, масалан, мен... Хотиним ташлаб кетди; ақалли иззат-нафс ҳаққи, бирон нарса қилолмадим. Ҳолбуки, менинг ота-боболарим бир пайтлар Бухоро амири саройидаги номдор беклардан бўлишган экан. Белларида энли камар, оёқларида пошнали этик; тарс-турс юришган, одамлар уларнинг сояларига икки букилишиб, салом беришган экан. Онам раҳматли гапириб ўтиради...»

У столга икки қўлини тираб, худди отга мингандек, олдинга энкайди.

— Сиз менга учрашни ўйласангиз, минбаъд зарда қилмай гапиришни ўрганинг, Моҳира бону,— деди Хўжақул.— Бўпти... Мақсадга кўчайлик. Мен шеърларни кўриб чиқдим...

Моҳиранинг нафаси ичига тушди. Ў, олдиндан бў-ғилмаслигим керак әди, деб ўйлаб, ўз-ўзича андак хижолат чекди.

— Раҳмат... Бирон ёққа...

— Йўқ,— деди Хўжақул кескин.— Буларни ҳозирча бостириб бўлмайди...

— Нега энди?!

— Султонбой қайтиб келгач, бирга ўтиришиб, булар устида гаплашиб олишимиз керак. Айрим жиддий мулоҳазалар бор. Кейин...

— Менга бера қолинг бўлмаса...

— Йўқ, Султонбой келгунча, булар менда туради.
Дўстимнинг қўлидан олганман...

Моҳира бўғилмаслик мумкин эмаслигини ҳис этди...
Хўжақул — хушсурат киши; рост. Лекин сергак тикилсанг, худди ниқоб кийганга ўхшайди. Дунёда қанақанги чиройли ниқоблар йўқ, дейсиз! Одам — китоб. Чиройли муқовалар ичнда доим ҳам арзирли гапларни ўқийвермайсан!

— Сиз печка ёнида ўтириб, менинг эрим шу кунлар қаерларда қон кечиб юрибди,— деди Моҳира.— Дўстим эмиш... Душман сиздан яхши...

Хўжақул, мен сен билан пачакилашиб ўтирмайман, деб ўйлади. Аммо шу ондаёқ Султонга нисбатан рашк, адовардан бўғилаётанини, ёлғон муносабат ўзини ниҳоят адойи-тамом қилганини ҳис этди. Унга, шу дамда Моҳирага жавоб бермаса, портлаб кетадигандек бўлиб туюлди.

— Ҳозир ҳамма қон кечиб юрибди; фақат сизнинг эрингиз эмас!— деди у титраб-қақшаб.— Соғлигим кўтарса, мен ҳам шундай қиласдим. Гап тамом...

Ҳаётда ноҳақлик ўзини ҳақ деб билганида, инсон ҳамиша довдираф қолади...

Моҳира Хўжақулиниг ҳузуридан шундай ҳолатда уйга қайтди...

* * *

Йўқ... Йигит кишининг биринчи суюнгани — ёри!
Ёр хиёнат қилганида, йигит бошини тошларга уриши мумкин! Ёр садоқат кўрсатганида, йигит ҳар қандай тоғни парчалаб ташлаши мумкин! Икки ўртада — бурч, жавобгарлик...

Моҳира уйга қайтиб, ўша куниёқ ичкари хонада, китоб жавони юқорисидаги бўш ғаладонда ётган дастурхон-туғунни олиб, шеърларининг биринчи қоралама нусхаларини ёзув столига ёйиб ташлади. Султон хушхат

эди; болаларга бағишилаб «Қимнинг хати чиройли» деган шеър ҳам ёзган, шеърда бундай сатрлар бор эди:

Ҳарфим аниқ, гүзәл-хуш,
Қийналмай мумкин ўқиши...

Аммо бу гап қоралама шеърларга сира мос келмасди; бетларга сатрлар телба-тескари тушган, бир сатрнинг ярми бетнинг тепасида, ярми пастида, ўчирилган, қайта ёзилган, яна ўчирилиб, яна ёзилган сўзлар кўп эди; буларни қийналмай ўқиб бўлмасди. Шеър — қуриб битказилган, оқлаб, бўяб, тартибга келтирилгап уй; булар эса шунчаки ускуна; булардан Султон қандай уй тиклаганини энг аввал тасаввур қилишга тўғри келади...

Моҳира ишдан, уй-рўзфор ташвишларидан бўш вақтни топиб, асосан кеч тунлар, саҳарларда, соатлаб ёзув столи ёнида ўтиргашга одатланди. Қоралама шеърларни сатрма-сатр тоза қогозга кўчириб, спичниклаб текширганича, варақларни қайта қоралаб, қайтадан кўчириб чиқиши унинг кундалик машгулотига айланди. У қўлдан чиққан шеърларни редакцияга жўнатиб, Султоннинг чала қолган ишларни шу тахлитда ўзи давом эттиришга урина бошлади...

* * *

Моҳиранинг «Болалар уйи»да иши оз эмасди. Бунинг устига, хонадонга тегишли юмушлар, ўз болалирини ўйлаб, югуриш-елишлар. Бироқ, оёги тўрт, қўли олти, дегандек ҳаёт баъзан инсонни чақонлик, тезкорликка ундан, уни шунга бемалол ўргатиб ҳам қўяркан! Уйга кўпинча қишлоқдан Фотима опа келиб-кетарди. Моҳира шундай пайтларда Султоннинг Хадича, Османур деган опаларини эслар, уларга хат ёзарди. Бу ҳам етмагандек, имкон топиб, урушда юрган Султонга Сайд, Сайдга Султон тўғрисида хабар етказиб турар, бунга аллақандай мажбурият ҳис этарди...

Умид — Фалаба. Умид — Султон тезроқ, соғ-саломат уйга қайтиши эди. Уйда ҳар куни:

— Дадам қачон келади?!

— Дадам...

— Дадам...

Айниқса Илхомия отасини күп құымсар, күп сўроқ-ларди... Қизча яна хасталаниб, ётиб қолганди. Шаҳарда болалар орасида касаллик ошиб-тошган, касалхоналар күчириб келтирилган болаларнинг ўзи билангина тўлган эди. Бу гал қизчани яхши даволатиб ҳам бўлмади. Уйда анча кун ётди. Дорини кўрса безиллайдиган кўйга тушган, бадани игнадан кўкариб кетганди.

Моҳира қизининг юз-кўзига қараёлмас, беланчакка яқинлашса, юраги ички бир фарёддан чайқалмай туролмасди. Устига-устак, Илхомия Моҳрўй опанинг қироатини кузатиб, қачондир оятлар оҳангини ёқтирган, энди нуқул камнирдан беланчак ёнида ўтириб, қироат қилишини сўрагани-сўрагандп:

— Айт, бибижон.

Моҳирада бу нохуш бир таассурот уйғотарди. У баттар эзилар, художўйликка ўрганган Моҳрўй опа билан баъзан қаттиқ ғижиллашиб ҳам оларди...

Илхомия шундан сўнг Моҳиранинг бутун юрагини сидириб кетгандек бўлди. Қизча бир куни эртадан-кечгача ихраб, туңда анча ўзига келди: аммо саҳарга бориб... узилди. Қандайдир чиройли, худди гулга ўҳшаб ётар, толиқиб, ширин ухлаб қолганга ўҳшарди...

Моҳира беланчак устига дока ташлади. Ўғли, нариги қизчаларини турғизиб, чой ичирди. Ҳар кунгидек Ботир, Нурияни, бу йил еттига кириб улар қатори папка кўтарган Румияни, жимгина мактабга кузатди. Кейин Моҳрўй опа, шу кеча уларникида тунаган Фотима опа — уч аёл ўтиришиб, бир оз йиглашди.

Нихоят унинг ўзи болани ювди. Оқ чойшабга ўраб, қўлига кўтариб олди. Уч аёл қабристонга келишиб, Илхомияни ўzlари тупроққа топширишди...

— Мен сизга бир гапиң айтмоқчи әдим, опажон,— Фотима опага мурожаат қилди Моҳира, уйга қайтиша-ётib.— Мабодо Султон акага хат ёёсангиз, бу ҳақда... Унинг ўзи ҳар куни ўлимни кўрябди...

Фотима опа Моҳирага ялт этиб қаради. Кейин ундан юзини секин четга бурди...

Ботир, қизчалар эшикдан уйга ўйноқлаб, шўх шанг киришди. Лекин қандай воқеа рўй берганини тезда се-зишиб, бирдан мунғайишди. Моҳиранинг назарида улар шу куни анча улғайғандек бўлишди...

Ҳаёт! Яна қандай зарбаларинг бор, ҳаёт! Уруш! Ил-ҳомиянинг биринчи қотили—сен! Яна қандай зарбаларни тайёрлайпсан, уруш! Дунёда чидам, бардош дегани ҳам чексиз-чегарасиз бир нарса эмас. Тортаверсанг, ҳар қандай арқон узилади. Болта ураверсанг, ҳар қандай метин парчаланади... Шундай!

Иўқ! Кўз ёшларингни арт, бардам бўл, Моҳира! Зарурат туғилса, ҳозиргидан кескинроқ зарбаларга ҳам чидайсан, жоним! Инсон ҳамма нарсага чидайди! Бардам бўл...

* * *

Марказий фронт қўмондони Константин Константинович Рокосовский кўрсатмасига биноан, Олтмиш бешинчи Армия Иккинчи Танк Армияси, Ўн учинчи, Қирқ саккизинчи, Олтмишинчи, Олтмиш биринчи Армиялар билан ёнма-ён тўхтовсиз, босим жангни давом эттириди: Десна дарёсидан кечиб ўтиб, Новгород-Северский районини душмандан озод қилди. Қизил аскарлар Снов дарёсидан ҳам кечувни таъминлаб, Сож ва Днепр дарёлари бўйига чиқишли...

* * *

«Курск томонидаги жангларда қозонилган ғалаба натижасида Қизил Армиянинг ёз ва куз ойлари даги катта ҳужумлари даври бошланди. Қўшинларимиз икки

ої ичидა Донбассни, Таман ярим оролини, Сўл қирғоқ
Украинанинг деярли ҳаммасини, Брянск ҳамда Смоленск
шаҳарларини қўлга киритдилар. Минг тўққиз юз қирқ
учинчи йил сентябрь ойининг охирларига келиб, Қизил
Армия 700 километр келадиган кенг фронтда Днепр
соҳилларини эгаллади...»

Янги тарихдан.

* * *

«Минг тўққиз юз қирқ учинчи йил кузида совет
жангчиларининг қудратли ҳужумидан фашист босқинчи-
лари армияси Шарқий-вал аталмиши истеҳкомга биқин-
ди. Гитлер бу ерда — Днепр ва Сождан Гомель ва
унинг шимолдаги ерларда, фронтни мустаҳкамлаб олиб,
янгидан ҳужумга ўтишга шаҳд этганди.

Марказий фронт ёз ҳужумларини икки йўналишида
олиб борди. И. Д. Черняховский армияси (Олтмишинчи
армия) Киев томон юриб, анча илдам суринди; П. А.
Белов қўймондонлик қилган Олтмиш биринчи Армия ҳам
анча муваффақият қозонди. У Лоев районидан сўл та-
рафда, Днепр бўйида турарди. Бизнинг армиямиз Қирқ
саккизинчи армия билан бирга, Деснани кечиб ўтил-
гач, Гомель области йўналишида жанглар олиб борди...
Сожда юзма-юз, ёқалашиш даражасига етган ниҳоятда
оғир, қонли жанглар юз берди...

7-октябрь эрталаб Сојга Михаил Сергеевич Мали-
нин (фронт штабининг бошлиғи) келди...

— Лоев-Радуль районлари оралиғида Днепрдан ке-
чувуга ҳозирлик кўриши керак...»

П. И. Батов.

* * *

«Армия қўймондони, бошқа районга кўчилиб ўтилаёт-
ганини душмандан сир саклаш, гитлерчиларга олдинги-
дан ҳам кўпроқ ҳужум қилиб, уларнинг диққатини тор-
тиб туриш мақсадида, бир корпусни икки дарё орали-

ғида қолдиришига түғри келди. Генерал Д. И. Самарский бошчылыгидаги 19-йқчи корпус бу вазифаны атло дара жада бажарди. Әнді бутун фронтнинг муваффакияти Олтмиси бешинчи Армиянинг жангларига боғлиқ бўлиб қолганди. Шунинг учун биз унга фронтдаги бутун қурол-анжомни бердик, имкон яратишга ҳаракат қилдик. Бизнинг асосий ҳужум нуқтамиздан душманнинг диққат эттиборини чалғитиш ниятида, Эллигинчи ва Учинчи Армиялар 12-октябрь куни ўз майдонларида (булар ҳам Гомель обласи йўналишида) ҳужумга ўтиш буйргани олишиди. Болдин ва Горбатовлар (ҳалиги икки армия қўмандонлари) чекланган имкониятга эга эканликларини била туриб, мен умумманфаат йўлида, онгли равишда маълум қурбонлар бершидан бўлак иложи йўқлигини ҳис этдим — юракдаги қийноқ, изтироб билан, уларнинг бўйнига ўшандай вазифани юклашига мажбур бўлдим...» К. К. Рокосовский.

* * *

«Шарқий соҳилдаги ўрмонлар атрофида кечакундуз сонсиз-саноқсиз гулханлар ёқилди; душманлар, бизнинг аскарларимизни, ҳеч қаёққа силжисигани йўқ, аксинча олдинги нуқтада куч тўплашабди, деб ўйлашгани маъқул. Тунлари қисмларимиз аста-секин Гомель — Чернигов орасидаги катта йўлдан янги районга кўчиб ўта бошлиади. Кундузлари эса автомашиналарнинг тескари томонга — Соҳж истеҳкоми томонга мунтазам қатнаб туриши таминланди; диққат-эттибор ўша ёққа жалб этилди...

— 15-октябрь тонги келди. Днепр осмони ёришиди. Биз турган тепаликда (кузатув пунктida) ҳалма (армия бошлиқлари, армия штабининг ходимлари) гоҳ соат милига зиқ тикилишиар, гоҳ дарё устида юзган тонги енгил туманга ўйчан кўз ташлашарди. Урушида сукунат — алдамчи ҳолат. Соат 6-ю, 30 дақиқага етганида, реактив миномётлар бехос гумбурлади. Бу то-

вушга бутун артиллериямизнинг қудратли садоси уланыди. Дам ўтмай, дарё осмонига 299-дивизия самолётлари ҳам кўтарилишиди. Днепр учун жанглар бошланди...»

П. И. Батов.

* * *

Днепрдаги қизғин жанглар арафасида, октябрь ойининг биринчи кунларида, минглаб Қизил аскарлар партия сафига қабул қилинишларини сўрашиб, аризалар топширишиди.

Султон ҳам штабга ариза берди.

Гвардиячи отлиқ аскарлар корпусининг штаби вақтинча ўрмон бағрида жойлашганди. 10-октябрь куни эди; гуроғ-гуроғ йигитлар штаб эшигига келишди...

Мен бу кунни сира унутмайман!
Бу кун менда янги тетиклик.
Ҳаётимда бу кун байрам туси...

Султон штаб олдида навбат кутиб турар, ҳаяжонланганидан ёлғиз нари-бери юрганча, лаблари шеър пичирларди:

Рұхым — лочин, бу кун қўкрагим — тоғ,
Паст сезади бошим осмонни...

— Рядовой Жўраев!— овоз беришди эшикда туришган йигитлар.

Султон сергакланиб, ичкари йўналди. Шу сонияда унинг хаёлидан кечган ҳар бир сўз шеърга айланарди:

Ҳарбий салом билан кириб келдим,
Маҳкам тортиб аскар тасмамни...

Шу кунларда жон олиб, жон беришатган аскарларни партияга қабул қилиш оддий бир воқеа эмасди. Шундан штаб хонасида ҳарбий раҳбарлар кўтаринки кайфиятда, хушнуд ўтиришар, аскарларни дилкаш, гоҳо ҳазил-мутойиба аралашган суҳбатга тортишиб, гоҳо аскарнинг қалбида ётган бутун сўзларини осойишта

тинглашарди. Штабда гвардиячи Отлиқ аскарлар корпүсининг командири Крюков, Сиёсий ишлар бўлимнинг бошлиғи Шчукин, командирнинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Алиевлар бўлиб, отлиқ аскарларга айрича меҳр сақлаган собиқ кавалерист, Армия Ҳарбий Советининг аъзоси Лучко ҳам шу ерда эди.

Юлдуз ёнар заррин погонида,
Юзи очиқ, сочи олтинранг...

Генерал майор Крюков аскарларга ота сингари муомала қиласиган кекса ҳарбийлардан. Босиқ, салобатли; одатда, сўзни ўйлаб-ўйлаб, юракдан сўзларди. У Султонни ўтиришга таклиф этди; кейин, оддий, содда гап очди:

— Солдат!.. Инсон ҳаётда жуда кўп воқеа-ҳодисаларни кўриб улғаяди: ўзинг биласан; буни биз ҳам биламиш. Сен бизга ҳозир, яхшиси, ҳаётингдан қисқа, энг муҳим нарсаларни айтиб бергин...

Султон бир нафас ўйланиб қолди. Унинг ўттиз уч йиллик ҳаётида энг муҳим нарсалар нима?! Қисқа сўзлаганда, нималарни айтиши мумкин?

— Мен эсимни таниб, Ўзбекистонни юртим деб билдим,— ўйчан сўзлай бошлади Султон.— Юртим менга бутун Ватанни таништирди. Ватан — она; уни ёвузларга хўрлатиш, топталиб, фарёд чекишига йўл бериш мумкин эмас. Юртим, халқим, болаларим менинг ортимда туришибди. Мен уларнинг юзини ерга қаратмайман! Мен уларни севаман! Буларнинг баридан бўлак, беш-олти йилдан бўён менинг фашизм билан ўз ҳисоб-китобим бор. Мен унга қарши курашдим. Томиримда сўнгги қатра қоним қолгунича, яна курашаман... Қисқа сўзим шу!

Штабда ўтирганларга Султоннинг гаплари фавқулодда бир даражада ёқди. Шу билан бирга, афтидан улар «ўз ҳисоб-китобим бор» деган сўзларга унчалик тушунишолмади. Бригада комиссари Лучко эшитганлари магзини чаққиси келиб, полковник Шчукинга қара-

ди; корпус командири ҳам подполковник Алиевга савол назарى билан тикилганди.

Алиев Султон түгрисида жангчилардан эшигтан экан; жилмайды:

— Гвардиячи аскар Жўраев бизнинг адилларимиздан, ўртоқ командир!

— Владимир Викторович,— бу гапдан жоиланиб, Крюковга содда мурожаат қилди Лучко.— Ўзбекча фронт газеталаримиз бор...

— Йўқ, Филипп Павлович, шоирлар ўзимиизга ҳам керак,— деди корпус командири, Лучконинг нима демокчи эканига дарҳол тушуниб.— Майли, солдатнинг ўзидан ҳам сўрайлик-чи?!

— Аввалдан сафга кирдим. Энди чекиниш йўқ, ўртоқ командир!— деди Султон.

Командир мамнун кулимсиради. Сўнг у Султоннинг кўнглидаги гапларни айтди:

— Душман бизнинг ёзувчиларимиздан қўрқади! Бу — ҳақнқатниш кучи! Мана, Илья Эренбургни олинг. Фронт айланниб, ҳар бир ёзган мақоласи душманлар орасида бомбадай портлаябди! Шеърлар, қўшиқлар ҳам шундай. Душманинг буларга тоби йўқ. Бизга эса булас жапгларда мадад беришади!— У Султонга қўққисдан савол ташлади:— Шеърлар ёзилябдими, солдат?!

— Баъзан...

— Қийин. Урушда жуда қийин. Лекин ёзиш керак. Бунинг ўзи катта қаҳрамонлик... Қанийди, бу кунги партияга қабул қилиниш тўғрисида бир шеър ёзилса...

— Шеър ўйлаябман, ўртоқ командир. Тушундим...

Командир — қўлида қизил партбилет, ўрнидан турди.

Султон ҳам қаддини ростлади...

У штабдан чиқди. Партибилетни авайлаб кўкрак чўн-тагига солди. Уруш кунларида, бу — уивон. Масъулияг ҳам...

Ҳам мильтигим, ҳам созим ила,
Шу унвонни оқламоқ — қарзим.
Майдон ичра, гарчи зарур экан,
Жон фидолик жанговар фарзим...

Үнииг юраги алланечук күчли түлкінләнган эди...

Мен — коммунист!
Қандай мағтур бу сас!
Бу сас ўзи менинг ғалабам.
Шу товуш-ла жангда қатый қасос —
Үч оламан фашист галадан!..

Иброҳим, Латифлар штаб олдига келишиб, Султонни кутиб туришганди. Уни қучишиб, құлларига күта-ришди.

— Табриклайман, Султон ака,— деди Иброҳим сую-ниб.— Бу энди бошқа гап...

Латиф ҳам күзларини пирпиратди:
— Яшанг, Султон ака...

* * *

Аскарлар шу кунлари Днепрнинг сүл қирғоғыда — Украина ерида туришарди. Эндиги жанг — Днепрдан кечиб, Белоруссия туироғыга қадам қўйиш жангы эди!

Днепр — энли, чуқур дарё. Жанглар олдидан кўп-лаб соллар, қайиқлар ясашга тўғри келди. Бу ишда — яқин атрофда, ўрмонлар, тўқайлар — ботқоқликларда беркинишиб юришган, қизил аскарлар келишганидан руҳланишиб, ёпирилишиб чиқишиган — балиқчилар, мат-рослар, дараҳт кесувчилар — руслар, украинлар, бело-руслар астойдил ёрдам беришди. Дарёдан кечиш жангига элликдан зиёд миллат кишилари камар боғлаш-ганди...

Днепр жангы бошланди. Дарённинг ўиг қирғоғи бери-ги қирғоққа нисбатан анча баланд; душман майдонни яхшироқ кузатиш имконига эга эди. Бундан бўлак, фашистлар икки йўл траншеядан иборат қарийб ўн метр

қирғоқни тутган кучли истеҳком ясашган, Лоев — Радуль оралигидаги барча аҳоли пунктлари, бутун тепаликларни ҳимоя қўрғонларига айлантиришганди. Жанг қизил аскарлардан дарёни тез, илдам қўлга киритиш, ўнг қирғоққа дадил ўрнашишини талаб қиласади.

Артиллерия ҳужумлари баробарида, дарёда қайиқлар юза бошлишди. Сув майнин жимирилар, қуюқ туман кезарди; аммо дам ўтмай, қайиқлар фарбий қирғоққа яқинлашиб-яқинлашмасдан, снарядлар, авиабомбалар гумбурлашга тушди; душман ўқ ёмғирини ёғидирди; дарёда сув дошқозондек қайнай бошлади. Қайиқларга ўрнатилган пулемётлар, автоматлар ҳам тилга кирди; гранаталар портлади. Фашистлар кўз очиргани қўйишмасди. Аммо дарёга шиддатли ташланишган минглаб аскарлар тўнтарилган, синган қайиқлардан сувга тушибиши, рўпарадаги қирғоққа чирмашишди; тепаликларга шаҳдам интилишиб, ҳар бир қарич ер учун қаттиқ, қонли жанглар олиб боришиди.

Қисмларга қисмлар уланди. Траншеяларда ўт ўрмалади; душман истеҳкомига ёриб кирилди.

Дарёдаги юзлаб қайиқларга қатор соллар қўшилишиди. Огир артиллерия ўтиши учун олдиндан кўприк қисмлари тайёрланганди; йигирма тўрт соат ичидаги кўприк тикланиб, танклар ҳам олдинга суринишиди. Душманлар тинимсиз бомбардимон қилишаётганига қарамай, бутун Армия фарбий қирғоққа силжиди.

Днепрда беш кун узлуксиз жанг давом этди. Ниҳоят маълум майдон — мустаҳкам плацдармга ўрнашиб олинди...

Олтмиш бешинчи Армия — Романенко қўмондонлик қилган Қирқ саккизинчи, Белов қўмондонлик қилган олтмиш биринчи Армиялар ўртасида, Лоев билан Радуль оралигидаги фронтнинг асосий йўналишида жанг қилганди. Белоруссияга мардона қадам қўйған Армия зиммасига энди Лоев плацдармини сақлаб қолиб, душманнинг Надвиндаги истеҳкомини емириш, Речица

шаҳрини эгаллаб, Белов армияси билан биргаликда, Василевичи ва Калинковичи шаҳарлари томон илдам юриш вазифаси юкланданди...

* * *

Куз ёмғири бир ёғиб, бир тинар, осмон қоп-қора булут эди.

Лоевда бутун қолган иморат кўзга ташланмасди. Район, атрофдаги қишлоқлар ёниб, тутаб ётишарди. Унда-бунда ўрмонлар қорайиб туришар, булар ҳам худди булувларга ўхшашарди.

Лой; йўлларнинг расвоси чиққан. Бу ерда жарлар-ўнгирлар, баланд-пастликлар кўп; олдинга босиши қийин. Ялангликлар, кенг экин майдонлари ҳам дабдала ҳолга келтирилган эди.

Ўқ ва ўт; тутун ва тўзон. Қора тўзон... Бир қишлоқда қизил аскарлар, бир қишлоқда душман. Бир уйда қизил аскарлар, бир уйда яна — душман. Катта олишувларга ёнма-ён, қўл-қўндоқ жанглари...

Султон қудратли, улкан халқ оломони бағрида, ўқлар ёмғирига елка тутиб, қайнаб тошётган, қонга буланиб, қизариб оқаётган Днепрдан кечди. У белорус тупроғига умрида биринчи қадам қўйиши. Аммо бу юртни кўпдан танийди. Туркистонлик ўн тўрт комиссардаи бири белорус бўлган. Янка Купала, Якуб Колос шеърлари... Белоруссияга, Гомель областининг Лоев районига юзлашиб, пулемётни босим сайратганча, душманларга қирон сола бошлади...

Илҳомия... Шу кунлар нечундир кенжатой қизи унинг кўз ўнгидаги қотиб қолганди. Кўнгли ииманидир сезаётгандек эди...

Салом, жигарпорам, кўзлари қорам.
Салом, майдондаги отанг — харбийдан.
Софмисан! Соғ бўлсанг, шу менга ором,
Салом, кўзичогим, Ватан гарбидан.

Софиндим, чирогим, не чора, бирок,
Хар бир айрилиқнинг кўришмоги бор;
Ва ҳам душманларни қилгунча яксон,
Дәдәнгнинг жаҳд ила урушмоги бор...

Днепрдан солда ўтишаётганда, қизчаси ўз-ўзидан негадир кўз олдига лоп этиб келди. Ўтган бир ярим йилдан кўпроқ вақт ичиде қиёфасини унутаёзганди; аниқ эслагандек бўлди. Кейин қирғоқда машаққат билан ўрнашиб олишганида ҳам шундай ҳолатни ҳис этди. Сўппайиб қолган уй мўриларига қараганида, ўрмонларга тикилганида ҳам, мана, душманга қарши ўт очаётганида ҳам... Кўнгил, сен одатда инсонни алдамайсан; ўз хислатингга ёт тарзда мени алдаябсанми ёки?! Менинг қизимга нима бўлди, айт... Атроф кучли бомбалар портлашидаи гулдурурар, аммо шу билан бирга, Султоннинг назарида борлиқ гўёки жимжитдек эди...

Лоев райони маркази фашистлардан озод қилиниб, от-аравада олдинги бир нуқтага кўчилиди.

Султон, Василь ҳамда энди уларга қўшилган Латиф, аравада кетишаётби, лойга ботиб қолган қандайдир машина ёнидан ўтишиди. Машинада илдам суринишашётган пиёда аскарлар пастга тушишиб, ўз «араваларини зўр беришганча, лойдан чиқаришга уринишарди. Султон Латифдан аравани тўхтатишини сўради.

— Ёрдам керакми, йигитлар?!

— Иўқ, раҳмат... ўзимиз...— қичқириши машина ёнида уймалашаётган йигитлар. Аммо шу пайт улар орасидан бир йигит ажралиб чиқди. Негадир ҳаяжонланиб, ҳадеб қўлларини силкита бошлади. Кейин олдинга босиб, илжайганича, арава атрофида айланиша бошлади. Афтидан ўртаосиёликка ўхшайди. Ёш. Мўйлаби эндингина сабза урган. Бирон нима сўрамоқчимикин?!

Султон йигитга тикилганди. Йигит ниҳоят тиззасигача лойга ботиб, Султонга яқин ерга ўтиб олди. У ҳамон ҳаяжонланарди.

— Кечирасиз... Сиз... Сиз Султон ака эмасми?!

— Мен!..— деди Султон таажжубланиб.

Йигит шошилиб, Султонга кўришгани қўл чўзди.
Юзидан қора тер оқар, қўли ҳам нам эди.

— Яхши юрибсизми, Султон ака?! Ҳорманг!

Султон йигитнинг худди қишлоқда дала айланиб юргандек соддадил оҳангдаги ганига мулойим кулим-сиради.

— Юрибмиз... жанг...

Йигит сўзлашиб олишга улгурмаслик мумкинлиги-дан кўрқандек кўйда, тез-тез гапира бошлади:

— Биз Черниговдан келябмиз, Султон ака. Шу Армияга янги қўшилдик. Бу ерда ўзбеклар кўп экан; суюниб юрибман. Лекин сизни учратганим... Мен ҳаваскор шоирман, Султон ака. Сизни Тошкентдаги бир мажлиисда кўргандим. Энди яна... Кўп шеърлар ёзгайман, Султон ака, лекин ҳали чиқмагап. Бари бир ёзябман...

Султон йигитнинг ҳолатидан ҳам, гапларидан ҳам завқланиб кетди. Бу йигитни учратганидан юрагига илиқлиқ юргандек бўлди.

— Ёзаверинг. Бир куни албатта чиқади!— деди у йнгитга. Кейин негадир беихтиёр.— Баракалла,— деди.

— Сиз... Ўзингиз ҳам ёзябсизми, Султон ака?!

— Баъзан...— Бир пафас ўйланиб, гапни бундай якунлади:— Биз қўлдан келганча ҳалол ишладик. Ишляйбмиз... Лекин эртанги адабиёт бошқача бўлади. Яна ҳалқчил... Ёзиш керак...

Пиёда аскарлар машинани лойдан чиқариб бўлишган, машина от-араванинг ёнгинасига келиб тўхтаган эди. Бироқ аравада ўтирган йигитлар ҳам, машинага миниб олишган жангчилар ҳам ҳаваскор йигит билан Султоннинг гаплашаётганини жилмайиб кузатишар, чамаси, ҳалал бермасликка ҳаракат қилишарди.

Йигит, юз-кўзидан, Султон билан дарровгина хайрлашгиси йўқ эди. Ҳали гаплашмоқчи, иложи бўлса, шеърларидан намуналар ҳам ўқиб бермоқчи... соддадил;

түғри... Аммо орқадан шиддатли суринишаётган қисм-лар уларни илдам босишга мажбур қилишди. Ўриндан жилмаса бўлмайди...

Йигит машинага отилиб минди. Қейин қичқирди:

— Мен сизни албатта топиб оламан, Султон ака...
Раҳмат!

Султон ҳам от-аравани ҳайдатди... Манфур илоннинг бошини янчиб ташлайдиган кунлар яқинмикин?! Унгача қандай шаҳару қишлоқлар учун олишишга, қайси дарёлардан кечиб, дашту саҳроларда тентирашга түғри келаркин?! Сенинг йўлинг олис ва оғир, аскар!

Колпенъ қишлоғи чеккасидаги майдонга келиб тўх-ташди. Кўп ўтмай, пулемёт яна сайдари...

* * *

«Салом, опажон! Почча, алангали саломлар!

Бир пайтлар Пойтуққа чиқиб, соатлаб далаларда хаёл сурардим. Энди унақа бемалоллик йўқ; лекин ўшанда ўйлаган бир гапни ҳозир ҳам баъзан ўйлайман... Отамдан жуда эрта айрилдим. Ақалли ранг-рӯйни кўз олдимга келтиrolмайман. Онам ҳам мени тез күйдирив кетди. Уни ҳам эслашим мушкул. Хуллас, дунёда яхшиямки сизлар бор экансиз, мен суюндим... Онам ўрнида қолган азиз опам! Отам ўрнида қолган суюкли поччам! Бу кун сизлардан кетма-кет хатлар олиб, ота-онасини унугтан ноқобил фарзанддек ойда-йилда биргина жавоб ёзолмаганим учун мени маъзур тутарсиз, деган умиддаман... Мендан аҳвол сўрасангиз, соғ-саломатман. Нозик, анча ланж эдим, ўт кечавериб, пишидим... Эҳ, таассуротларим бир дунё. Борганимда уч кечаю-кундуз ўтириб ҳикоя қилмасам, ўнта хатга ҳам сифмайди... Душман билан қаттиқ олишибмиз. Болаларимиз чекишаётган изтироблар учун ҳам, ота-оналаримиз тўкишаётган аччиқ кўз ёшлари учун ҳам... Биз енгамиз!

Султон.
1943 йил, ноябрь.

Дарвоқе, эрта-индин байрам. Улуг байрам. Сизларни хаёлан қучаман!»

* * *

«Менинг олтин қанотим, ёшилик ҳаётимнинг ҳамро-хи — Мөҳирал! Тўнгичим, эркам — Ботирим! Ширишакар қизим, оппоғим — Нуриям! Дўндиқ, дилбар қи-зим — Румиям! Менинг баҳтим-баҳорим, юрагимдаги илҳомим, дардим — Илҳомиям! Ойижон!.. Барчангизга аскарча салом!

Мөҳира, охирги хатингни ўқиб, бир оз паришонлан-дим. Менга негадир бу хатни сен ийғлаб ёзгандек туюл-динг... Биз фронтда юрганларга нисбатан сизларга яна-да қийин, биламан. Бизнинг ташвишимиз жанг қилиш, холос. Қолган бутун юк сизнинг гарданингизда. Лекин ийғлама, жоним! Мен ҳозирча сизларга онда-сонда хат ёзиб, дардлашувдан бошқа ҳеч бир ёрдам кўрсатолмай-ман. Сен тагин андак чидаб тур, хўпми?! Ота-оналарни фарзандидан, аёлларни эридан, гўдакларни меҳрибон отасидан айрилиқда тутган бу кунлар ана-мана дегун-ча битади...

Мен сўнгги кунларда қандайдир ўзимча Илҳомия-дан нотинч әдим. Соғайиб кетган, ўйнаб юрибди, деб ёзибсан. Кўнглим ўсади.

Ойижон! Мен уйга қайтгунимча, ўзингиз хона-донга бош бўлиб туришингизни сўрайман. Ботир! Шўх-ликни бас қилиб, ойинг, бувинг пинжига кир, ўғлим! Сен ийгитсан. Нурия, Румия — қизларим! Мактабда ўқиши қолмасин, Мақтоб ёрлиғида исмларингиз ёзил-син. Илҳомия! Малагим! Сен энди ортиқ хасталанма. Бўлди. Сакраб-сакраб ўйна. Ўйин сеники...

Яна нималарнидир ёзмоқчи әдим. Унутдим. Эсла-сам, балки кейинги хатларимда ёзарман...

Мөҳира! Ойижон! Байрам яқинлашиб. Табриклай-ман. Қийин бўлиб, кўнгилга сифмаса ҳамки, болаларга

*байрам олдидан совға деб ул-бул олиб берсанглар, мен
улар учун чексиз сұюнаман!*

Султон».

* * *

Минг түққиз юз қирқ үчинчи йил йигирманчы октябрда Марказий фронт Белоруссия фронтига айлантирилди. Белоруссияның фашистлардан батамом озод қишлиш мақсади энді күн тартибидан жой олғандек бўлди.

Душманлар саросымага тушишиб, қарши ҳужумни кучайтиришган эди. Үиничи ноябрга қадар асосан плацдармни сақлаб, ҳимоя жанглари олиб бориш, барча қисмларни олдинга суриб, қўшимча имкониятларни қўлга киритгач, кескин ҳужум бошлашга қарор қилинди...

Султон ноябрь байрами олдидан — кичик жангларда қатнашиб, умуман нафасин ростлаб олаётган кунларда, монолог тарзида яиги бир шеър ўйлай бошлади. У жангларга кирган пайтидан буён ўз пулемёти ва пулемётчи дўстлари олдида алланечук қарздорликни ҳис этарди. Ниҳоят шеър унинг хаёлида муайян шаклга кира бошлади...

*Армоним йўқ. Ватан жангига —
Бурчим ўтаб, олдим жойимни...*

Султон ўйчан бу сатрлар изидан пулемётчи тўғрисида ҳикоя қилишга ўтди. Пулемётчи аскарининг жангдаги хатти-ҳаракатини чизгиси келди:

Санчдим ёвга ўлим ўтини...

Кейин майдонда парчаланиб, чекиниётган душман ҳолатини тасвиirlади:

*Ёз улгурмас — «максим» сайраса,
Мурдасига қазиб қабрини...*

Бунга пулемётчи йигитнинг интиқомга шай, жанговар ва асабий ҳолати қарама-қарши қўйилди:

Тишларим ҳам ўқдай, лентадан
Приёмникка ўтиб тургандай;
Шу қадарли зич сиқилганки,
Ёв бағрига ботиб киргандай...

Шеърнинг охирида у шу кунларда кўнглидан ке-
чиб, бутун хаёлини банд этган сўзларни ифодалади:

Ғалабанинг соати яқин...
Биз енгамиз! Бу қатъий якун...

Бешинчи ноябрь куни эди. Султон ёзган шеърини оқقا кўчирди. Кейин байрам олдидан Колпенъ қиши-
логидаги катта бир саройда ўтказилган йиғинда минбарга чиқди.

— Мен ўзбек дўстларимга шеърлар ўқиб берган пайтларим кўп бўлди,— деди у ҳаяжондаи сал қизариш-
қираб.— Лекин бундай катта даврада бирничи ўқишим. Шошсам, айб қўлмайсизлар. «Пулемётчи овози» деган шеър. Аввал ўзбекча ўқиб бераман. Сўнг мазмунини рус тилида...

Султон шеърни ёниб ўқиди. Шеър тугаб-тугамасдан бехос қарсаклар гувиллади. Сатрма-сатр, сўзма-сўз рус тилига ағдаргач, қарсаклар янада авжига миниб, «яхши, раҳмат!»— деган сўзлар оломон узра чайқалди.

У тинч давраларда китобхонлар билан анча-мунча учрашувлар ўтказганди. Бироқ ҳеч қачон бу қадарли шеърга ташна муҳлисларни кўрмаганди. Қўзлар... Унинг қаршисида тизилишган жангчиларнинг кўзларида бир дунё ҳолат муҳрланган эди. Ҳаётга чексиз муҳаббат; душманларга нафрат. Изтироб алами; бардош сукути. Соғинч илтижоси; кураш шиддати... Йўқ, жангчилар нигоҳида қалқиб турган барча ҳолатларни шунчаки шарҳлаб бўлмасди. Бу ҳақда фақат кейинчалик яна бир шеър ёзиш мумкин...

Уша куни йиғиндан сүнг Султон Иброҳим, Латифлар билан бир оз суҳбатлашди.

— Уруш битгач, таассуротлар сизга албатта иш беради, Султон ака. Қўп китоблар ёзасиз,— деди Иброҳим. Сўнг савол ташлади:— Уйга қайтгач, биринчи навбатда нима иш қилмоқчисиз, Султон ака?!

— Режалар кўп албатта. Лекин мен биринчи навбатда болаларимни теграмга олиб, уларнинг ўртоқларини уйга бошлаб келаман. Меҳмон қилиб, суюнтираман... Колган ишлар кейин...

Иброҳим энди Латифга юзланди:

— Сен-чи?!

Латиф нечундир қизариб, бўйини, елкаларини қисди.

— Нега индамайсан?! Сендан сўраяпман...

Латиф баттар қизарди:

— Мен биринчи... уйланаман...

Иброҳим бошини чайқаб тиржайганича, унга тегишиди:

— Улиб юрган экансан-да! Муҳимроқ гап тополмадингми?!

— Нега мунча тиржаясан?!— аччиқланди Латиф.— Сизлар уйланган. Мен нима, шундай юравераманми?!

Иброҳим жиддийлашди.

— Мен онам билан бир умр отамни сўроқладик, Султон ака,— деди у.— Урушдан қайтиб, шу ишга қаттиқроқ киришмоқчиман. Бирон дарак топилар ахир...

Иброҳимнинг бу гапидан кейин, ҳаммалари сукутга чўмишиди.

Үпинчи ноябргача кунлар шу йўсинда ўтди...

* * *

Фотима опа баъзан шанба кунлари Андижонга тушиб, Ботирни қишлоққа олиб келар, якшанба оқшоми поездга ўтқазиб, қайтиб, шаҳарга жўннатарди. Унинг бу ишидан кўпинча Нурия, Румиялар ранжишарди: «Бо-

тирни олиб бораверасиз...» У қизчаларни эркалаб, юпартади: «Сал катта бўлинглар, сизларга ҳам навбат келади...»

Фотима опанинг Ботирга нисбатан айрича муносабати бежиз эмасди... У жияни билан гурунг қуришни ёқтирар. Ботирга тикилиб, Султоннинг шу ёшдаги пайтларини эсларди. Булардан ташқари, Фотима опа жиянига баъзан шеърлар ўқиб берар, шундай қилганида, кўнгли анча ёзиларди. Султон шоир бўлиб танилганига қарамай, умуман, опа-укалар бари аввалдан шеърга қизиқар, Фотима опа ҳам ўзича шоира эди. У ҳеч қачон шеър қоралаб юрмасди албатта. Алланималарни дир тўкир, айрим тўқиганлари хотирасида узоқ вақтларгача сақланиб, айримлари тез орада унутилиб ҳам кетарди... Байрам кунлари Фотима опа одатдагидек Ботирни қишлоққа бошлаб келди...

Кор учкунлаябди. Бир ҳафта бўлиниб-бўлиниб ёмғир ёққанди, энди кор.

Қишлоқда пахта йиғим-терими тугалланмаган; одамлар эрта бошланган намгарчиликдан, аёздан бесаранжомланиб, челяк-челяк музлаган кўракни уй-уйга ташишябди; уларни чувиб, давлатга топширишябди. Кўл-қўлга тегмайди.

Фотима опанинг даҳлизда ҳам кўрак уюлиб қолган. Амма-жиян шаҳарда байрамни нишонлаб, қишлоққа келишлари билан кўрак чувишга тушишди. Улар қўллари тилиниб, тинимсиз ишлашар, аммо ора-сира ҳар қачонгидек гурунгни ҳам ўрнига қўйишарди...

— Немис бу ерларга келмайдими, амма?!— сўради бир гал Ботир.

— Йўқ, катта йигит. Улар энди қочишияди...

— Бирдан келиб қолса-чи?!

— Йўқ, келмайди... Икки укам жангда. Мана, бу йил мактабни битириб, ўғлим — аканг Анвар ҳам кетди... Мен бир ўзим бафридаги учта азamatни юборгач, душманга йўл бўлсин...

- Сиз кимни күп яхши күрасиз, амма?!
- Тушунмадим?!
- Дадам, амакимларни сұрайбман...
- Мен уч азаматимни баб-баравар яхши күраман, катта йигит... Лекин соғинишга дадангии күпроқ соғи-наман...
- Нега, амма?!
- Даданг менинг биринчи ўғлим... У ҳаммамиздан бошқача. Уни соғинмай бўлмайди...
- Йиғлаябсизми, амма?!
- Йўқ... Кўзимга нимадир кирди... Чарчаган бўлсанг, бир оз дам ол...
- Чарчамадим... Кўзингизга қарайми, амма?!
- Йўқ... Сенга нима десам экан?! Осмонда калхат айланниб юрибди. Ўлим билан бекинмачоқ ўйнаш қи-йин... Икки йил ичи қишлоқдаги битта кўчадан беш-олти хонадон «қора хат» олди. Йиги-сиғи... Иста-иста-ма, баъзан хаёл қочади...
- Бегона аскарни айтябсизми, амма?!
- Фотима опанинг энди юзини ёш ювди:
- Аскарлар ичида бегонаси йўқ, катта йигит...

* * *

«Кўз ёшимиз кўл бўлди...»

Кейин:

«Бошим тошга урсам-да,
Бу ҳасратга даво йўқ...»

Кейин бундай:

«Мен ҳам Ватан ўғли, деб,
Тўлдирай, деб, қўшинни —
Йигит борди фронтга,
Аскарларга қўшилди.
Жангда фашист-йиртқичдан
Мен уч оламан, деди.
Улсам, бўлиб қаҳрамон,
Мангу қоламан, деди.
Ёвни янчди бешафқат,
Охир айтганин қилди.

Бермайман, деб Ватанни,
Үққа учди. Ииқилди...»

Фотима опанинг шу кунларда түқиган сатрларидан.

* * *

Надвин йўналишнданаги жангларда танклар ҳалқа ҳосил қилишиб, ромба шаклида илгари суриниши; отлиқ аскарлар ҳалқа ичида, танклар ҳимоясида жангларга киришиб, камроқ талафотга йўлиқишлиари кўзда тутилди...

Олтмиш бешинч Армия душманнинг Надвин истеҳкомини бир кунда емириб, ўзига кенг майдон очиб олди; бир ҳафта вақт орасида Речица шаҳрини озод қилиб, Василевичи — Калинковичи томон кескин бурилишга эришди...

* * *

Генерал Крюков командирлик қўлган отлиқ аскарлар корпусидаги қўшинлар Речица йўлида Боршёвка, Малиновка, Козероги қишлоқларидан душманни суриб ташлаш учун қаттиқ жанглар олиб боришиди. Пустие Гряди қишлоғи этакларида бошланган ўрмонда айниқса оғир жанглар бўлиб, ниҳоятда кўп қурбонлар берилди...

* * *

Султон қонли, асабий жангда ўрмон ёқасига етиб келди. Уйдан чиққанидан буён бирон марта шу кунларчалик шодланмаганди. Димоғини уруш тугаб, уйга қайтадиган кунлар нафаси баҳор ҳавосига айланиб, қитиқлаётгандек эди. Душман тезроқ янчилишидан бошқа нарсани ўйламас, чор атрофдаги кучли портлашларга ҳам парво қилмасди. Фақат баъзан узоқ чеколмай қийналар, тамакининг хумори тутарди. Йўқ, кейин

Қўйнидан халтача чиқариб, қофозга шошмасдан бир чимдим тамаки ўрап, роҳатланиб чекарди...

У ўрмон ёқасига етганда, Василь билан бир гал узуқ-юлуқ гаплашди:

— Урушлар тугагач, бизникига меҳмон бўлиб келсан, хўпми?!

— Албатта, Борди-келди қиласиз...

— Бизда ҳам Васил ва Васила деган ўзбекча исмлар бор, эшигнамисан? Висол сўзидан олинган...

— Йўқ. Буни билмагандим...

Улар жанг қилишаётган ерлар Белоруссиянинг жануб томони бўлгани учундир, Лоевдан бериси оёқ остида намиқкан қизил қум тўшалганди. Илдам юриш қишин: боссанг, тиззагача тортади...

Ўтдан, сувдан кечишгани етмагандек, энди бундай қумга йўлиқишигани... Аммо Султон бунга инжимади. Аксинча, юрагини олдингидан кўпроқ севинч қоплади. Бу — менинг болалик қишлоғим-ку, ўйлади Султон. Қоғолтомга узоқдан Зарафшон нафаси уфуриб туради; бу ерда Днепр... Қум... Унинг худди кўнглидаги бир орзуси ушалгандек эди...

Ўрмон атрофларида шиддатли жанглар бир кечакундуз давом этди...

Кечки палла эди. Душманлар парчаланиб, чекина бошлаганди...

Султон душманга ўт очаётib, монолог тарзидаги охирги шеърининг айрим сатрларини бир неча марта пицирлаганча такрорлади. Янги шеър ёзгиси келганида охирги шеърини эслаб юриш унинг одати эди. Хаёлидан, тўлдим, шу кунлар чиндан жуда тўлиб қолдим, деган гап ўтди. Ўзича, илҳомим яна жўшябди, янги шеърлар ёзсан керак, деб ҳам ўйлади... «Илҳом» сўзи сабаб бўлдими, негадир бир неча кун бурунгига ўхшаб, кўз олдига лоп этиб Илҳомия келди. «Менинг қизимга нимадир бўлган,— ўйлади Султон бехос ғашланиб.— Моҳира сир сақлайбди, холос. Сезябман...»

Худди шу асно, у, кутилмаганда кескир қилич бошига тушиб, нақ белигача қирқиб кетгандек ҳолатни хис этди. Нима бўлди? Яқин ерда снаряд портладими, ўқ тегдими?! Англаёлмади... Ийқилди. Қўллари пулемётдан узилган, юзи совуқ қумга босилган эди. Илҳомия, кейин, илҳомим, деб пичирлади, «Тўлган — тўкилади!» Ўнга кимдир боши устида туриб, бемаъни шу гапни айтиётгандек туюлди. Қулоғига шудамда гўёки урилган нохуш бу сасдан сесканиб кетди. Ўрнидан даст туриб ҳайқиргиси келди. Йўқ, ортиқ қимирлай олмади. Жисми руҳига бўйсунмаётганини сезди. Жисми руҳига хиёнат қилгандек эди.

Болаликда ҳовуч-ҳовуч қум сочиб ўйнашарди. Мана, майдонда, ўша пайтлардагидек, кафтида бир қисим қумни чангаллаб ётарди. Осмон қоп-қора булат; ёмғир томчилаябди. Бўйнидан кўксига нимадир илиқлик юргурганди. Ёмғирми, қонми... Ожиз эканидан алами кела бошлади... Бу чексиз қумлиқда, бу машҳарда ҳар қандай қудратли инсон чумолига ўхшайди. Йўқ, инсон жисмининг тарқибида қум бор эмиш; чумоли эмас, бир қисим қум... Буни унутмаиг; эҳтиёт бўлинг, Инсонлар!

У энди кўзлари билан пулемётга интилиб, сўнг бора аллақандай қуюқ туман бағрида Латиф билан Василинг қорасини кўрди. Латиф негадир ерда ўтирганча қалтирап, Василь эса елкалари титраб, оёқлари қумга бота-бота, сирфала-сирфала пулемётдан душманга ўт очарди...

* * *

Кўзлари ачишябди. Зўр бериб, кўзларини очишга уринди.

Кесим-кесим тахта. Ён томондан қандайдир ёруғлик тушябди.

Санитария қисми орқадан етиб келгунинча ярадорларни хонадонларга жойлаштиришарди; демак белоруслардан кимнингдир уйида, дераза ёнида ётибди.

Тирик оламни туш кўрятдими ёки бир оз жонланди-
микан?! Афтидан, туш билан ўнг қоришиқ... Бола эмиш;
ҳозир Қоғолтомдан Чандир қишлоғига ўтган ариқ бўй-
лаб оёқяланг югуриб кетаётганмиш. Ариқ бўйларида
қум... Аммо оёқ остида тонги шудрингдан жиққа хўл
майса; атрофда анвойи гуллар. Қушлар; ҳар ёнда қуш-
лар партииллаб учишаётганимиш. Баъзан эркин, баъзан
нолон хониш қилишябди... Йўқ, тўхтаб тур-чи... Шу ер-
да, ташқарида ўрмон қушлари сайрашиябди, шекилли.
Агар чиндан шундай бўлса, яхши. Бу сафдошлари анча
олдинга кетиб қолишганидан дарак беради; жанг май-
донларига яқин ерда қушлар сайрашмайди... Устига
қандайдир юзи буришган бир аёл, пахмоқ соқолли бир
чол энгашаётгандай... Ота-онасини эсламоқчи бўлган-
дир... Йўқ, булар уй әгалари бўлишса керак...

Рўй берган воқеаларни хотирасида бирма-бир тик-
лашга чоғланди... «урра» садолари... ҳинди хок... ферш-
тейн... юзма-юз ёқалашишлар... кейин узоқлашиш...
йўқ, йиқилганидан бошқа иарсали хотирасида аниқ
тиклиши қийин. Кўзларини катта очиб, бошини кўтар-
гиси келди. Боши ёстиқдан кўтарилемади. Қабоқлари
оғриди... Боши елкалари аралаш оққа ўраниб ётганини
энди сезди. Бир пайтлар отдан учиб тушганида, шу ал-
фозда ётганди. Ўшанда ҳаммаси ўтиб кетганди... бу
гал ҳам мажруҳлик тез орада уштилса ажаб эмас...
Андак руҳланди; тетикланди...

— Узбек... шоир экан; кечадан буён алаҳлаб шеър
ўқиябди!

Товушлар. Бундай гапни ҳозиргина эшийтдими, ол-
динроқ қулоғига чалинганимкин — билолмади... Вайро-
на қишлоқ ҳовлисидағи уй тўрида волидаси жасад синг-
гари оққа ўраниб ётган, кейин вафот этганди. Эслади...
Юраги орқага тортди. Ахволи қайтиб ёмонлашибди... У —
ўзи эмас, Бруно эмиш. «Кўпроқ ёнган шам — эртароқ
сўнадил!» Уни боғлашиб гулханга ташлашиябди...

Ватанимни шилиб,
Қонларин шимган...

Эх, лаънатлар... Гулхан... Үт эгнидан бошига урилиб, бошидан оёқларига қуюлди... Ҳозир фақат икки оғизги на гапириши мумкин; кейин ҳаммаси тамом; үт ямлайди...

Алавидо, қүёшим,
Алавидо, ойим.
Алавидо, фируза
Бепоён фазо...

Үт гуриллаябди. Ҳали ёниб битмаганга ўхшайди... Мөҳира, чиндан паймонам тўлиб дунёдан ўтсам, марҳаматли бўл! Мени унутма! Болаларимни умринг борича ўкситма!.. Сен нега йиглаябсан?! Йиғлама, жоним, хўпми?!

Ерда кумуш январь кўрпаси...

Бунинг Брунога ёки Мөҳирага нима алоқаси бор?! Дарвоқе, Фотима опам айтишича, мен қишда туғилган эканман. Яна қиши келябди...

Назарида, бирдан гулхани ёриб, аланг устидан поезд ўтаётгандек бўлди... Саид вагон ойнасидан қўлини чўзганича кетябди... Тавба! Фотима опа, Хадича, Османур опалари ҳам вагон ойнасида туришибди.. Одам кўпайишб қолди: Шарифа, Қосимов, Мамажонов, ҳаваскор шопр... Қизиқ, Ҳўжақул ҳам шу ерда. Вагон ойнасида — Мөҳира, Мөҳрӯй опа, болалари... Илҳомия?! Сен нима қилиб юрибсан?! Мен ўтда куябман, она қизим, лекин сен яша... агар ҳаёт бўлсанг!

Поезд аста-секин йироқлашди. Уни ҳаммалари ташлаб кетишдн... Устнга энди ҳалиги аёл, чол ўрнида оқ кийишган қандайдир кишилар энгашишган... Шифокорлар... Ҳабар олишибди чамаси... Аммо булар муолижани қўйиб, негадир лўли қўшиқларини куйлашябди. Бир пайтлар Бухорода эшитгаи билан кейинчалик Россияда эшитған қўшиқларни қориштириб куйлашябди... Лў-

лилар тұғрисида Пушкин, Толстой, Горькийлар өзиш-
ган... Улар лұліларга нима сабабдан қиықсина
қарашганин? Мен нега беш тилда құшиқ билганим
етмагандек, лұлы құшиқтарини ҳаммадан ортиқ әқтира-
ман?

Лұлы құшиғидек поездим эркін
Үтгап, қайтарипмас күнлардек учқур...

Буниси — Александр Блок... Топдим. Топдим... Шу
аснода у ғаройиб бир гапни қашф этиб, алланечук ро-
ҳатланиб кетди... Буюк адибларни әрк ва учқурлик қи-
зиқтирган! Эхтимолки, мен уларга әргашгандирман...
Албатта шундай! Нихоят аниқладим... Раҳмат, Алек-
сандр Блок!

У яна руҳланган, тетикланғанди... Дарвоңе, дунёда
жар кимнинг ўз поезди бор. Менинг ҳам... Үзим истаган
күп ишларни қилолмадим. Аммо нима бўпти? Одам
юзга кириб ўлганида ҳам қайсиdir ишлари чала, қай-
сиdir орзулари рўёбга чиқмаган бўлади. Мен ўттиз уч
йиллик қисқа умрнинг жар бир соатига мазмун бағиши-
лашга уриндим. Ватаним, халқим олдида хижил эмас-
ман. Ана шуниси муҳим! Мен инсонни әркка, маъри-
фатга чорладим. Эрк, маърифат душмани фашизмни
лаънатладим; унга қарши жангда қуладим... Мен —
Бруно. Дунёда ҳали ёвузлик, жаҳолат пособони — фа-
шизм таг-томири билан янчыб ташланмаган экан, Бруно
яшайди. Мен яшайман. Ана шуниси муҳим!

У ҳаяжонланар, тўлғанарди...

Йўқол, сеҳрлама,
Ўлим даҳшати...

Лаънатилар... Ўт гурилляяди... Ўт уни қарийб ям-
лаб бўлди... Уни, нозик, деб ўйлашган. Чидолмайди, деб
ўйлашган. Лаънатилар...

Майли, ёндириңгиз,
Ёндириңгиз, ёнай...

Йўқ, мен ўлишим мумкин эмас... Мен ҳали албатта уйимга қайтаман! Опа-ука, жигарбандларимни бир ерга тўплайман! Қора кўёз талабаларим билан сұхбатлашаман! Мен Ватаним, халқимга бундан сўнг ҳам хизмат қиласверишим аниқ!..

У ўзини ниҳоятда толиққандек сезди. Бир оз дам олиш керак. Бир оз...

У кўзларини юмди...

«Шахсий гувоҳнома № 585969.

Ушибу ҳужжатни кўрсатувчи гвардиячи оддий аскар Жўраев Султон немис босқинчиларига қарши кураш фронтида қўмондонликнинг жанговар топшириқларини намунали бажарганлиги учун Қизил Байроқ орденли иккинчи Отлиқ аскарлар корпусининг 1943 йил 24 деқабрь № 28 буйруғига биноан, «II даражали Ватан Ўруши ордени» билан мукофотланди. Орден № 85785.

*Қисм командири
гвардиячи полковник Х. М. Алиев».*

Султонга бу гувоҳномани кўриш насиб этмади...

* * *

«Гвардиячи оддий аскар Жўраев Султон 1943 йил 14 ноябрда инсониятнинг ашаддий душмани — немис босқинчиларига қарши кескин жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди... Унинг жасади жанг майдонидан олиб чиқилди ва барча ҳарбий расм-руслар билан дағн этилди... У севимли Ватан олдидаги бурчини сўзсиз бажарди... Унинг номи муқаддас уруши тарихига киради ва келгуси авлодлар, албатта, уни фаҳр билан эсга олишади... Биз Султоннинг қабри устида қонхўр ваҳшийлардан бутун қилган ёвузликлари, Ватанимиз, халқимиз бошига келтирилган кулфатлар учун, ҳаммамиз яхши кўрган қуролдош дўстимиз Жўраевнинг ўли-

ми учун шафқатсиз қасос олишга қасамәд қилдик...»

Х. М. Алиев.

* * *

Қор ёғар, қумга майин түшаларди. Заъфарон, ол-тинранг япроқлар ҳам шохлардан узишишгани-узишишган, қорга қўшилишиб, қумга қоришгани-қоришган эди...

Үрмон ёқасидаги пайҳонликда қатор қабрлар қазилиб, буларда ноябрь кунларидағи шиддатли жангларда ҳалок бўлган йигитлар кўмилди. Шаҳидлар орасида ҳар хил миллат кишилари бор эди; Султоннинг жасади рус йигити Семён Попов, украин йигити Николай Кулаклар билан ёнма-ён қабрга қўйилди...

Шу куни матонатли Иброҳимнинг кўзларидан ёш тирқиради. Латиф икковлари оз муддатда юракларидан теран жой олган азиз инсоннинг қабри устида ҳаммадан кейин қолишиб, узоқ чўпқайишиди.

Ниҳоят Иброҳим қабрга тпкилганича, тирик одам билан сўэлашаётгандек оҳангда, Султонга босиқ, ўйчан мурожаат қилди:

— Бизни кечиринг, Султон ака! Нима бўлганда ҳам сизни асраримиз керак эди. Асраёлмадик... Улкамизда сизни катта муаллим, ўт юракли шоир сифатида билишарди. Биз сизнинг қаидай жангчи эканингизни кўрдик; жанглардаги қаҳрамонликларингизга гувоҳ бўлдик. Уруш тугаб, юртимизга қайтгач, бу ҳақда халқимизга бир умр сўзлаб юрамиз... Дўстона гап шу! Аскарча онт!..

Латифнинг кўзларидан ҳам милт-милт ёш оқарди. У алланималарнидир пичирлар, афтидан товуш чиқармай, Иброҳимнинг гапини сўзма-сўз такрорларди...

1974—1979 йиллар.